
R 496
1987/4



ГУЛИСТОН

4
1987



Пахтаободлик электромонтёр Қурбонқул Исоқов.

Р. Шарипов фотоси

Жадаллаштириш — давр талаби

Улуғ Октябрь бугуни кунда бизнинг ишларимизда давом этмоқда. Мамлакатда ўз моҳияти жиҳатидан революцион аҳамиятга эга бўлган қайта қуриш, бунёдкорлик ишлари авж олдирилмоқда. Бу ишлардан мақсад — социалистик жамият тараққиётини жадаллаштиришдир.

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномаси»дан

ХАЛҚ яратган НАВ

ГБ УзССР Ж

ҲОСИЛ УРУҒДАН БОШЛАНАДИ

РАИС Норматов бригадасига келди. Юқори пайкалда ишлаётган теримчилар билан салом-алик қилди-да, тўғри ўн саккиз гектарлик майдонга ўтди. Чигит ерга тушибдики, бу ер раиснинг назарида. Ҳар бир ниҳолни синчиклаб кўздан кечириб чиқади. Сувчилар сардори Райимжон тоға таъбири билан айтганда: «Каримжон бу ердан олтин топган». Райимжон тоғанинг бу ҳазил гапи қулоқма-қулоқ Каримжоннинг ўзига етибди. Қайси куни хирмонда тоғани кўриб:

— Агар пахтанинг шу кетиши бўлса, ҳаммаларинг олтин топасизлар! — деб қўйди.

— Айтганингиз келсин, ўғлим, — кулиб жавоб берди Райимжон тоға, кейин қўшиб қўйди. — Аммо-лекин, мен сизга айтсам, кўп пахта экканмиз-у лекин бунақасини энди кўришимиз. Қаранг, шохламас экан жонивор, танасининг ўзида ғуж-ғуж кўсак. Тағин ҳаммаси барака!.. Ўзи қаердан келиб қолди бу нав, раис?

Ўшанда Каримжон Райимжон тоғанинг қизиқиб берган саволига «Партия XXII съезди» колхозидан», дея қисқа жавоб берди-ю ҳали бу нав ҳақида ўзи ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмаслигини сезди. Ичида ўзидан-ўзи койинди. Хўжалик раҳбари бўлатуриб, ўз даласига экган нав ҳақида тасаввури ҳаминқадар эканлигидан уялди.

Сўнг шофёрига:

— «Партия XXII съезди» колхозига ҳайда! — деди.

Раис кўпчиликда қизиқиш туғдираётган «Поп-84» нави даставвал бундан икки йил муқаддам ана шу колхознинг Раҳматали Дадабоев бригадасида дунёга келганлигини яхши биларди...

ДАДАБОЕВНИНГ ДАЛАСИ

Поп шаҳрига шундоқ кираверишда, катта магистрал йўл ёқасида яхлит пахтазор ястаниб ётади. Бу далага сўнгги йилларда кўплаб меҳмонлар келиб кетди. Шунинг учун ҳам Раҳматали ака Дадабоев ўз даласида «Правда» колхозининг ёш раисини кўриб ажабланмади. Пахтазордан чиқиб келиб, у билан қўш қўллаб сўрашди. Кейин шийпон саҳнидаги сўриток тагига ўрнатилган соясалқин супага таклиф этди. Дастурхон ёзди. «Хуш кўрдик!» — деди.

— Биз ҳам сизга ҳавас қилиб озроқ жойга «Поп-84» пахтангиздан экқан эдик, — деди Каримжон, — шунинг баҳонасида сизни бир кўрай дедим...

— Ҳа, бу айни халқимизнинг кўнглидаги пахта, ҳозирги замоннинг пахтаси... — деб қўйди Раҳматали ака, сўнг меҳмоннинг саволчан нигоҳига кўзи тушиб, гапни улаб кетди:

— Энг яхши навларни, ғуж-ғуж гуллаган ғўзаларни бир-бирига чангглатиб, синаб кўрдик. Алоҳида парваришладик. Чигитини олиб,1984 йил баҳорида яна озгина ерга экиб қўйдик. Бинойидек пахта бўлди. Заводга ўн саккиз тонна пахта топширдик. Завод бизга кўклам арафаси ўн тонна чигит берди. 1985 йилда яхши ният билан майдонимизнинг ҳаммасига экдик.

— Агротехникаси қалай? — сўради Каримжон.

— Агротехникасида ҳам бошқа навларга нисбатан кескин фарқ йўқ. Сувни сал кўпроқ ичади. Оз-оз, лекин тез-тез ичади. Ортиқча харажатга ҳожат йўқ. Берган ўғитингиз, сувингиз пахтага айланаверади. Шохининг ўзи йўқ, барг-у кўсак, барг-у кўсак... Яна бу пахта навининг ўзига хос томони: пишган сари тепага қараб барги тўкилиб бораверади. Машина теримига жуда боп. Шохсиз бўлганлиги учун чаноқлари шпинделлардан «қочиб қолмайди», ерга тўкилмайди. Қўл теримига ҳам қулай. Бу йил синаб кўрдик. Бошқа навдан бир кунда юз килограмм терган теримчиларимиз бу навдан 130—140 килограммдан терди. Дори-дармонини ҳам айтиб қўяй-да. Бошқа навларга нисбатан ўғит беришни ўн-ўн беш кун эрта тугалладик. Июлнинг ярмига бориб-бормай ўғитни бериб бўлдик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Тўхтасин Иноқовни танийсиз. Жуда меҳнаткаш йигит-да. Техниканинг пири. Ғўзани кўрди-ю унга қандай ишлов беришни аниқлади-қўйди, азамат. Биринчи культивацияда ғўза оралиғини 35—40 сантиметр кенгликда юмшатдик, иккинчисида 25—30 сантиметрга олиб келдик. Томир саёз жойлашгани учун шикастланмасин, дедик. Иккинчи сувдан кейин культивацияни саёзроқ ўтказдик. Енгил-енгил культивация қилдик. Якуни шуки, биринчи сорт пахта билан планимизни бажардик. Гектаридан 44 центнердан пахта олдик. Мавсум охирига келиб, бригадамизда ҳосилдорлик 52 центнерданга тўғри келди. Ўтган йили бу пахта навини кўплаб кишилар келиб кўрди. Аввж терим маҳали даламизга Уйчи районидаги «Қизилравот» уруғчилик совхозининг директори ўртоқ Шерматов келди. Пахтамизни кўриб қувониб кетди.

— Сизларга раҳмат! — деди, — яхши нав экан, биз ҳам экаверамиз!

Ҳақ гапни шу одам айтди. Жуда хурсанд бўлдим. Бундай деганимнинг боиси шуки, бунгача даламизга келган бу уруғчилик институтининг баъзи бир олимлари ичида ошкора тутун қайтарганлари ҳам бўлди-да. «Бу ўзи қандай нав? Қаердан олдинглар? Нега биз бехабармиз? Бу қанақаси бўлди?!» қабилидаги гаплар ҳам бўлиб ўтди.

— Сиз нима дединг?

— Мен нима дердим. Давлат бизга ишонч билдириб шу бир парча ерни бериб қўйибдими, унинг тақдири ҳам ўз қўлимизда, биздан ҳосилни талаб қилиб олаверинглар, еримиз қайси навни ёқтирса, ўзимиз қайси навни ёқтирсак, шу навни экамиз! — дедим. — Вироз қаттиқроқ гапириб юбормадимми-кан-а, нима дединг?

Раҳматали ака меҳмонга астойдил, саволомуз қаради. Гўё Каримжон: «Э, чакки қилибсиз-ку!» деса гапини қайтариб оладигандек. Содда, деҳқон одам. Бундайлар такаббурлик нималигини билмайди. Очиқ-ёруғ, бори ташида. Яхши киши деб аслида шундайларни айтишса керак...

Жўраев ҳамон бригадирнинг ўзига саволчан боқиб турганини кўриб, хаёлларини йиғиштириб олди.

— Жуда ҳақ гапни, бор гапни айтгансиз, — деди Жўраев ўрнидан қўзғаларкан, — жуда тўғри қилгансиз!

— Раҳмат-е, ука!

Бригадирнинг пешонасидаги қат-қат ажинлари ёзилиб, юзига чиройли кулги югурди...

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 4 (446)
Апрель
1987

Эко №1

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон», 1987 йил.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯША

Ҳали бу нав атрофида кўпчиликка маълум бўлмаган бир дунё гап-сўзлар ҳам бор эдики, Раҳматали ака буни кейин эшитди.

...Февраль ойида Поп пахта тозалаш заводи директорининг телефони чўзиб-чўзиб жиринглади. Жўрахон Бурҳониддинов трубкани кўтарган эди, коммутатор қиз: «Сизни Тошкентдан сўрашаяпти», деди. Кейин трубкадан эркак кишининг хиёл асабийроқ овози эшитилди:

— Бурҳониддиновмисиз?

— Ҳа.

— Мен республика агросаноатидан — пахта уруғчилиги бошқармасининг бошлиғи Нормурод Холмуродов бўламан. Бу, сизларда «Поп-84» деган нав пайдо бўлиб қолибди, деб эшитдик. Тағин уруғликка ҳам ажратганмишсизлар?

— Шундай.

— Бу қандай ўзбошимчалик! — овози жаранглаб кетди Холмуродовнинг, — тезликда ўша уруғликни ёғ заводига олиб бориб, қайта ишлатиб юборинг!

Бурҳониддинов нима деярини билмай қолди.

— Нега жимиб қолдингиз? — таъкид оҳангида сўради Холмуродов, — эшитаяпсизми? Тушунарлими?

— Маслаҳатлашиб кўрамиз.

— Ҳеч қандай маслаҳат-паслаҳатга ўрин йўқ. Ҳали бунинг учун тегишли жойда жавоб берасизлар! Гап шу, ўн кун ичида чигитни ишлатиб, менга ахборот берасиз!

— Хўп.

Нариги томондан калта-калта гудок эшитила бошлади. Қизиқ-ку бу Холмуродов. Пўписасини қаранг, «маслаҳат-паслаҳатга ўрин йўқ» эмиш! Ахир, бу навнинг ўз ташкилотчилари, даласига экиб, фарзанди янглиғ парваришлаб ўстираётган соҳиби, деҳқонлар бор. Шундай бўлгач, улар билан маслаҳатлашмай, кенгашмай туриб, бир нарса қилиб бўлар эканми? Тағин: «Қилғиликларинг учун жавоб берасизлар!» деган дағдағаси ошиб тушди...

Директор ишга тушган кундан бошлаб, бу янги нав билан қизиқиб келади. Мана, столи устида «Поп-84»нинг лаборатория таҳлили ҳам турибди. Бурҳониддинов паришонхотирлик билан трубкани қўйиб, ўша бир варақ қоғозни қўлига олди:

«Поп-84» пахтаси толасининг қаттиқлиги «АН-402»дан анча юқори: 4,9. Тола чиқиши «АН-402» навида 31 процент, «Поп-84» да эса 35,4 процент. Тола узунлиги «АН-402»да 31—32 миллиметр, «Поп-84»да 32—33 миллиметр. Бунинг устига, типи ҳам бир балл ортиқ — 5-тип...»

Ивановонинг Лежневский ва Кинешемский тўқимачилик фабрикалари чиқарган хулоса ҳам худди шунинг ўзи.

Мутахассисларнинг, тўқимачиларнинг аниқ-тиниқ хулосаси шу.

Район раҳбарлари ҳам ана шу хулосага асосланиб, деҳқонлар қалбига қулоқ тутиб, «Поп-84» чигитини уруғликка олдиришаяпти. Бундан обкомдаги ўртоқлар ҳам хабардор. Кеча заводга Раҳматали Дадабоевнинг ўзи келди. Бу одамнинг куйдипишдилиги, жонкуярлиги, «Поп-84» бир сўзли деҳқонга нечоғли азиз эканлиги хатти-ҳаракатларидан, гапу сўзларидан шундоқина англашилиб турибди. Дадабоевдан бошқа экканлар қанча? Холмуродов айтмоқчи, уруғликка деб ажратилган чигитни ёғ заводига топшириб юбориб, эртага уларнинг юзига қандай қарайди директор? Э, йўқ, барибир айтиш керак, маслаҳатлашиш керак...

Бурҳониддинов шу ўй билан телефон номерини териб, тўғри район партия комитетининг биринчи секретари билан боғланди. У кишига ҳозиргина Холмуродов билан ўрталарида бўлиб ўтган гап-сўзни шундоғича айтди.

— Мен Холмуродов билан бугунок гаплашаман, «Поп-84»дан бир граммини ҳам ёг заводига бермайсиз! — тайинлади секретарь.

Дарҳақиқат, Маҳмуджон Абдуллаев шу куни Тошкентга телефон қилиб Холмуродовдан:

— Бу навнинг нимаси сизга маъқул эмас, қандай эътирозлар бор? — деб сўради.

— Бу пахтангизнинг типи паст, сифати ҳам ҳаминқадар, саноат ёқтирмайди, — деди Холмуродов.

— Бизнинг қўлимизда ўша сиз айтган саноатнинг хулосаси турибди...

— Бўлса бордир, — гапни охиригача эшитишни истамай фикрини айтишга ошиқди бошқарма бошлиғи, — барибир бўлмайди! Бу навингиз давлат синов участкасидан ўтмаган...

Секретарь шу ерда қаттиқроқ гап айтишга чоғланди-ю яна ўзини тийди.

— Синов участкасида уруғлик ярим гектар, нари борса, бир гектар жойга экилади, наҳотки, тушунмасангиз, биз уни ахир юзлаб гектар жойга экиб, синаб кўраяпмиз. Ҳаммага бирдек маъқул.

— Маъқул бўлса бўлаверади. Автори йўқ!

— Автори — халқнинг ўзи. Унинг ижодкори — деҳқон. Халқ яратган нав, деб қайд қилиб қўйса бўлмайдими?

— Йўқ.

— Бўлмаса, биз экаверамиз.

— Экмайсиз! Бу масалани охирига етказамиз...

Ора очиқ қолди.

Кўп ўтмай, область агросаноат бирлашмасидан «Поп-84» навини экмаслик ҳақида кўрсатма келди. Бу ҳам асли Холмуродовнинг иши эди.

Биринчи секретарь юрган йўлида ўйларди. Ўйлаб-ўйлаб ўйига етмасди. Бу қанақаси? Наҳотки, еримизга ҳам, элимизга ҳам манзур бўлган бу пахта нави энди экилмаса. Нега? Нима учун?

Баҳор бўсағасида Попда область партия комитети бюроси аъзолари иштирокида алмашлаб экишга бағишлаб ўтказилган кенгашда М. Абдуллаев ана шу ҳақда гап очди.

— Республика, область агросаноатидаги баъзи ўртоқлар «Поп-84»ни экишимизга қарши чиқаяпти. Деҳқонларимиз катта умид, иштиёқ билан экамиз, деб туришибди. Биз нима қилайлик? — дея сўради.

— Йўқ-йўқ. Бу бўлмаган нав экан, бу йил экмайсизлар! — деди область агросаноат бирлашмаси раҳбарларидан бири.

Шунда столга тикилган кўйи қўлидаги ручкани ўйнаб ўтирган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Ражабов кескинроқ гапирди:

— Экиш керак! Уруғлик етганча экиш керак, — деди у, — кўрдик, билдик. Яхши нав. Нима учун экмаслигимиз керак?! — сўнг залга юзланди. — Янгиликдан ҳеч қачон қўрқмаслик, янгиликка интилиб яшаш керак, ўртоқлар!

Обком секретари айтганича бўлди. Бир қанча гектар майдонга «Поп-84» нави экилди. Шундан сўнг бу нав атрофида бўлаётган можаролар ҳам ўз-ўзидан кучайиб кетди. Баъзи бир олимлар, мутахассислар Попга келиш, аҳвол билан яқиндан танишиш ўрнига узоқдан туриб тош ота бошладилар. Республика газеталаридан бирида, Ўзбекистон радиосида берилган материалларда попликлар «синалмаган, сифати паст, саноат учун тўғри келмайдиган» навни экишда қораландилар ҳам.

Улар-ку билмай-кўрмай туриб гапиришарди, аммо...

Август ойида телевидение орқали берилган қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатувда республика Давлат агросаноат комитети уруғчилик экспериментал станцияси директорининг ўринбосари Мўминов «Поп-84» ҳақида, унинг нотўғри экилганлиги ҳақида тўхталиб, шу кўрсатувда қатнашаётган Наманган область агросаноат бирлашмаси уруғчилик бўлимининг бошлиғи Ғуломжон Юсуповдан:

— Бу ҳақида сиз нима дейсиз? — деб сўради.

— Фикрингиз тўғри. Ҳақиқатан бу нав нотўғри экилган! — дея киприк қоқмай жавоб берди Юсупов.

Ваҳоланки, у Попда бир эмас, бир неча бор бўлган, ўрни келганда, «Поп-84»ни кўкларга кўтариб мақтаган ҳам эди...

Шу кўрсатувни обкомнинг биринчи секретари ҳам кўрган экан. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, ғўза парваришини кўздан кечириб юрган обком бригадаси Попда Ғ. Юсуповга дуч келди.

— Сиз ўзи мутахассисмисиз, уруғни бир-биридан фарқлай оласизми? — деб сўрадилар ундан.

Юсупов худди олма ўғирлаб қўлга тушган боладек қизариб турар, қўлларини қаерга яширишни билмас эди.

— Ҳа, энди, шунақа дегин дейишувди...

— Ўзингизнинг мустақил фикрингиз йўқмиди, бор гапни айтсангиз бўларди-ку?!

Бу гал Юсуповнинг тили айланмай қолди...

...Райкомнинг биринчи секретари баъзи бир олимларнинг «Поп-84» ҳақидаги асоссиз фикрлари, иккиюзламачиликлари деҳқонларга ёмон таъсир қилаётганидан, ҳатто айримларнинг кўли ишга бормай қолаётганидан, иккиланаётганлигидан изтиробда эди.

«Ленинград» колхозида Исмоил ака деган киши секретарнинг йўлини тўсиб чиқди. Секретарь бу одамни яхши танир, Дадабоевдан кейин «Поп-84»ни биринчилар қаторида экиб, барака топганлардан бири шу киши эди.

— Ишлар қалай, Исмоил ака?

— Ишлар чатоқ, ўртоқ секретарь.

— Хўш-хўш?

— Диққатмиз. Телевизорда айтишди, бу «Поп-84»нинг истиқболи чатоқ эмиш. Ҳақинг ҳам мазаси йўқ эмиш...

Секретарнинг вужудидан бир нарса жимирлаб ўтди. Мана гап қайда?! Тескари ташвиқот ўз таъсирини ўтказиб бўлибди-ку. Нима дейиш керак? Деҳқон кўнглига нима деб тасалли бериш жоиз? «Бўлмаган гап» десангиз, республика телевидениесидек катта даргоҳдан гапиришган, индамай кетсангиз, яна бўлмайди. Ниҳоят, секретарь қалби буюрганини айтди.

— Исмоил ака, — деди у, — иккиланмай меҳнатни қилаверинг. Ҳақини топиб бериш биздан. Келишдикми?

— Раҳмат!

Пахта чамандек очилган кунлари Тошкентдан телефонограмма келди. Эртага Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари келаркан...

ОҚ ИЎЛ

Марказком секретари Попга кириб келаётиб, Алиёрнинг бригадасида тўхтади. Шундоқ йўл ёқасидаги бўлиқ пахтазор, бодраб очилган чаноқлар меҳмонни лоқайд қолдирмади. Ҳамма дала ҳам терим олдидан ўн саккиз кунлик келинчакдек яшнаб кетади. Аммо бу бошқача манзара эди. Борлиқ ҳар қандай одамни ҳам лол қолдиргудек даражада оқ, оппоқ эди.

Марказком секретари:

— Қани, шу ерда бир тўхтайлик, — деб гандаёқ райком секретарининг юрагига илиқлик югурди.

Машинадан тушдилар. Қир-адирларга туташ пахтазорга тикилган кўйи туриб қолдилар. Кейин оҳиста юриб, пайкалга кирдилар. Чаноғи ғужғон ғўзаларга ҳавасланиб қарадилар:

— Ажойиб! Бу ўзи қанақа нав? Янгими?

Обком секретари М. Абдуллаевга маъноли боқди. Райком секретари бир зум тараддудланиб турди-да:

— Бизни қийнаётган ана шу нав... — деди.

Марказком секретари ажабланди:

— Нега? Нима учун?

М. Абдуллаев бир йилдан бери янги пахта нави атрофида бўлаётган можароларни қисқача баён қилиб берди. Марказком секретарига «Поп-84» ҳақида саноатчиларнинг хулосаларини айтди. Иваново тўқимачилик

комбинатидан олинган расмий ҳужжатларни кўрсатди.

— Ҳеч шубҳасиз, ажойиб пахта! — деди секретарь. — Майли, биз бу масалани кўриб чиқамиз. Бу ернинг бригадири шу ердами?

Юлари бўғриқиб кетган Алиёр Арслонов Марказком секретарига рўпара бўлди.

— Жуда яхши! — деди у бригадир билан қўл олишар экан. — Пахта роса очилибди, барги ҳам тўкилибди. Нега термаяпсиз?

— Планимиз қирқ центнердан, — деди Алиёр. — Ҳозир терсак, ўттиз центнердан чиқади.

— Бир теримда ўттиз центнер... ёмон эмас чоғи? — обком секретарига қаради Марказком секретари, сўнг Алиёрга тикилди:

— Ўттиз центнер бизни қониқтирмайди, — дангалига кўчиб қўя қолди Алиёр, — ҳозир ҳар икки кунда битта кўсак очиладиган пайт. Ҳар туп ғўзада тўрт кунда иккитадан кўсак очилса, беш центнер пахта қўшилади. Шунинг учун...

— Тушунарли, — кулиб қўйди Марказком секретари, — агар мумкин бўлса, ана шу пахтангиздан беш-олти туп беролмайсизми?

— Бажонидил.

Бригадир чаман бўлиб кетган ғўзалардан олти тупини олди. Марказком секретари бир туп ғўзани авайлаб ушлаб, чаноғидан тошиб турган пахталарга завқ билан боқди. Кейин ҳамроҳларига юзланди:

— Эсдалик. Бу пахтанинг бир тупини кабинетимга қўйиб қўяман, қолганларини ўша сизларнинг йўлингизни тўсаётганларга биттадан бўлиб бераман...

Ҳамманинг юзига табассум югурди.

Ўша воқеадан бир кун ўтиб эрта билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан райкомга телефон қилишди.

— ...Эртага «Поп-84» нави масаласида агросаноат раҳбарларидан боришади. Ҳаммасини кўрсатинг, балки, ўша ерда элита хўжалиги ташкил қилармиз... Пахтанинг чиқиши қалай?

— Яхши. Мажбуриятни ҳам бажарамиз...

— Менга айтиб беришди. Бу мавсум бутифосдан бутунлай воз кечибсизлар. Бу — яхши гап. Табриклайман. Попликларга менинг саломимни етказинг.

— Раҳмат!

...Маҳмуджон Абдуллаев трубкани қўйиб, ўзини қушдек енгил ҳис қилди. У ўзида йўқ даражада хурсанд эди.

Шу топда райком секретари хаёлан телевизорда чиқиб, «Поп-84»ни обдон қоралаган олимни кўз олдига келтирди. «Шунақа, биродар, бу навни халқ яратган. Энг яхши қўшиқлар, ўлмас қўшиқлар халқники, дунёдаги жамики яхши анъаналарнинг ҳам ижодкори шу халқ. Бунёдкор халқ! У ўз элига, ерига муносиб навни яратиб олса, нимаси ажабланарли?!»

...Янгилик, меҳнат ўз натижасини берди. Съездлар йилида районда оширилган социалистик мажбурият ҳам шараф билан бажарилди. Она Ватан поплик пахтакорлардан 57 минг 522 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Ҳосилнинг 88 процента юқори сортларга сотилди. Ҳосилнинг 32,5 минг тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

— Кўплаб гектарларга экилган «Поп-84» навимиз хирмонга барака киритди, — дейди район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Раҳимжон Ражабов. — «Уйчи-2» навидан ўртача 31,3 центнердан, «АН-402» навидан эса 31,6 центнердан ҳосил олганимиз ҳолда, «Поп-84» навидан 37 центнердан ҳосил олдик. Илғор пахтакорлар бошлиқ бригадалар бу навдан 45—50 центнерга етказиб хирмон кўтардилар.

* * *


Раҳматали аканинг бригадаси бугун республиканинг диққат марказида. Кейинги кунларда бу ерда Ўзбекистон ССР агросаноат Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Қурбонов, академиклардан Мирзаали Муҳаммаджонов ва бошқалар бўлишди. Водийнинг кўпгина районларидан райком секретарлари, хўжаликларнинг раҳбарлари келишди.

— Ажойиб пахтангиз бор экан, озгина чигитидан беролмайсизми? — дейдиган ҳавасмандлардан кўпи йўқ.


Келган олимлар, барча меҳмонларнинг фикри бир жойдан чиқди: «Партия XXII съезди» колхози базасида элита хўжалиги ташкил қилиниб, «Поп-84» нави республика бўйлаб оммалаштириладиган бўлди...

Ортиқали НОМОЗОВ

Поп







Металлурглар сулоласи: (чапдан) пўлат эритувчи Олим, йўнувчи Муҳаммад, пўлат эритувчи ёрдамчиси Рашид, кесувчи Ҳусан, бригадир Ҳасан, кран машинистлари Равшан ва Жумагул ва сулола бошлиғи Мурод Мадумаров.

Бетўхтов металл қуйиш цехи.

В. Мосин фотолари.

РЕВОЛЮЦИЯНИНГ УЛУҒВОР ПРОГРАММАСИ

В. И. ЛЕНИННИНГ «АПРЕЛЬ ТЕЗИСЛАРИ» ЁЗИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

«Яшасин социалистик революция!»

1917 йилнинг 3 апрели. В. И. Ленин Петроградда — Финляндия вокзалига тўпланган революцион омма олдида оташин нутқ сўзламоқда. Нутқ якунида янграган ҳамда доҳийнинг машҳур «Апрель тезислари»га асос қилиб олинган тарихий даъвати барча буржуа, муросасоз партиялар ва пролетариат душманларини довдиратиб, саросимага солиб қўйди.

В. И. Ленин Россияда содир бўлган Февраль революцияси ҳақидаги хабарни муҳожирликда 1917 йил 2 (15) март куни эшитиб, ўзининг бутун диққат-эътиборини сиёсий вазиятни, синфий кучларнинг нисбатини таҳлил қилишга қаратди. У Россияга қайтгунгача ўтган бир ой ичида қирқдан ортиқ хат ва телеграммалар ёзди.

В. И. Ленин 3 (16) апрелда Швейцариядан Россияга яширин суратда қайтиб келди. Финляндия вокзалига йиғилган пётерлик ишчи ва солдатлар доҳийни зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. В. И. Ленин вокзал майдонида броневикда туриб нутқ сўзлаб, ишчи, солдат ва матросларни социалистик революция ғалабаси учун, Советлар ҳокимияти учун курашга чорлади.

Ўша тундаёқ доҳий большевикларнинг тантанали йиғилишида тезисларнинг асосий ғояларини баён қилиб берди. 4 апрелда эса у Таврия саройида Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Бутун Россия кенгашига йиғилган большевик делегатлар ҳузурида, сўнгра эса, большевиклар билан меньшевикларнинг бирлашган мажлисида ҳозирги революцияда пролетариатнинг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

7 апрелда тезислар В. И. Ленининг шарҳлари билан «Правда» газетасида «Ҳозирги революцияда пролетариатнинг вазифалари тўғрисида» номи билан босилиб чиқди. Бу — революциянинг иккинчи босқичида (биринчи босқичи — Февраль революциясининг ғалабаси назарда тутилмоқда) большевиклар партияси тактикасини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнаган машҳур Апрель тезислари эди. Доҳий унда «Иирокдан хатлар»да билдирган ўз фикрларини давом эттирди ва пролетариат диктатураси ғалабасига олиб борадиган йўлларни аниқ кўрсатиб берди.

«Россиядаги ҳозирги пайтнинг хусусияти, — деб ёзган эди В. И. Ленин тезисларда, — революциянинг биринчи босқичидан — пролетариатнинг етарли даражада онгли бўлмаганлиги ва уюшмаганлиги орқасида ҳокимиятни буржуазияга бериб қўйган босқичидан — *иккинчи* босқичига — ҳокимиятни пролетариат ва деҳқонларнинг энг камбағал қатламлари қўлига бериши лозим бўлган босқичига *ўтишдан* иборатдир». (ТАТ, 31-том, 129-бет).

В. И. Ленин Апрель тезисларида буржуа демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиш йўлларини белгилаб, ғалаба қозонган пролетариат ҳокимиятининг сиёсий шаклини ҳам баён қилиб берди. Маълумки, К. Маркс пролетариат диктатурасининг давлат шакли сифатида Париж коммунаси типидаги ҳокимият бўлиши керак, деган қоидани илгари сурган эди. Иккинчи Интернационал оппортунистлари ва Россия меньшевиклари Маркс ва Энгельснинг пролетариат диктатураси ғояларини бузиб, янги, олий типдаги демократик давлат бунёд этиш учун курашиш керак, деган кўрсатмаларини инкор қилиб, буржуа парламентар республикаси тузиш керак, деган масалани кўтариб чиқдилар.

В. И. Ленин давлат ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги марксча ғояларни ҳимоя қилди ва уларни ижодий ривожлантирди. У Париж коммунаси ва иккала рус революциясининг тажрибаларини чуқур ўрганиш асосида пролетариат диктатурасининг янги сиёсий шакли бўлган Советлар Республикасини кашф этди.

«Парламентар республика тузиш керак эмас, — деган эди В. И. Ленин. — Ишчи депутатлари Советларидан парламентар республикага қайтиш орқага қайтиш бўлар эди, — балки бутун мамлакатда, қуйидан то юқоригача, Ишчи, батрак ва деҳқон депутатлари Советлари республикасини тузиш керак». (ТАТ, 31-том, 130-бет). Ленининг «Бутун ҳокимият Советларга!» шиори ўша конкрет шароитда революциянинг тинч ривожланишини, ҳокимият Советлар қўлига тинч йўл билан ўтишини билдирарди.

Февраль революциясининг ғалабасидан кейин урушга муносабат масаласи муаммо бўлиб қолди. Буржуазия ва унинг малайлари бўлган меньшевиклар, эсерлар чоризм ағдарилгандан кейин Россия олиб бораётган уруш гўё мудофаа тарзидаги революцион уруш, бу уруш революция ғалабаларини герман империализми ҳамласидан мудофаа қилиш учун олиб борилаяпти, деб исботлашга уриндилар. Ленин Апрель тезисларида бу иккиюламачиликни фош қилиб ташлади. Чоризм ағдарилгандан кейин ҳам уруш меҳнаткашлар манфаатига ёт тарзда, империалистик, босқинчилик характерида эканлигини исботлаб берди. Мамлакатни фалокатдан асраб қолиш учун урушга чек қўйиш керак эди.

Доҳий Апрель тезислари ва бошқа асарларида социалистик революцияга ўтишнинг иқтисодий программасини аниқ баён қилиб берди. Аграр масалани ҳал этишда у помешчиклар ерини национализация қилишни, батрак депутатлари назорати остида намунали хўжаликлар тузишни кўзда тутган эди. Бу йўл деҳқонларнинг энг камбағал қисми пролетариатга қўшилишида, буржуа демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Апрель тезисларида большевиклар партиясини янада мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилди. В. И. Ленин янги Программани қабул қилиш ва партия номини ўзгартириш борасида бундай деб ёзган эди: «...Партия номини ўзгартиришни ва уни *Коммунистик партия* деб аташни таклиф қиламан. «Коммунистик» деган номни халқ тушунади». (ТАТ, 31-том, 126-бет).

Партиянинг РСДРП деб юритилиши шунинг учун ҳам ноқулай бўлиб қолдики, II Интернационал партиялари ва рус меньшевиклари социализмга хиёнат қилиб, бу номни булғадилар. Эски ном пролетариатнинг коммунизм қуришдан иборат мақсадини аниқ ифодаламас эди. Ленин янги Программада империализм ва империалистик уруш даврига баҳо бериш, янги типдаги давлатга муносабатни баён этишни таклиф этди. В. И. Ленин ишлаб чиққан янги Программа лойиҳаси партияни янги назарий қоидалар билан қуроллантирди, пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун курашда партиянинг кучига куч, қувватига қувват бахш этди.

Халқаро революцион кризиснинг кескинлашуви барча мамлакатлар ишчиларининг жаҳон капитализмига қарши курашда Интернационал жипслашувини тақозо этди. Ленин Апрель тезисларида оппортунизмдан, социал-шовинизмдан халос бўлган янги III Коммунистик Интернационал тузиш вазифасини илгари сурди. Большевиклар партияси бу миссияни В. И. Ленин бошчилигида шараф билан бажарди — 1919 йил март ойида Коммунистик Интернационал тузилди.

Социалистик революцияга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш режаларини рўёбга чиқаришда Коммунистик партия янада жипслашди. Партия ташкилотлари, илғор ишчи ва солдатлар ленинча йўлни якдиллик билан маъқулладилар. Петроград, Москва ва мамлакатнинг бошқа йирик марказларидаги ишчи ва солдатларнинг революцион кураши ўтмишда эзилган халқлар учун илҳомбахш намуна бўлди. Россия марказида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам большевиклар раҳбарлигида омма революцион курашга кўтарилди. 1917 йил май ойида Тошкент, Қўқон, Наманган, Самарқанд, Когон шаҳарларида ишчиларнинг иш ташлаш ҳаракатлари авж олиб кетди. Большевиклар меҳнаткашлар йиғинларида сўзга чиқиб, халқ оммасини урушга қарши, сакқиз соатлик иш кунини жорий этиш, бутун ҳокимият Советларга ўтиши учун курашга даъват этдилар. Ленининг Апрель тезислари ҳаёт ва революцион тажриба илгари сурган асосий масалаларга берилган илмий жавоб бўлди.

Доҳий кўрсатмалари туфайли дунёда биринчи марта меҳнаткаш халқнинг иродасини ифода этувчи Совет ҳокимияти ўрнатилди. Ёш Совет республикаси 1918 йилнинг 3 мартида Брест сулҳининг имзоланиши натижасида биринчи жаҳон урушидан чиқди. Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарлигида саноатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни амалга оширишдек буюк ишлар рўёбга чиқди. СССРда социализм ғалабаси таъминланди. Социалистик ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланди. Одамларнинг янги социал ва интернационал бирлиги — совет халқи таркиб топди. Пролетариат диктатураси давлати ўсиб, социалистик давлатга айланди.

В. И. Ленин илмий асослаб берган давлат шакли доҳий башоратининг нақадар тўғри эканлигини кўрсатди.

«Меҳнаткашларнинг революцион ижодкорлиги билан вужудга келган халқ депутатлари Советлари, — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида қилган Сиёсий докладида, — давр синовидан ўтди, ўзининг ҳаётийлигини, тўла халқ ҳокимиятини амалга ошириш, оммани бирлаштириш ва сафарбар этишда улкан имкониятларга эга эканлигини исботлаб берди».

Бугунги кунда социалистик тузумимиз миллионлаб совет кишиларининг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётганлиги туфайли ривожланиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг Ленин тасаввуридаги ўз-ўзини бошқаруви айни мана шунинг ўзи бўлиб, у Совет ҳокимиятининг моҳиятини ташкил этади. Бу ўз-ўзини бошқарув давлат ва жамоат ҳаётининг барча соҳаларига тобора чуқурроқ кириб бормоқда, демократик централизм мазмунини бойитмоқда, унинг социалистик табиатини мустаҳкамламоқда.

Бироқ, 70-йиллар ҳамда 80-йилларнинг бошларида иқтисодий вазият ўзгарди, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида чуқур ўзгаришлар қилиш зарурлигига ўз вақтида ва лозим даражада баҳо берилмади, бу нохуш тенденциялар социалистик тузумнинг олға томон ҳаракатини бироз сусайтирди.

«Умр умуман тез ўтиши каби, — деб уқтирган эди В. И. Ленин, — революцион даврларда объектив шароит ҳам шундай тез ва кескин ўзгаради. Буни тушуниш муҳимдир. Биз эса ўз тактикамизни ва энг яқин вақт ичида бажарилиши керак бўлган вазифаларимизни ҳар бир муайян шароитнинг *хусусиятларига мувофиқлаштира билишимиз* керак». (ТАТ, 31-том, 54-бет).

КПСС Ленинниг ушбу кўрсатмалари асосида нохуш тенденциялар сабабини чуқур таҳлил қилиб, жамиятимизнинг ҳар томонлама тараққий этишини, унинг коммунизм сари олға ҳаракатини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш туфайли таъминлаш лозимлигини кўрсатди.

1917 йилдан буён совет халқи томонидан амалга оширилган ҳамма ишлар КПСС XXVII съезди белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун, партия Программасида ўртага қўйилган тарихий вазифаларни бажариш учун мустаҳкам пойдевордир. Мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва ижтимоий турмушимизни янгилаш ғоялари, ички ва ташқи сиёсатдаги жасурона қарорлар ва ҳаракатларимиз мана шу пойдеворга, социализмнинг чексиз имкониятларига таянмоқда.

Совет халқи социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини янгилашга, бу муносабатларнинг ўсиб бораётган ишлаб чиқарувчи кучларга муттасил мувофиқ бўлишини таъминлашга қатъият билан киришди. КПСС ва Совет давлатининг ҳозирги кунда олиб бораётган ташқи сиёсати ҳам ўзининг ленинча характери ифодасидир.

Апрель тезисларида ишлаб чиқилган урушга қарши ва тинчлик учун кураш сиёсати ҳозирги даврнинг асосий шиорига ҳамоҳанг. КПСС XXVII съезди ядро уруши хавфига, қуролланиш пойгасига қарши, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш бундан кейин ҳам партия ва ҳукуматимизнинг жаҳон майдонидаги фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолажагини таъкидлади.

В. И. Ленин асос солган III Коммунистик Интернационал ўзининг чорак асрлик фаолияти давомида халқаро ишчилар ҳаракати тарихида ўчмас из қолдирди. У барча мамлакатлар ишчилар синфига янги типдаги партияларни барпо этишда бебаҳо ёрдам берди, халқаро ишчилар ҳаракати раҳбарларининг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирди.

Коминтерн барча мамлакатлар пролетарлари ўртасида интернационал алоқаларни тиклади ва мустаҳкамлади ҳамда ишчилар ҳаракатида пролетар интернационализми принципларини ўрнатди.

В. И. Ленинниг бундан 70 йил муқаддам рўёбга келган «Апрель тезислари» ҳозирги даврда ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Бу асар тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг мураккаб вазифаларини ҳал қилишда, меҳнаткашлар оммасини монополияларга қарши, милитаризмга қарши пролетариат теварагига жипслаштиришда жаҳондаги коммунистик ва ишчи партияларга ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда Маркс—Энгельс—Ленин таълимоти асосларидан четлашиш коммунистик ҳаракат имкониятларини заифлаштиришини тажриба кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам қардош партиялар билан муносабатларда КПСС пролетар интернационализми принципига қатъий амал қилмоқда. Бу принцип революцион бирдамликни ҳам, ҳар бир партиянинг тўла мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилигини эътироф этишни ҳам узвий равишда қамраб олмоқда.

Қўлдош ЭРГАШЕВ,
тарих фанлари кандидати,
доцент.



Марғилон Шойи тўқиш комбинатининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Мўйдин Иминов.

МАРҒИЛОН ШОЙИСИ



Сабоқ дақиқалари. Суратда: комбинатнинг ёш ишчиси Салима Мамазиёева цех бошлиғи Юрий Хаиров билан иш устида.



2-тўқувчилик цехи иш унуми юқори бўлган замонавий техника билан жиҳозланган. А. Жданов фотолари



Жаҳоннинг биринчи космонавти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагарин ва космик ракеталар системаси Бош конструктори, академик С. П. Королёв. (1962 йил.)

КОСМОНАВТИКАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Мамлакатимизда космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур программага мувофиқ 1987 йил 6 февраль куни Москва вақти билан 0 соату 38 минутда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-2» космик кемаси учирилди. Уни кема командири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси, полковник Юрий Викторович Романенко билан борт-инженер Александр Иванович Лавейкиндан иборат экипаж бошқармоқда.

Учиш программасида «Союз ТМ-2» кемасини «Мир» — «Прогресс — 27» орбитал комплекси билан туташтириш ва унинг ичида экипажнинг планлаштирилган фан-техника тадбирлари ҳамда экспериментларини ўтказиш кўзда тутилган эди. Шунингдек, учиш давомида «Союз ТМ» сериясидаги такомиллаштирилган транспорт кемасини одам бошқараётган режимда синаб кўриш ва пишиқтириш ишлари давом эттирилади.

Программада режалаштирилганидек, 1987 йил 8 февраль

куни Москва вақти билан соат 2 дан 28 минут ўтганда «Союз ТМ-2» космик кемаси «Мир» — «Прогресс — 27» орбитал комплекси билан туташтирилди. Космонавтлар Юрий Романенко ва Александр Лавейкин туташтириш узелининг мустаҳкамлиги (герметиклиги)ни текшириб кўрганларидан сўнг станция бўлмасига ўтдилар.

Маълумки, «Мир» орбитал илмий станцияси 1986 йил 20 февралдан буён Ер атрофи космик фазосида ишлаб турибди. Станциянинг биринчи экспедицияси экипажи — Леонид Кизим ва Владимир Соловьев конструкция элементларини ҳар томонлама синовдан ўтказган эдилар. Бунда улар аппаратларни пишиқтириб созлаган, станцияни барча зарур асбоблар ва ускуналар билан тўлиқ таъминлаган эдилар.


«Мир» орбитал станциясини ишлатишнинг янги босқичида эса, ихтисослаштирилган илмий ва халқ хўжалик аҳамиятидаги модуллари бўлган ва киши бошқарадиган доимий ишловчи орбитал комплекс яратилиши кўзда тутилмоқда.

Комплекс ичида Романенко ва Лавейкин ўртоқларнинг астрофизикавий, геофизикавий, технологик, техникавий ҳамда тиббий-биологик тадқиқотлар ва экспериментларнинг кенг ҳажмдаги программасини бажаришлари мўлжалланган.

Космонавтлар станцияни одам бошқарадиган учиш режимига ўтказиш бўйича белгиланган жараёнларни бажардилар. Жумладан, улар ҳаётни таъминлаш ва иссиқликни созлаш системаларини ишга туширдилар, радио ва телевизион алоқа воситаларининг ишини, асбоб-ускуналар ҳолатини текшириб кўрдилар.

Довюрак космонавтларимизнинг орбитал станциядаги навбатдаги парвози фан ва техникамизни янги қимматли маълумотлар билан бойитади, космик фазони янада кенгроқ тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар яратади.

1987 йил 5 мартда Москва вақти билан соат 15 дан 43 минут ўтганда «Прогресс-28» корабли космик фазода бошқарилаётган «Мир» — «Союз ТМ-2» орбитал комплекси билан туташтирилди. «Прогресс-28» кораблида орбитага бирлаштирилган двигатель қурилмаси учун ёқилғи, озиқ-овқат, сув, «Мир» станциясини ускуналаш учун жиҳозлар ва аппаратуралар, шунингдек, почта етказиб берилди.





«Союз ТМ-2» космик кемаси ўз парвозини шундай бошлади; космонавтлар Ю. Романенко ва А. Лавейкин.

В. Кузьмин, А. Пушкарев телефотоси (ТАСС)



Жамила
АРСЛОНОВА

ҲАЁТ

Бир қўлида кундуз, бир қўлида тун,
Бирини бирига тинмасдан отиб,
Дақиқа дам олмай, чарчаш билмайин
Олға кетаяпти бу ҳаёт шошиб.
Кимнингдир сочига қиров қўндириб,
Кимнидир йиғлатиб этганча бунёд.
Кимнинг паймонасин лим-лим тўлдириб
Кетаяпти шошиб, шошиб бу ҳаёт.
Одамлар алмашар, йиллар алмашар,
Ким шошар, ким мангу уйқуда бу чоқ.
Ҳаёт эса тинмай одимлаб борар
Келажакка очиб кенг қучоқ.

* * *

Бу дунё биздан ҳам қолади бешак
Худди боболардан
Бизга қолгандай.
О, дўстим,
Яшамоқ шунчаки гапмас
Иккини иккига
Кўпайтиргандай.
Ҳали кашфиётлар
Қилишинг даркор.
Шаҳрингни гулларга
Кўмишинг керак.
Бевақт нобуд бўлган
Дарахтлар сафин
Албатта
Тўлдириб қўйишинг керак.
Яна шу қадоқли қўлларинг билан
Бойликларга бойлик
Қўшишинг керак.
Келажак авлодлар
Ҳавас қилгудек
Дунёни яшнатиб қўйишинг керак.
Мерос қолдиришинг керак арзирли
Худди боболардан
Бизга қолгандай.

* * *

Тишланган нон турар уйнинг тўрида,
Қадди тик онанинг қомати эгик.
Сочлари паришон бир аёл яна
Бола қучоқлаган, кўзлари сўник.
Ҳовлида шохлари ларзон бир дарахт
Озод ер бағрида ўсаркан яйраб
Гул очар... барг тўкар... соғинчдан карахт,
Сарғаяр куну тун йўлларга қараб,
Елғиз бир ўриндиқ эшик олдида,
Ҳувиллаб қийшайган, ранглари ўчиқ.
Боғнинг ўртасида тўлғанади сув,
Шашти йўқ, куйлайди ғамгин бир қўшиқ.
Соғиниб, соғиниб уч жуфт қоракўз
Умид билан боқар эски эшикка.
Ҳайҳот!
Ҳаммасидан ёмон — мунғайиб қараш
Гўдак кўрмай қолиб кетган бешикка.

* * *

Сизни соғинганда тўрт девор қисиб,
Бағримни оташга кўмиб ташлайди.
Деразам кўзидан тонгга қоришиб
Соғинчлар хонамга кира бошлайди.

Югуриб чиқаман қуёшга пешвоз...

Тошкент область,
Қалинин райони

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИ

Н. МУҲАРЛЯМОВ,
медицина фанлари доктори, профессор

Кузатишларга қараганда, кейинги пайтларда ўз саломатлиги хусусида ортиқ даражада қайғурадиган кишилар хили бирмунча кўпайиб қолди. Бундай одамлар ҳар бир қадамни қон томирларининг уриши билан мутасил чоғиштириб борадилар, ўзларига турли хил парҳезлар маромини ўйлаб топадилар. Врачларнинг: «Саломатликни эҳтиёт қилинг!» деган маслаҳатларини ўзига хос талқин этган ҳолда бошига кулфат тушган дўст розини тингламайдилар — қон босимини кўтариб юборармиш; оғир юк кўтарган аёлга ёрдам беришдан ўзларини четга оладилар — юракка зўр келармиш; фарзандининг кундалик дафтарига қарамасликка уринадилар — салбий туйғулар соғлиққа ёмон таъсир этар эмиш...

Очиғини айтганда, бундай кишилар атроф-теваракдагилар учун ниҳоятда ёқимсиз. Улар нуқул зорланадилар, шикоят қиладилар. Бундайлар бемор сифатида касалхонага тушиб қолсалар, биласизми, ўзларини қандай тутадилар? «Ўзимни шунчалар эҳтиёт қилсам ҳам бари бир бўлмади...» дея бошқа беморлар кайфиятига ҳам тушкунлик уруғини сепадилар. Уларни ҳаётий қувончларга қайтариш учун врачлар қанча куч-қувват сарфламайдилар, дейсиз.

...Инсон саломатлиги — шахсий иш эмас. Ҳар бир кишининг соғлиги жамиятга мансуб. Бизнинг социалистик жамиятимиз ҳар бир кишининг умри давомида унинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақида қайғуради. Унинг ўзидан эса у қадар кўп нарса талаб қилинмайди. Энг аввало, вужуднинг муддатидан бурун ишдан чиқмаслиги учун зарарли одатлардан халос бўлиш, турли касалликларга қарши ишончли қалқон юзага келтириш лозим. Бунинг учун фаол жисмоний турмуш тарзини қарор топдириш, озиқланишда меъёрни йўлга қўйиш, чекиш ва ичишдан воз кечиш ҳамда руҳий мувозанатни сақлаш (ёки тиклаш)га эришмоқ керак.

Ҳозирги пайтда «гипокинезия» деган ибора кенг тарқалган. Бу чекланган ҳаракат маъносини беради. Гипокинезия кишини бизнинг давримизда кенг тарқалган юрак-қон-томир касалликларига мубтало қилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда, шунингдек, йирик шаҳарларда аҳолининг 25—30 фоизи шу касалликларга чалингандирлар. Телекўрсатувларга ружу қўйган 15 ёшли ўсмирларда ҳам тез-тез атеросклероз касаллиги белгисини учратиш мумкин. Амалда соғлом бўлган, лекин жисмоний тарбия билан шуғулланмайдиган кишиларда ҳам юрак хасталигини кузатиш мумкин.

Газета ва журналларнинг саҳифаларида касалликни бошидан кечирган киши жисмоний тарбия билан, югуриш ва аэробика машқлари билан шуғулланиши оқибатида саломатлиги мустаҳкамланди, деган ахборотларни кўп учратамиз. Жуда оддий талқин, шундай эмасми? Лекин шундай имконият юзага келди, деб тасаввур қилинг. Хўш, ана шундай қарорга келишнинг ўзи дастлабки ғалаба эмасми? Шундан сўнг, зарарли одатлардан халос бўлиш, озиқланиш меъёрини йўлга қўйиш, яшаш тарзини маромга солиш натижасида ўз кучи ва имкониятларига ишонч туйғуси мустаҳкамланиб боради. Ахир, миокард инфарктини бошидан кечирган кишиларга учинчи куниёқ жисмоний машқлар билан шуғулланиш тавсия этилиши бежиз эмас-ку. Инфаркт ва инсульт эшигини қоқиб турган қон босимига мубтало беморларга эса, дори-дармон ўрнига юриш, югуриш, велосипед миниш тавсия қилинади.

Ешга, саломатлик ҳолатига, кайфиятга мутаносиб тарзда турли-туман жисмоний машқларни бажариш мумкин. Масалан, эрталаб вужуднинг ҳамма аъзолари ва системаларини бедор ҳолга келтириш учун енгил машқлар билан кифояланиш мумкин. Лекин, кундузи очиқ ҳавода сайр қилиш, югуриш ёхуд юришдан ўзингизни тиймаганингиз маъқул. Велосипедда сайр қилиш фойдасини ҳам асло унутмаслик керак. У бизни ортиқча юкдан халос қилади, шакл-шамойилимизни бузилишдан сақлайди.

Энди, жиддий касалликларни келтириб чиқарадиган муҳим омил, яъни ортиқча овқатланиш ҳақида бир-икки оғиз сўз. Озиқланишда меъёрга риоя қилиш зарур. Ортиқча юк — саломатликка зарар. Чекиш ва ичкиликка ружу қўйиш оғир касалликларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Кейинги пайтларда ичкилик ва алкоголизмга қарши кескин тус олган кураш турмушда ва меҳнат коллективида соғлом ҳаёт тарзини юзага келтириб, яхши самаралар бермоқда. Кардиолог-врач сифатида ишончим комилки, чекиш — инсон саломатлигининг ашаддий душманидир. Тўла асос билан айтаманки, у атеросклероз, юрак-қон-томир касалликлари, нафас йўлларининг бузилиши, рак ўсимталарининг пайдо бўлишига сабабкордир. Бундан ташқари, никотин ва тутундан тарқаладиган бошқа зарарли жиҳатлар асабларга таъсир қилиб, турли хил салбий оқибатларни юзага чиқаради.

Одатан, саломатликка путур етгандан кейингина бу ҳақда жиддий ўйлай бошлаймиз. Дарҳақиқат, эгалик қилган нарсамизни авайламаймиз, уни йўқотганимиздан кейин эса, қайғурамиз. Шунинг учун «саломатлик қоидаси» болаликдан бошлаб турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланмоғи шарт. Оиладаги ҳар бир бола ва ўсмирнинг жисмоний ҳамда ақлий меҳнат билан шуғулланишнинг яхшилигини, дангасалик билан лоқайдликнинг кони зарар эканлигини билишига эришмоғимиз керак.

Ниҳоят, шуни таъкидламоқчиманки, жисмоний тарбияни яшаш тарзига айлантирган инсон руҳий-маънавий жиҳатдан бой, мақсадларида собит бўлиб, ҳар қандай касаллик билан олишувда ғолиб чиқиши шубҳасиз.



СУМАЛАК

Ш. Зокиров чизган расм.

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Қизлардек дарахт ҳам тақар жамалак,
Наврўз таронаси мангудир, мангу:
Шу кун дошқозонда қайнар сумалак,
Шу тун ёшу қари билмайди уйқу.



Яшариш завқини истамайди ким,
Наврўз шодиёнасин ким кутмас шодон...
Бу дунё, бу ҳаёт бор экан токим,
Наврўзга интилиб яшайди Инсон.

Эргаш МУҲАММАД

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ИККИ МУКОФОТ

Америкалик физик Ричард Фейнман, студентларга микроэлектрониканинг тараққиёти тўғрисида лекция ўқиётиб, агар ким электронмикроскоп билан ўқиш мумкин бўлган даражада бир саҳифа текстни 25000 марта кичрайтириб ёза олса, 1000 доллар мукофот берилишини ваъда қилган эди.

Бу мукофот яқинда Калифорния технология институтининг студенти Том Ньюменга насиб этди. Ньюмен китобнинг саҳифаларини 5,9 микрометрли квадратга сиғдира олди. Ҳарфлар электрон нурлар ёрдамида ёзилган бўлиб, нуқталар мажмуасидан иборатдир. Бу нуқталарнинг катталиги шундайки, битта нуқта эгаллаган ҳажмга бор-йўғи 60 та атомни жойлаштириш мумкин. Агар шу йўл билан Британия энциклопедияси қайта ёзиладиган бўлса, у бор-йўғи тўрт миллиметр квадратга жой бўлар экан.

«Дюпон» кимё фирмаси таъсис этган иккинчи мукофот эса, фақат ўз кучи ёрдамида белгиланган масофани соатига 105 километр тезлик билан босиб ўтган кишига берилиши керак эди.

Америкалик Фред Маркхэм ўзи ясаган, ҳаво қаршилиги таъсир қилмайдиган кабинали велосипедида тезликни соатига 105,375 километрга етказди. Пойга денгиздан 2377 метр баландликда, Сьерра — Невада (Калифорния) чўл шоссесида ўтказилди. Велосипед кабинаси тоза кислород билан тўлдирилган эди. Маркхэм беш километрлик тайёрлов боскични ортда қолдиргач, белгиланган 200 метрлик масофани рекорд даражадаги тезликда босиб ўтди. Қайд қилинишича, бу велосипедга кетган сарф-харажат белгиланган мукофотдан юз баравар (15000 доллар) кўп экан. Шуниси қизиқки, ЭҲМ ҳисоб-китобига қараганда, инсон соатига атиги 94,8 километр тезлик билан ҳаракат қилиш кудратига эга экан. Мукофот ана шу ҳисоб-китоблар натижасига қараб таъсис этилган эди.

ЭЪТИҚОД ТАРБИЯСИ

Меҳнаткашлар сиёсий маданиятининг муттасил юксалиб бориши — ижтимоий ишлаб чиқариш, маданият ва турмушнинг барча соҳаларида уларнинг гражданлик фаоллиги ўсишининг муҳим шартидир. Сиёсий маданиятни чуқур ва пухта эгаллаш ҳар бир совет кишисининг маънавий эҳтиёжига айланиб бормоқда.

«...Сиёсий маданиятнинг, сиёсий маорифнинг мақсади, — деб таълим берган эди доҳиймиз В. И. Ленин сиёсий маорифчиларнинг 1920 йилда бўлиб ўтган Бутун Россия кенгашида сўзлаган нутқида, — ёлғон-яшиқларни, хурофотларни енга оладиган ва эски тартибни енгиб, давлат қурилиши ишини капиталистларсиз, эксплуататорларсиз, помешчикларсиз юргизиш учун меҳнаткашлар оммасига ёрдам бера оладиган чин коммунистлар тарбиялаб етиштиришдан иборат». (ТАТ, 41-том, 454-бет). Ана шундай таълимнинг самараси ўлароқ ҳамиша сезгир ва сергак турган совет жамияти энг машаққатли ва оғир дамларда ҳам маркса-ленинча онг-шуур билан мафкуравий мухолифларга қақшатғич зарбалар бериб келди, инсониятнинг порлоқ истиқболи учун курашларда янгидан-янги муваффақиятларга эришаверди.

Бироқ совет кишиларининг меҳнатдаги чинакам қаҳрамонлиги, юксак гражданлик ҳис-туйғуси ва сиёсий онглилиги билан бир қаторда баъзан манфаатпарастлик, текинхўрлик, порахўрлик, калондимоғлик каби иллатларга ҳам дуч келдик. Уларни жамиятимиз ҳаётидан таг-томири билан супуриб ташлашда сиёсий-тарбиявий ишларни бутун чоралар билан кучайтириш, турли ёш ва касбдаги кишиларнинг онглилиги ва юксак гражданлик ҳис-туйғусини қарор топтиришга доир тадбирларни изчил йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимдир.

«КПСС меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат, ватанпарварлик ва пролетар интернационализми, меҳнатга ҳамда ижтимоий мулкка онгли муносабатда бўлиш, маънавий маданият бойликлари билан уларни яқиндан таништириш, социалистик турмуш тарзига зид бўлган урф-одатларни таг-томири билан тугатиш руҳида тарбиялаш идеология ишининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди», — дейилади партиямизнинг янги таҳрирдаги Программасида.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленуми, партиямизнинг XXVII съезди руҳида социалистик жамиятимизда янгиланиш жараёни давом этмоқда. Барча жабҳаларда қайта қуриш, жадаллаштириш, инсон омилининг кучайиши рўй бермоқда. Лекин бу жараён мураккаб, машаққатли кечаётганлигини партиямиз сир тутаётгани йўқ, зотан, ошкоравийлик ҳар бир совет кишисининг онги ва шуурига сингиб бормоқда.

«...Ҳар биримиз барча даражаларда қайта қуришни ҳаққоний талаб қила туриб, қайта қуришни ўзимиздан бошлашимиз керак, — деди ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг Январь пленумида сўзлаган нутқида. — Барча — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, умуман меҳнат коллективидан бошлаб, то КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматгача ҳамма янгичасига — зўр ғайрат билан ижодий, яна бир марта айтаманки, виждонан ишлаши керак». Қайта қуришдан иборат ғоят катта ишларни амалга ошириш совет кишиларининг юксак сиёсий онглилиги, уюшқоқлиги, меҳнатга фаоллиги ва ижтимоий ташаббускорлигига ниҳоятда боғликдир.

Инсон омили барча имкониятларни ишга солишнинг қудратли воситаси сифатида майдонга чиқмоқда. Бу борада маданият муассасалари, аниқроқ қилиб айтганда, клуб муассасаларининг фаолияти алоҳида қиммат касб этади. Клуб муассасаларининг ишлаб чиқариш коллективлари билан алоқасини мустаҳкамлаш ва кучайтириш асносида инсон омилининг янада фаоллашуви табиийдир.

Меҳнаткашлар мамлакатимизнинг хўжалик-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Бунда клуб муассасалари, халқ бадиий ҳаваскорлиги, фан-техника ижодкорлиги каби бир қатор маданият шохобчаларининг ўрни алоҳида қиммат касб этади.

Клублар ҳамда меҳнат коллективларининг сиёсий маданиятни тарбиялаш борасида ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма жойда ҳам ҳанузгача унинг самарали шакллари топилганича йўқ. Баъзи ҳолларда клуб ходимлари меҳнат коллективларидан ажралиб қоладилар ёки аксинча, клубда ўтказилаётган тадбирларнинг ўзига хослигини инобатга олмасдан, уларни ишлаб чиқариш мажлисларига айлантириб юборадилар, натижада яхшигина иш расмият тусини олади.



Ҳозирги давр — фан-техника тараққиёти рўй бераётган пайтда клуб муассасаларининг фаолиятини коммунистик қурилишнинг юксак талаблари даражасига кўтариш, унинг барча имкониятларини маънавий-руҳий бардам, жисмоний жиҳатдан мукаммал замондош шахсини тарбиялашга йўналтириш лозим.

Клуб муассасалари ўзига хос восита ва усуллар билан сиёсий маданиятни тарбиялаш ишини оқилона амалга ошираётган ҳолларда ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар. Албатта, клуб дастлабки ахборотни оммалаштиришда радио, телевидение ва матбуот билан тенглаша олмайди. Бироқ, унинг ўзига хос афзаллик томони энг аввало шундаки, меҳнат коллективидаги муаммоларни давр тараққиёти билан узвий бириктирган ҳолда образли восита, жонли бадиият билан кишиларнинг туйғуси ва онгига таъсир қилади, уларда фаол муносабатни уйғотади. Лекин очиқ эътироф этиш керак, клуб муассасалари фаолиятида ҳали масалаларни бадиий қизиқарли ва жонли қилиб ўтказиш маҳорати етишмайди. Яхшигина режалаштирилган тадбирлар ишлаб чиқариш коллективлари ҳаётидан ажралиб қолганлиги сабабли кишиларнинг эътиборини сусайтиради, энг ёмони, клублардан ихлосни қайтаради.

Меҳнат коллективида вужудга келган қийинчиликлар ёхуд салбий ҳодисаларни бартараф этишга кишиларнинг ғайрат-шижоатини сафарбар этиш, уларга нисбатан муросасизлик кайфиятини қарор топтириш, туғилган саволларга тўғри ва холис жавоб берилишига эришиш лозим. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида турмушда вужудга келадиган муаммоларни тез ва зудлик билан ҳал қилиш зарурати алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас. Зотан, инсон омилини кучайтиришда ва фаоллаштиришда юқорида қайд қилинган нарсаларнинг барчаси муҳим ҳисобланади.

Лекин, кўпгина клублар жамоатчилик фикрини ифодалайдиган минбарга айланганича йўқ. Ҳолбуки, ҳар бир меҳнат коллективи — корхона, колхоз ва совхоз, қурилиш ташкилотининг ўз ички ҳаёти қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоб ва мунозара кечалари ўтказиш, муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун материалларга ниҳоятда бойдир. Бунинг учун корхона маъмуриятининг, фабрика-завод комитетларининг клубларга нисбатан беписанд муносабатига барҳам берилиши керак.

Социалистик мусобақани уюштириш, ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш, новаторлар, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг тажрибаларини амалиётга татбиқ этиш меҳнат коллективларидаги клуб муассасаларининг жонажон ишига айланмоғи лозим. Меҳнат кишисининг ишлаб чиқаришда эришган муваффақиятларини, шахсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеаларни, масалан, мутахассислик разрядининг оширилиши, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртини битириб қайтиши каби воқеаларни тантанали нишонлаш сиёсий тарбия ишига самарали таъсир кўрсатиши, бошқаларга намуна ва ибрат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкентдаги корхоналарда ўтказилган тадқиқот ишларининг кўрсатишича, меҳнат коллективи аъзоларининг кўпчилиги меҳнат тантаналари, ишчилар сафига қабул қилиш тадбирлари, ишчилар сулоласини шарафлашга бағишланган кечалар, мутахассислик бўйича ўтказиладиган мусобақалар ва бошқа тадбирлар ўтказилиши тарафдоридир. Коллектив манфаатларининг яхлит ифодасига айланган, социал тараққиёт вазифалари билан чамбарчас боғланган тадбирлар шахс сиёсий маданияти даражасининг кўрсаткичига, кўзгусига айланади. Коллективизм туйғусини, ижтимоий масъулият ҳиссини қарор топтириш, меҳнат ва ижтимоий-маданий фаолликни шакллантириш ҳар бир коллектив аъзосининг бўш вақтни фойдали ва самарали ташкил этишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ана шу жараёнда ишлаб чиқаришдаги муносабатлар маданий ҳордиқ чиқаришдаги яқинлик билан мустаҳкамланади. Ғоявий-сиёсий, ташкилий ва хўжалик фаолияти яхлит бутунликни намоён этган жойда эса, меҳнат муваффақиятлари яхши самаралар бераверади.

Кўп завод-фабрикаларда коммунистик меҳнат мактаблари ташкил этилган. Машғулотлар катта мастер ёки участка бошлиғи томонидан мунтазам олиб борилади. Мастерлар куни ҳамда бригада бошлиқларининг слёти тарзидаги ғоявий-сиёсий тадбирлар янгича шаклларда таъсирчан ва ибратли бўлмоқда. Бу тадбирлар, одатда, корхона Маданият саройида ўтказилади. Бунда бирлашма раҳбарлари билан бевосита учрашувлар ишчанлик вазиятида ўтиб, ишлаб чиқариш билан ҳам, меҳнаткашларнинг маданий-маиший турмуши билан ҳам боғлиқ масалалар тезда ҳал бўлишига кўмаклашади. Эндиликда Маданият саройининг тажрибаси кишиларнинг меҳнатда ва жамоат ҳаётида фаоллигини кучайтирибгина қолмасдан, уларнинг маънавий такомилига ҳам катта ёрдам бермоқда. Буларнинг барчаси ҳозирги пайтда қайта қуриш жараёнида, маҳсулот Давлат қабулидан ўтказилаётган бир пайтда ниҳоятда муҳимдир.

Юлдуз ОДИЛОВА,
Тошкент Давлат Маданият институти ўқитувчиси

Коинот сирлари

ОСМОНДАГИ «ДАРЧА»

Ер юзидаги жамики жонзотларни космик муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилувчи қатлам — сайёрамизнинг атмосфера «қалқони»ни жуда мустаҳкам деб ишониб бўлмас экан. Антарктида осмонида пайдо бўлган «озон дарчаси» жаҳон олимларини анча ташвишга солиб қўйди. Худди шу ҳодисага бағишланиб, Мельбурн шаҳрида махсус халқаро анжуман ўтказилди.

— «Дарча» ер юзасидан 20—25 километр баландликдаги озон қатламида ҳосил бўлди, — деб ҳикоя қилади мазкур анжуман қатнашчиси, А. И. Воейков номидаги Бош геофизика обсерваториясининг директори, физика-математика фанлари доктори Е. Борисенков. — Маълумки, кислороднинг «қариндоши» бўлган озон атмосферанинг турли даражаларида тарқалган. Айниқса, у стратосферада (атмосферадан юқоридаги ҳаво қатлами) кўпроқ бўлиб, ўзига қуёшнинг ультрабинафша нурларини сингдириб, унинг зарарли таъсиридан жонли организмларни муҳофаза қилади. Озоннинг тўпланиши ва тарқалиши йил фаслларига ва кенглик бўйича ўзгариб туради. Қиш вақтидан кўра ёзга келиб кўпаяди, иқлим илиқ вақтларда экватордан қутблар томон қалинлашиб боради. Бироқ сунъий йўлдошлар ёрдамида ўтказилган ўлчашлар мутахассисларни ҳайратга солди: озоннинг «дарча»да тўпланиши одатдагидан кўра бир неча процент кам эди.

— Бу ҳодиса сайёрамиздагилар учун қандай ноҳуш ҳолатлар туғдириши мумкин?

— Озоннинг стратосферада йиғилишининг камайиши Қуёшнинг жонзотларга ҳалокатли таъсир этадиган ультрабинафша нурларининг кўпроқ ўтишига имконият туғдиради. Бу, текширишлар ёрдамида исбот этилган.

— «Озон дарча»си иқлимга ва сайёрамиз об-ҳавосига таъсир кўрсатиши мумкинми?

— Гарчи, бу «дарча» нисбатан анча кенг майдонни — бир миллион квадрат километрни ишғол қилса-да, у фақат октябрь ойида, яъни Антарктида баҳори фаслида пайдо бўлади. Шимолий ярим шарда атмосферанинг бундай ҳодисалари қайд этилгани йўқ. Масаланинг худди шу томони мазкур ғаройиб ҳодисанинг жумбоқларидан бири бўлиб турибди.

«Озон дарчаси» ер шари иқлимига ва об-ҳавосига, албатта, таъсир қилади. Ахир, озон қуёш нурларини ўзига сингдириб, стратосферада ҳавонинг қизишига олиб келади. «Дарча»дан ўтган ўзига хос офтобнинг қизиш жараёнлари бузилади, атмосферанинг айланиши ўзгаради. Бу эса иқлим зайлига таъсир қилади, шамол-тўфонлар юз беради. Об-ҳаво хабарчилари ўз тахминларида буни, албатта, ҳисобга олишлари лозим бўлади.

— Сиз «озон дарчаси» жумбоқлари ҳақида гапирдингиз. Унинг ечими ҳам борми?

— Мельбурндаги йиғилишда кўпгина олимлар фавқулодда бу ҳодисанинг юз беришини қуёш системасидаги нурланиш фаоллигининг кучайиши билан боғликдир, деб изоҳламоқдалар. Чунки унинг таъсирида атмосферада озон даражасини пасайтирувчи кимёвий зарралар ҳосил бўлади.

С. КРАЮХИН

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛУР...

Н. Иброҳимов чизган расм



Тўра СУЛАЙМОН

САРВИНОЗ

Шу номли достондан парча

Даричадан дала-даштга
Кўз тикади Сарвиноз.
Бир ўзи бир уйга сиғмай
Энтикади Сарвиноз.

Каштa тикар, каштасида
Офтоб, Ойнинг акси бор.
Ҳар бирида муҳаббатнинг
Сирли ифодаси бор.

Сўнг чанқовуз чала бошлар
Узоқларга кўз тикиб.
От дупури эшитилса
Уйга кирар энтикиб.

Боғ оралаб, боғ ичидан
Мўралайди қай дамлар.
Бирда дейди:
— Билиб қолса
Борми агар одамлар...

Кўринмайди, яқин кунда
Келарман, деб кетгани.
Бир боқиши учун Ер, Кўк,
Жисму жонин тиккани.

Бирда билиб, бирда билмас
Қиз «дарди»ни онаси.
Сўнг дер:
«Бунинг бир йигитда
Кўнгли бор-ов чамаси.

Қизи қурғур ёшлик қилиб
Сал шошмаса бўлгани.
Бу савдо — кўп қийин савдо,
Адашмаса бўлгани».

Оғалари шуғулланмас
Анов-манов иш билан.
Бири машғул ўқиш билан,
Бири қурилиш билан.

Барча ишга она бош-қош,
Она — «Штаб бошлиғи».
Бари жамулжам бўлганда
Езилар дил ғашлиги:

— «Биринг биргад, биринг райис,
Биринг кассир бўлсанг ҳам,
Дом, ижроқўм бўлмоқ тугил
Профессор бўлсанг ҳам

Осмон эмас, сал эгилиб
Ерга қараб юринглар.
Уй иши бир менга керак —
Эмас. Баринг қуринглар!

Қизгинамнинг кундан-кунга
Ранги борар сарғайиб.
Докторларга кўрин десам
Ерга қарар мунғайиб.





Ҳар қайсинг ўз ишинг билан,
Ўзга билан ишинг йўқ.
Келинларга бош эгишдан
Бошқа бир ташвишинг йўқ».

Кенжа ўғил парво қилмас
Не деб сўйлар онаси.
Ўртанчиси дейди:
— Онам
Қариб қопти чамаси.

Бобой энди бошқа кампир,
Деб юрмаса бўлгани.
Қайта бошдан маъшуқасин
Куйдирмаса бўлгани.

Тўнғич ўғил тўнғиллайди,
Бас қилинглар қани, деб.
Энди кампир билан чолдан
Чиқармн бир маъни, деб.

Кула-кула уй-уйига
Жўнаб қолар бирма-бир.
Энди субҳи содиққача
Кенгашар чолу кампир...

Шу йўсинда кунлар кечар
Ҳафта, ойга уланиб.
Қиз юради бир кимсага
«Дард» ёргани ийманиб.

Бирда кўзи тиниб, бирда
Бирдан кўнгли ғашланар.
Ёш боладай ўз-ўзидан
Бирда кўнгли хушланар.

Ошуфтаҳол, сархуш йигит
Юрар тоғу тош кезиб.
Тунда юлдуз, кундуз қулун,
Той санаб, кун ўтказиб...

Кўринишда тўпорироқ
Сухани ҳам инқадар.
Лекин қилган ишларининг
Салмоғи замин қадар.

Йилқичилик — ота касби,
Бобо касби аслида.
Елкаси ер кўрди, деган
Гап бўлмаган наслида.

Бироқ билак кучи билан
Бита бермас борлиқ иш.
Чаманзорга булбул керак,
Қиз болага — навозиш.

Бирда-бирда алам қилар
Гапга унча йўқлиги.
Ўйлаб турса:
Камлик қилар
Қиздан кўнгли тўқлиги.

Ез ҳам ўтиб, куз ҳам келар.
Сўнгра эса олди-қиш.
Қиз васлига етиб бўлмас
Кўриб не раҳмони туш...

Янгасига бориб энди
Бош эгмаса бўлмас-ов.
Унингсиз қиз тугил тулнинг
Кўнглини ололмасов...

* * *

Сарвинознинг уйларига
Туташ колхоз фермаси.
Мезон ойи — ҳозир ишнинг
Энг қайнаган палласи.

Қўзи тўқли, тўқли дагар,
Дагар қўчқор бўлар пайт.
Уюр-уюр хоназот, той
Тоғдан тушиб келар пайт.

Биров пичан ўримида
Бировлар банд мол билан.
Қўзиларни кўганлайди
Сарвиноз Тошхол билан.

Жун қирқими — йигитлар тан.
Қўй соғими — қизлар тан.
Саланглаб кун ўтказмоқлик —
Қай бир бетамизлар тан.

Ажратмоқнинг айни кези
Қўзиларни қўйлардан.
Ҳисорини ғулумидан.
Тўланларни тойлардан.

Сузма, пишлоқ, қорин ёғи —
Қишнинг дармон дориси.
Қуритоби, чалоб, чакки —
Танда жоннинг қалъаси.

Ҳали-бери тугамайди
Бош чўпоннинг ташвиши.
Шу кунларда:
Тўни — тўшак,
Эгар-жабдуқ — болиши.

Кеч ҳам кириб қирдан қайтар
Қўй-қўзилар галаси.
«Ҳай-ҳўй» билан тўлиб-тошиб
Чўпонлар қўналғаси.

Ёш-яланглар билан обод
Боғлар ичи, теграси.
Билиб бўлмас бундай пайтда
Ким кимнинг парвонаси.

Бир тўп қизлар ишдан қайтар
Кўча-кўйни тўлдириб.
Қай бир овсар йигитларнинг
Кўзларини тиндириб.

Бу — Сабоҳат, бу — Санобар,
Бу — Сарви, бу — Суманбар.
Ой деса ой, кун деса кун,
Чўлпон деганича бор.



Тошхол қизлар орасида
Борлигини билдириб,
Бир ғилайга кўз қисиб, гап
Отиб, барин кулдириб:

— Бир қайрилиб қарамайсан
Инсоф қил бирозгина.
Не қизларни писанд қилмай
Юрарсан ёлғизгина.

Сарвиноздни гулга ўраб
Берайлик, бир кўрсанг-чи!
Тожинг бўлса ҳам бошингда
Сал бундай эгилсанг-чи!..

Уй-уйига қайрилгунча
Тошхол билан Сарвиноз.
Иўл-йўлакай киши билмас
Сирлашиб олар бироз:

— Тошхол, бугун
«Бировлар»нинг
Келиб эланар куни.
Билмасдан не қиларимни
Бошим айланар куни.

— Айтдим, бунинг шу кунларда
Бир балоси бор-ов, деб.
Бунинг ақлу ҳушин олган,
Сўзсиз, четдан биров, деб.

— Айтганинг рост, айтиб бўлмас
Бир савдога йўлиқдим.
Не бўларин ўйлай бериб
Улиб бўлдим, толиқдим.

— Не қиласан ёлғон сўйлаб
Толиб бўлдим, толдим, деб.
Ундан кўра айтсанг эди,
Ўзим танлаб, топдим деб.

— Қўй, шунақа гапларингни
Бошим қотган шу чоғда.
Кун пешиндан оғаётир
Энам бўлар алағда.

— Бўлмасам, айт, нима қилай
Мен чиқайми ўрнингга?
Е мен янга бўлиб уни
Соб қўяйми қўйнингга?

— Қани энди шундай қилсанг
Жон-жон дердим, нон ҳаққи.
Бироқ кўриб кўрқмасайдинг
Лаблари сал дўрдоқи.

— Тўрт мучали соғ бўлса, бас,
Майли, тегиб олайин.
Эрсиз қолиб, ўлмай яна,
Шундай қил, айланайин.

— Қўйгин энди ҳазилингни,
Ҳозир ҳазил пайтимас.
Уйга бориб, бир кўриниб
Қайтиб келгин, илтимос.

Билармисан, билмасмисан
Оғамларнинг феълини.
Билиб қолса «Бечора»нинг
Боғлаб оёқ-қўлини...





Сен ёнимда бўлсанг, бир гап
Келмас кўнгилларига.
Ҳам эрк бериб қўймас эдим
«Унинг» ихтиёрига...

— Сендан айниб, менга яна
Кўнгил қўйиб қолмаса.
Сўнг қишлоқда, Сарви қолиб...
Деган гап тарқалмаса.

— Е сени дер, ё мени дер
Бир гап бўлар у ёғи.
Е дер:
— Бириng белбоғ бўлсанг,
Бириng носвой қовоғи.

Иккимизни бирдай кўриб
Очилар қош-қовоғи.
Кўрибсанки, бир кулбанинг
Мен — шами, сен — чироғи...

* * *

Бир ўтириб, бир туради
Бир қиз чорбоғ ичинда.
Товус дейми, суман дейми
Томоша боғ ичинда.

Кўзларига сурма тортиб,
Ўсма эзар хилватда.
Ўзин солиб тош ойнага
Ўзи қолар ҳайратда.
(Бунчалик ҳам танҳо бўлиш
Яхши эмас, албатта...)

Гул оралаб, гул дасталар
Толма белин толдириб.
Шу ҳам гулми, дея қай бир
Гулларни уялтириб...

Чалинади қулоғига
Узоқлардан най саси.
Унингча, бу саснинг бордек —
Эди оҳанрабоси.

От шарпаси чалинади,
Чалинади қулоққа.
Тоғ томондан бир суворий
Тушиб келар булоққа.

Оқшом тушиб, тоғу тошга
Тун пардасин тортади.
Ошиқ-маъшуқ паймонлари
Сиру синоатдадир.

Боғ сиртида чўпон йигит,
Боғ ичинда қизгина.
Бир-бирига талпинади
Шарпа-шамолсизгина.

Шу пайт куз ёз, ёз баҳорга
Айланди боғ ичинда.
Гул очилар чаман-чаман,
Булбул чорбоғ ичинда.

Қиз қизариб лов-лов ёнар,
Йигит уқувсизгина.
Лекин бир куй яралганди
Савту садосизгина.

Гулистон шаҳри

Редакция почтасидан

Даврабоши ким?

Тўй ва базмларда даврани бошқарадиган раис, яъни даврабоши сайлаш одат тусига кириб бормоқда. Бироқ у шундай киши бўлсинки, ширинсўз, шоиртабиат, билимдонлиги билан йиғилганларни хушнуд этсин, кечанинг файзига файз қўшсин.

Айрим кишилар ўқимишли, маълумотли бўлса-да, даврабошилик тегиб қолса, чиройли гапираман, кўнгилларга етказиб шеър айтаман, дея сўзга сайқал беришга уриниб, мадҳиябозликка кўчишади. Натижада тўй оқшоми йиғинлар кечасига айланиб қолади. Бундай ҳол анъанавий тўйларимизнинг қимматини туширади, мазмуни ва гўзаллигига путур етказади.

«Янгиобод» совхозининг 6-, 7-, 8-, 9-алмашлаб экиш участкаларида кўпинча олий маълумотли Турсунпўлат Норқобилов даврабошилик қилади. У ўз касбининг устаси. Меҳнатга муҳаббат қўйган. Адабиётдан хабари бор. Одамлар уни дастлаб мамнуният билан кутиб олишарди. Бироқ бора-бора у айтаётган сўзларининг мазмунига эътибор бермай қўйди, сийқалик, баландпарвозлик йиғилганларнинг энсасини қотира бошлади.

Т. Норқобиловнинг мазмунсиз гаплар билан давра аҳлини зериктириши, улуғ шоирлар шеърини бузиб, ўзидан қўшиб-чатиши район «Меҳнат зафари» газетаси саҳифаларида танқид қилинди. Т. Норқобилов яна даврада қўлида микрофон билан пайдо бўлди. Мана, унинг сўзларига эътибор беринг: «Бундай файзли кечада ажойиб инсонлар инсони, давраннинг шоҳ султони, меҳмонларнинг улуғи, биз учун ҳурматли ва қимматли азиз меҳмон...» дея тилак билдирмоқчи бўлган кишиларнинг лавозимига қараб сўз беради. Келинкуёв эса бир четда: номи тилга олинади ёки йўқ. Сохтакорлик, улуғ шоирларнинг шеърларини бузиб айтишлар, баландпарвоз иборалар такрор-такрор чайналади.

Ноўрин мақтовлардан нафақат одамлар, ҳатто оила остонасига илк бор қадам қўяётган ёшлар ҳам хижолатда. Т. Норқобилов бош бўлган тўйларда келин-куёв шаънига тавсифу таърифни чаплаб ташлайверади: «Сиз чўлни бўстон этган қаҳрамон, сиз Сурхоннинг азамат бободеҳқони, Аму билан Сирдан сув чиқарган ўғлони, халқимизнинг буюк икки қаҳрамони. Бугун сизлардай мард ўғлонларга Бойсунинг осмонўпар тоғлари, Боботоғнинг азим чўққилари таъзим қилади...» ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Аслида даврабоши ким? Маҳалла комитетларида тузилган тўй комиссиялари бундай кишиларнинг маънавий қиёфасидан хабардормилар?

Бахтиёр ҳаётимизнинг безаги бўлмиш янги оила бўсагасига қадам қўяётган ёшларнинг никоҳ кечалари мазмунли ўтиши лозим. Токи, ўзбек халқининг тўйлари миллийлиги, жозибадорлиги билан эламизнинг, юртимизнинг яна бир бор маданий равнақидан далолат бўлсин. Шоир-шоираларимиз, ҳажвчи ва аскиячиларнинг шеър, қўшиқ, қочириқ сўзлари, санъаткорларнинг яллаю ёр-ёрлари даврамиз файзига файз, завқимизга завқ қўшсин. Шундагина тўйхона нурзиёга тўлади. Шаҳар ва қишлоқ, узоқ ва яқин жойлардаги тўйларда даврабошилик қилиш ҳам катта маҳорат талаб қилишини унутмаслигимиз, унга бефарқ қараш мумкин эмаслигини англашимиз лозим.

Жўрамуҳаммад
РУСТАМОВ
Сурхондарё область,
Гагарин райони



Мўъжизали орол

Индонезия пойтахти Жакартанинг жанубий қисмида яшовчи минглаб кишилар ўзига хос мўъжизанинг гувоҳи бўлиш учун Гинтунг кўли атрофига тўпландилар. Томошабиларнинг кўз олдида кўлдаги кичик орол — сув ости ўсимликлари ва дарахтлари билан бирга сузарди. Воқеа юз берган жойга таклиф қилинган бир гуруҳ археологлар: «Бу ерда ҳеч қандай мўъжиза йўқ», деб аҳолини хотиржам қилдилар. Кўп йиллар давомида орол қирғоғида сувда ўсадиган лойли ўт-ўланлар ва бошқа ўсимликлардан ўзига хос «ёстиқсимон» ўрмонча ҳосил бўлган. Эндиликда, у қирғоқдан ажралиб, кишилар кўз ўнгида гўё сувдаги ёстиқдек сузмоқда эди.

ЁРҚИН САҲИФА

(МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ НАМОЙИШ ҚИЛИНГАН «В. И. ЛЕНИН ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР» ФИЛЬМЛАРИ ҲАҚИДА)

Шу йил январь ойида мамлакатимизнинг миллион-миллион кишилари «В. И. Ленин портретига чизгилар» номи билан жамланган тўрт телефильмни ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилдилар. Уша кунларда зангори экран орқали хонадонларимизга бамисоли революциянинг қайноқ нафаси уфургандай бўлди. Миллион-миллион совет кишилари шонли 70 йиллиги кенг нишонланаётган Улуғ Октябрь инқилобининг илк қадамлари, дастлабки ойлари ва йиллари нақадар оғир ва машаққатли кечганлигига жонли гувоҳ бўлдилар.

Бунинг боиси нимада?

Бунинг боиси, аввало, шундаки, телефильмларнинг ҳаммаси асосан тарихий-инқилобий манбалар заминида яратилган: Ленин асарлари, унинг ҳақидаги хотиралар, мажлисларнинг стенограмма ва протоколлари, партия ва давлат идораларининг расмий ҳужжатлари, фотосуратлар ва кинохроника кадрлари фильмларга тамалтоши бўлиб хизмат қилган.

Бунинг боиси, иккинчидан, шундаки, экранда замонамизнинг истеъдодли актёрларидан бири Михаил Ульянов яратган Ленин образи, барчамизга қадрдон, азиз ва ардоқли Ильичимиз намоён бўлади қаршимизда. Кўп сонли мутахассислар ва телетомошабинларнинг гувоҳлик беришларича, 30-йилларнинг таниқли актёри Борис Шчукиндан сўнг М. Ульянов яратган доҳий образи энг мукаммали ва мумтозидир, совет Ленинномасига битилган янги, ёрқин саҳифадир.

Бунинг боиси, учинчидан, шундаки, телесериалнинг барча фильмлари кўтарган масалалари, социалистик қайта қуриш муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги машаққатлари, демократизм ва ошкораликнинг қимматли ва ибратли сабоқлари билан бугунги кунларимизга, партия XXVII съездидан, КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1985 йил), Январь (1987 йил) пленумларидан кейин юзага келган муҳит билан ҳамоҳанг ва жўровоздир.

Энди икки оғиз сўз телефильмларнинг яратилиш услуби хусусида. Маълумки, совет драматургиясида Ленинноманинг атоқли ижодкорларидан бири — Михаил Шатров 60-йиллар охири ва 70-йиллар ўрталарида театр ва кино учун тарихий-инқилобий мавзуни бадиий талқин қилиш, тарихий ҳужжатни поэтик идрок этиш соҳасида ўзига хос янги йўлни кашф этди. Унинг В. И. Ленин асарлари, докладлари, нутқлари, мактублари, суҳбатлари ва бошқа тарихий ҳужжатлар, фактлар асосига қурилган бир қатор пьесалари («Олтинчи июль», «Большевиклар» ва бошқалар) яратилди. Бу иш ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли, ижодкордан катта маҳорат, нозик дид, билимдонликни талаб этади. Мавжуд ҳужжатлардан энг мақбул парчаларни саралаб олиш ва уларни жозибали сюжет чизиғига жойлаш билан иш битмайди. Санъаткор тафаккури уларни ичичидан нурлантирмоғи, уларга «жон киритмоғи», воқеа-ҳодисаларнинг сиёсий, фалсафий, руҳий маъно ва моҳиятини очмоғи, лозим бўлганда, рақамлар ва фактларни «гапиртирмоғи», фикр-мулоҳазаларни ҳақиқатга хиёнат қилмай, мантиқан изчил давом эттирмоғи даркор. Шулар асосида, яъни ҳақиқий, ҳаётий фактлар заминида қарашлар, эътиқодлар, эҳтиросларни тўқнашуви содир бўладики, шу тариқа бадиий ҳақиқат юзага келади ва санъат асарлари пайдо бўлади. Ижодкорнинг юксак бадиий маҳоратидан озиқланган ана шундай санъат асарига томошабинларни тўлқинлантира олиши мумкин. Михаил Шатров — тарихий-инқилобий мавзуда юксак дидли халқимизга манзур драматик асарлар яратиб келаётган шундай истеъдодли ижодкорлардан бири. Унинг режиссёр Леонид Пчелкин билан ҳамкорликда яратган юқоридаги телесериали ҳам бунга далилдир.

«Номма-ном овоз бериш» деб аталадиган биринчи фильм 1918 йил кинохроникасидан бошланади. 1918 йил 14 март. Москва. Советларнинг IV Бутун Россия Фавқулодда съездига келган делегатларнинг мандати текширилмоқда. Сўнгра камера бизни съезд мажлиси давом этаётган залга олиб киради. Залда эса ғала-ғовур ҳукмрон. Съездни бошқараётган Володарскийнинг дам-бадам тартибга чақирувчи хитоблари янграб турибди. У жон-жаҳди билан қўнғироқни кўтариб силкитади. Асаблар таранглашган, зал жунбишга келган. Фильмда томошабинларни қаттиқ ҳаяжонга солувчи чинакам драматик воқеалар содир бўлмоқда. Съезд кун тартибида жиддий ва қизғин мунозараларга сабаб бўлаётган Брест сулҳи масаласи. Ғоят жиддий ва ниҳоятда қалтис масала. Революциянинг ривожи, ғолибона олға босиши ёки инқирози, ёш Совет давлатининг ҳаётмамоти, равнақ топиши ё ҳалок бўлиши Брест сулҳи шартномасининг имзоланиши ё рад этилишига боғлиқ.

Мунозарада Владимир Ильичга қарши турган мухолифлар Лениннинг обрў-эътибори, салобати ва салоҳияти қаршисида ҳурмат сақлайдиганлардан эмас (бу ролларни ижро этган актёрлар маҳоратини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим), вазиятга қараб қандай йўл тутишни яхши биладиган, сўзамол — нотиқ кишилар. Улар ўзлари тутган йўл бирдан-бир тўғри йўл деб биладилар ва бу йўлни жазавага тушиб астойдил ҳимоя қиладилар (революциянинг истиқболи нуқтаи-назаридан бу йўлнинг хато эканини тушуниб етмайдилар — уларнинг фожеаси ҳам шунда эди!). Мухолифлар сулҳ шартномасининг ратификация қилиниши мамлакат мудофаасини ҳамда инқилоб ғалабаларини барбод қилади, деб баралла айтадилар. Улар ҳатто сулҳни имзолашга қизғин даъват этаётган Ленинни революция ишига ва халқ манфаатларига хиёнатда, кайзер Германиясига сотқинликда айблаб туҳмат қиладилар.

Ленин — Ульянов нотиқларни тингларкан, зоҳиран сукут сақлаб ўтиради, хотиржамдек кўринади, аммо ўткир нигоҳидан, дам-бадам нималарнидир тез-тез ёзиб қўяётганидан унинг тафаккури нақадар шитоб ва шиддат билан ишлаётганини пайқаш қийин эмас. Владимир Ильич фикрлар жангига шайланмоқда эди.

В. И. Ленин минбарга чиққанда, аввалги кўпгина фильмлардагидек гулдурос қарсаклар чалинмайди, аксинча залда ғала-ғовур давом этмоқда, кимлардир нималарнидир маъқулламоқда эдилар (умуман тарихий даврни акс эттиришдаги ҳаққонийлик ва табиийлик фильмнинг фазилатларидан биридир). Ленин минбарда экан, ҳиссиётларга ва ғазаб-нафратга берилмайди, аксинча ақл-идрокни ишга солиб, босиқлик билан делегатларга вазиятнинг мураккаблиги ва қалтислигини тушунтиради. Владимир Ильич аччиқ ҳақиқатни залдагилардан яширмайди: Брест сулҳининг шартлари ҳаддан ташқари оғир ва хўрликка соладиган даражада шармандали эди. Ленин—Ульянов ҳаяжонланади, минбардан узоқлашиб, у ёнбу ён юради, дам-бадам эшитилиб турган заҳарханда луқмалар, ништардай қадалган ғазабнок нигоҳлар қаршисида аниқ, кескин иборалар излаб қийналади, гоҳо залдан тушган луқмага шу лаҳзанинг ўзида қочириқли-сермаъно ибора билан жавоб қилиб, зални жунбишга келтиради, завқли кулги кўтарилади. Тарих ҳақиқати шундай, қўшиб-чатилмаган, бўяб-бежалмаган ҳаёт ҳақиқати шундай. Михаил Ульянов яратган Ленин образининг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги шунда. Владимир Ильич делегатларга революцияни ва Совет давлатини сақлаб қолиш учун сулҳни имзолашдан бошқа йўл йўқ эканлигини рад этиб бўлмас далиллар ва мантиқ кучи билан тушунтиради ва ишонтиради.

Шундан сўнг овоз бериш бошланади. Масала шу қадар масъулиятли ва қалтис эдики, делегатлар номма-ном чақирилиб, қўйилган масалага уларнинг муносабати очиқ-ойдин, аниқ-равшан эшитилгач, рўйхатга қайд этиб борилади. Оператор Ю. Схиртладзенинг маҳорати билан кўз ўнгимизда турли хил қиёфа, хилма-хил важоҳатдаги кишилар лаҳза сайин йирик планда намоён бўлиб, бамисоли экран орқали сизу бизнинг кўзимизга тик боқиб «қаршиман», «сулҳга қаршиман!», «ёқлайман», «тинчлик учун», «сулҳни ёқлаб овоз бераман» деб хитоб қиладилар. Бу — бўлиб ўтган тарихий воқеа. Жонли тарих ана шундай содир бўлган, революция тарихи шундай битилган, сулҳ учун — тинчлик учун кураш шундай кечган эди. Фильм бизни шу қадар сеҳрлаб қўядики, биз бир лаҳза съезд иштирокчиларига айланамиз ва уни бошқараётган Я. Свердлов (бу ролни актёр И. Кваша эсда қоларли талқин қилган) овоз бериш натижаларини сарҳисоб этаётганда, уни сабрсизлик билан кузатамиз ва сулҳ шартномаси кўпчилик овоз билан тасдиқланганини эшитганда, мамнуният билан енгил тортамиз. Тарихий факт: «Ленин таклиф этган резолюция аксарият кўпчилик овоз билан қабул қилинди: унга 784 киши ёқлаб, 261 киши қарши овоз берди; 115 делегат бетараф қолди. (В. И. Ленин, ТАТ, 36-том, 664-бет).

«Ленин кабинетида бир ярим соат» деб номланган иккинчи фильмда воқеалар Лениннинг иродасига, сабр-тоқати ва бардошига яна бир зўр синов тариқасида тасвир этилган. Вазият минут сайин ўзгариб қолиши мумкин. Москвада Германия элчиси граф Мирбахнинг сўл эсерлар томонидан ўлдирилишига немислар қандай муносабат билдиришаркин? Кайзер ҳукумати содир бўлган

воқеани баҳона қилиб, Совет Россиясига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбормасмикин?! У чоғда шунча машаққатлар, курашлар эвазига эришилган нафасни ростлаб олиш даври барҳам топади, ҳамма режалар барбод бўлади-ку!

Актёр М. Ульянов доҳий Ленининнинг ана шу дақиқалардаги ҳолатини жуда жонли, жуда ишонарли ифода этган: азбаройи вазиятнинг оғирлигидан Ильич креслода узоқ ўтира олмайди, кабинетда у ён-бу ён кезинади, ўйга толади, ҳар эҳтимолга қарши турли режалар тузади (ички монолог), унинг шу лаҳзалардаги ички ҳаяжони қўл ҳаракатлари, мимикаси ва кўз қарашларидан балқиб туради, аммо унинг хатти-ҳаракатларида ночорлик ва саросима сезилмайди, аксинча кўз ўнгимизда кучи-қудрати ва ақлзаковатига ишонган улуғ инсон намоён бўлади. Схиртладзе камерасининг ўткир нигоҳи дафъатан қараганда хотиржамдек кўринган Ленин тафаккури шиддат билан ишлаётганини, сокин-осуда кўринган Ленин кабинетида «ҳаёт қайнаётгани»ни моҳирона акс эттирган: Владимир Ильич мамлакат ҳаётининг томир уришини эшитиб туради. Ёш Совет давлатининг хўжалик, ҳарбий-сиёсий ва дипломатия ишлари бамисоли кўринмас ришталар орқали Ленин кабинети билан боғланган. Ленин уларнинг ҳаммасидан хабардор, бирор ўзгариш содир бўлса, зарур тадбир-чоралар кўришга шай. Ленин — Ульяновнинг манглайига кафтини тираб ўйга толишларида, бир нуқтага тикилган ўткир боқишларида, гоҳ эшитилиб, гоҳ кўз қарашларида зоҳир бўлаётган ички монологларида унинг ҳаяжони, асаблар таранглиги, фикрлар жанги, туғёнли изҳори-дил намоён бўлади.

«Совнарком муҳити» деб номланган учинчи фильм сўл эсерка Каплаининг машъум ўқидан жароҳатланган Ленининг соғайиб, Кремлдаги иш кабинетига қайтгач, ўтказган иш кунларидан бирига бағишланган ва Халқ Комиссарлари Советида ҳамиша ҳукм сурадиган ишчанлик муҳити: қизғин баҳслар билан ўтадиган мажлислар, ўртоқлик ва айни чоқда юз-хотир қилмаслик, бир-бирларига ҳурмат-эътибор, ишонч ва айни чоқда ўзаро талабчанлик вазиятида кечадиган эркин фикрлашув-тортишувлар, чин маънодаги демократия, ошкоралик, ҳар қандай ҳушомад ва ғаразгўйликлардан холи, бегубор, покиза, мусаффо муҳит акс эттирилган. Фильмнинг бу қисми ўз номига жуда мос ва монанд.

Ниҳоят, «ВХУТЕМАС коммунаси» деб аталган тўртинчи фильм Олий бадиий-техник устахоналари талабаларининг ётоқхонасига Владимир Ильичнинг ташрифи ҳақида ҳикоя қилади. Бу фильм революция ва санъатнинг навқирон авлоди билан, ҳаётга илк қадамлар қўяётган ёш ижодкорлар билан Ленининг мулоқоти, мусоҳабаси асосига қурилган. Мунозара давомида бир қатор муаммолар кўтарилади, фикр олишувлар бўлади. Айтиш керакки, доҳий таъкидлаган санъатнинг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, ҳаётдаги ўрни ва моҳияти ҳақидаги мулоҳазалар бугун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумларида адабиёт ва санъат олдига қўйилаётган вазифалар фикримизга далил бўла олади.

Драматург Михаил Шатровнинг Владимир Ильич характери хусусидаги бир фикри диққатга сазовор: «1924 йил январида Ленин вафоти муносабати билан партия Марказий Комитетининг бутун халққа Мурожаатида: «Даҳшатли хавф-хатар таҳдид солган кезларда Ленининг буюклиги яна ҳам яққол намоён бўларди», дейилган. Партия Марказий Комитетининг Мурожаатидаги бу жумла драматург сифатида мен учун Ленининг ҳаёт йўлини юлдуз мисол ёритиб туради». Телесериалда яратилган Ленин образини мазкур фикрнинг бадиий ифодаси, дейиш мумкин. Айниқса, биринчи-иккинчи фильмлардаги мураккаб ва машаққатли воқеалар фонида Ленининг метин иродаси, ҳар қандай хавф-хатарни даф этишга қодир шижоати намоён бўлади. Занжир халқалари сингари бири-бирига уйқашиб, мингашиб келган аянчли, оғир, фожиали ҳодисалар, фактлар унинг курашларда тобланган иродасини буколмайди, аксинча вазиятнинг мураккаблиги, хавф-хатарнинг даҳшатлилиги Ленин тафаккурини жадал, аниқ, равшан ишлашга мажбур этади. Асаблари қисилган пружина янглиғ таранглашади, ҳаракатлари шаҳдам, шуури шитоб билан ишлайди, зарур кўрсатмалар қисқа, лўнда берилади.

Владимир Ильич ниҳоятда ишчан, фидойи. Ҳатто бетоблик чоғида ҳам юмушсиз ўтиролмайди. Шифокорлар билан талашибтортишиб ўқишга ижозат олади ва зўр чанқоқлик билан газеталарни кўздан кечира бошлайди. Газеталар кўтараётган мавзулардан, материалларнинг мазмун ва мундарижасидан кўнгли тўлмаган Ильич синглиси М. И. Ульянова (артистка Т. Логинова)га айтиб туриб «Газеталаримизнинг характери тўғрисида» номли машҳур программ мақоласини ёздиради. (Мазкур мақола «Правда» газетасининг 1918 йил 20 сентябрь сонида босилиб чиққан). Мақоланинг кўп ўринлари бугунги кунларимиз учун ҳам ибратли ва долзарб. Чунончи, Владимир Ильич матбуот ходимларини сиёсий шов-шувларга берилиб кетмасликка, экономика тўғрисида кўпроқ ёзишга, «чинакам янги ҳаёт қуриш соҳасидаги фактларни тўплаш, яхшилаб текшириш ва ўрганишга», «турмушнинг ҳамма соҳаларидан амалий, конкрет мисол ва намуналар келтириб оммани тарбиялашга» чақиради. Улуғ доҳий айниқса ошкораликни кучайтириш ва кенгайтиришга жиддий даъват этади, жойларда ярамас ишларни ошкора қилиш, жамоат олдида танқид қилиш, шарманда қилиш, яхшилардан ўрнак олишга чақириш ишлари ҳаммадан кўпроқ бўлиши лозим, дейди. Доҳийнинг бу даъвати бугунги кунда ҳам матбуот ходимлари учун жанговар қўлланмадир.

Телеэкран воситасида Халқ Комиссарлари Совети Раисининг бир неча кунлик ҳаётидан бир неча оддий, кундалик лавҳалар гавдаланади телетомошабин кўз ўнгида. Лекин улар мазмунан нақадар бой, қамрови нақадар кенг — ҳайратланмай иложингиз йўқ. Улар орасида сиёсий ва мафкуравий мавзулар, жаҳон аҳамиятига молик ва мамлакат ичкарисига оид масалалар; сиёсий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари; янги урушнинг олдини олувчи тадбир сифатида хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқни йўлга қўйиш; қийинчилик ва қарама-қаршиликларга қарамай социализм шароитида ибрат-намуна кучининг бениҳоя кенг имкониятлари; раҳбарнинг ҳалол меҳнат билан орттирган обрўэътибори; Ватан равнақи ва халқ бахти йўлида жон фидо қилганларга ҳайкаллар ўрнатиш ва ёдгорликлар қўйиш; ёшларнинг сиёсий, маънавий-эстетик тарбияси ҳақидаги мулоҳазалар; одамийлик, камсуқумлик ва камтарлик хусусидаги сабоқлар...

Шу ўринда телефильмларнинг яна бир жиҳатини эслаш жоиз кўринади. Телесериалнинг ҳамма қисмларида фильмнинг бош қаҳрамони билан турли касб эгалари: халқ комиссарлари ва ишчилар, врачлар ва студентлар, журналистлар ва сиёсий арбоблар мулоқотда бўладилар, баҳслашадилар. Владимир Ильич уларнинг кўзи ўнгида улкан давлат раҳбари сифатидагина эмас, балки суҳбатдошининг гапларига диққат ва ҳурмат билан қулоқ солувчи дилкаш инсон, доно маслаҳатгўй ва ғамхўр мураббий сифатида ҳам намоён бўлади. Шу боис улар Ильич билан тортинмай баҳслашадилар, баъзан унинг фикрига қўшилмайдилар, ўзларининг ҳақ эканликларини исботлашга уринадилар ва адолатга, ҳақиқатга эришадилар, чигал жумбоқларни ҳал қиладилар. Бундай фактлар оддий ишчидан то юқори лавозимдаги раҳбаргача ҳар бир томошабинни ларзага солади, чуқур ўйга толдиради, лавозим ва бурч юзасидан адо этилган юмушларга виждон олдида сарҳисоб ясашга ундайди. Фильмларнинг катта тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

Шуларни ҳисобга олиб, мазкур телефильмларни ҳам яқин келгусида республика телевидениеси орқали қайтадан намойиш этсалар, деган истак билдирмоқчимиз. Мабодо республика телевидениеси ва «Ўзбектелефильм» мутасаддилари республикамизнинг кўшни қардош республикаларидаги кўп миллионли телетомошабинларнинг истак-орзуларини ҳисобга олган ҳолда «В. И. Ленин портретига чизгилар» телесериалини ўзбекчага ўгириб, томошабинларга тақдим этсалар, айни муддао бўлур эди.

Фильмларда режиссёр ва оператор ҳамкорликда қўллаган характерли бир усул бор: вақти-вақти билан экранда Ильичнинг фотосуратларда акс этган таниш сиймоси экранни тўлдириб, йирик планда намоён бўлади ва у экран орқали йиллар оша бизларга мурожаат қилаётгандай, биз билан дил-дилдан суҳбатлашаётгандай, амалга ошираётган ишларимизга сарҳисоб сўраётгандай, ошкоралик ва демократияни яна ҳам кенгайтиринг, танқид ва ўз-ўзини танқидни асло бўшаштирманг, социал адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида сира толманг, деяётгандай. Биз ҳам доҳий таваллудининг 117 йиллиги нишонланаётган ушбу шодиёна айёмларда унга партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев сўзлари билан, ҳозир амалга оширилаётган қайта қуриш ва жадаллаштириш ишлари ўзининг чуқур революцион моҳияти жиҳатидан, планларнинг большевикча дадиллиги жиҳатидан, инсонпарварларча социал йўналиш жиҳатидан ленинчи партиямиз 1917 йилнинг Октябрь кунларида бошлаган буюк бунёдкорлик ишларнинг бевосита давомидек зоҳир бўлмоқда, деймиз.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари кандидати

ХАР ТУГРИДА БИР ШИНГИЛ

Фаррошлар учун

Сўнгги йилларда томорқаларда бир неча от кучига эга мотоблоклардан фойдаланиш одат бўлмоқда. Улар билан турли юмушларни бажариш мумкин. Лекин Швейцарияда қишда қор кураш, йўлларга қум сочиш, кузда хазонларни йиғиштириш, кўчага сув сепишга мослаштирилган мотоблоклар ҳам ишлаб чиқилди.

Ноёб мато

Япониянинг «Мицубиси уэнки» компанияси ходимлари Ташқи савдо ва саноат министрлигининг буюртмаси бўйича бир сантиметр квадрат сатҳига 10 миллиардгача ахборот белгиси жойлашадиган янги материал яратдилар. Масалан, мазкур материалнинг қилдек ингичка толасига одатда газетанинг тўрт саҳифасида ифодаланган мазмунни бемалол сиғдириш мумкин. Янги модда унинг молекулалари қарийб йўқ даражагача совутилиб, кейин лазер нурида нурлантириш йўли билан ишлов бериш орқали ҳосил қилинган. Ноёб материал оптика компьютерларида, видеоёзув аппаратларида, банк иш юритиш системасида кенг қўлланиши мумкин.

ОҚ ТУЯ, ҚЎҚ ТУЯ...

Исо АБДУРАҲМОНОВ

ҲАЖВИЯ

Қитмиров — бутун бир шаҳарда отнинг қашқаси. У кирмаган эшик, бош суқмаган тешик қолмаган ҳисоб. Ҳа, ҳа, у баъзи кишиларнинг чап енгидан кириб, ўнг енгидан чиқиб кетадиган шахс. Ҳамма жойда урилиб-сурилиб юрган ўша Қитмиров ниҳоят катта бир қурилиш идорасида паноҳ топди.

Мана, у эшигига «Ремонт-қурилиш участкаси» деб ёзилган кабинетда бош қотириб ўтирибди: «Бутун тажрибамни ишга солишим, ҳар бир ходимнинг юрагига йўл топишим керак. Ҳа, йўл... кўп. Бири бўлмаса, бошқаси...» Шу пайт эсига бир нарса тушди шекилли, ён дафтарчасига аллақандай рақамларни ёзди, қўшди, кўпайтирди... Кейин қўнғироқ тугмачасини босди. Кабинетга ниначидек ингичка котиба қиз кирди.

— Чақиринг!

Зум ўтмай уни кутиб турган участка бошлиқлари, прораблар бирин-кетин ичкарига кирдилар.

— Ҳамма бор-а? — деди Қитмиров келганларга кўз югуртирар экан. — Мен гапни резинка қилишни ёқтирмайман. Сизларни бу ерга тўплашдан мақсад — жиддий масала бўйича гаплашиб олиш. Бу — тежамкорлик. Бу масаланинг нақадар муҳимлиги ўзларингизга аён. «Саломатлик — туман бойлик», дейишади. Йўқ! Ўзи девдек бўлса-да, чўнтагида сариқ чақаси йўқ кишиларни кўп кўрганман. Отам раҳматли «Тежамкорлик — туман бойлик», дердилар. Шахсан мен бу нақлнинг тўғрилигига такрор-такрор ишонч ҳосил қилганман. Ахир, кўпни кўрган одамман-да. Буфетда ишладим, магазинчи ҳам бўлдим, ошпазлик қилдим, газ-вода, морожний сотдим, шофёрлик қилдим, завгар, прораб бўлдим. Айниқса, тикувчибичиқчилик қилган одам тежамкорлик нималигини яхши билади. Бичиқчи ҳам бўлганман... Ателъеда. Ахир, бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, дейишади. Қайси вазифада ишламай, тежамкорликни биринчи планга қўйдим. Натижада ҳам ўзимнинг чўнтагимга, ҳам бошқа ўртоқларнинг чўнтагига муллажиринг тушиб турди. Бир жойда кўп ишлай олмаганимга эса баъзи шахсларнинг бахилликлари сабаб бўлган. Ўйлайманки, бу ерда шунақалар бўлмаса керак. Шуни билиб қўйингларки, мен ҳеч қачон фақат ўз манфаатимни кўзламайман. Ташкилотимизда тежамкорлик режимига қатъий амал қилинишига эришишимиз керак. Энг яхши тежамкорлар рағбатлантирилади, тежамаганларнинг ўзларига қийин бўлади. Ҳар бир участка бошлиғи, прораб тежамкорлик бўйича ойлик ҳисоботни шахсан менга ёзма равишда келтириб кўрсатиши шарт. Ортиқча сарфга йўл қўйганлар ўз чўнтакларидан тўлашади. Мен ана шундай қатъий қарорга келдим. Хўш, кимда қандай фикр бор?

Ўтирганлар бир-бирларига қараб олдилар.

— Менда савол бор, — деди узун соч қўйган мўйловли йигит.

— Марҳамат, ўртоқ Тошбоев.

— Бу... айрим сабабларга кўра ортиқча сарфларга йўл қўйилса...

— Ҳеч қандай важ-сабаб бўлиши мумкин эмас! Яна ким нима демоқчи?.. Демак, тушунарли. Келгуси ойнинг бешинчи кунида ҳисоботларни кутаман.

Айтилган кун ҳам келди. Қитмиров ишга барвақт ташриф этиб, ҳисоботларни кўришга шайланиб турди. Биринчи бўлиб прораб Ғўров кирди.

— Келинг, келинг, ўртоқ Ғўров, — деб илиқ қарши олди Қитмиров, — хўш, ишлар қалай?

— Ёмон эмасдек. Мана, ойлик ҳисоботни келтирдим.

— Қани кўрайлик-чи... Яхши... Яхши! Беш мингта ғишт, олти юз килограмм цемент... Тежамкорлик яхши фазилат-да... Исмингиз нима эди, ука?

— Мўйин.

— Мўйин денг... яхши. Энди, мен сизга айтсам, Майин ука, сиздай йигитлар менга жуда ёқади. Илк бор кўрганимдаёқ менга ёқиб қолган эдингиз. Сизга ишонса бўлади деган умиддаман. Бир ойда шунча тежабсиз. Бир йилда неча ой бор?.. Ўн икки ой. Шу рақамларни ўн иккига кўпайтирсангиз, қанча бўлади? Бу, Майин ука...

— Майин эмас, Мўйин.

— Шунақами? Менимча, Мўйиндан Майин яхши-ку!.. Ҳазил. Ҳи-хи-хи... Хуллас, тежалган материалларнинг ҳаммаси пул. Пул нима эканини биласиз. «Пул бўлса — чангалда шўрва» деган нақл бор. «Пулсиз турмуш — йўлсиз турмуш». Бу оталар сўзи эмас, шахсан менинг — кўпни кўрган одамнинг сўзи. Аммо ўшаларни пулга айлантириш учун озгина ҳаракат қилишимиз керак. Энди келишиб олсак: харидор топиш мендан, жўнатиш сиздан. Аммо мутлақо махфий: иккимиздан бошқа киши сезмаслиги шарт.

— Тушуна олмаяпман. Ахир...

— Ғўр экансиз-да, ука. Зарари йўқ, ҳали пишасиз. Нимасини тушунмайсиз? Энг муҳими — ишни хамирдан қил суғургандай бажариш. Биз ҳам хурсанд бўламиз, сиз ҳам, бошқалар ҳам. Эртага бир йигит келиб, салом-аликдан сўнг «Тежамкорлик — туман бойлик» дейди. Бу пароль! Унутманг! Кейин ҳам керак бўлади. Шофёр билан келишиб, бир машина ғиштни ўшанга жўнатасиз. Чўчиманг. Кайфиятингиз бузилмасин. Кейин хурсанд бўласиз.

Ғўров индамасдан чиқди. Дадилов кирди. Қитмиров уни ҳам сунъий табассум билан қарши олди. Бисотидаги энг яхши сўзларни айтди.

— Сиз қайси объектда ишлайсиз, ўртоқ Дадилов? — деб мақсад сари қадам ташлади.


— Пахта тозалаш заводининг болалар боғчаси қурилишида, — жавоб берди прораб.

— Жуда соз. Болалар — бизнинг келажагимиз. Уларни хурсанд қилишга нима етсин!.. Битай деб қолдими?


— Ҳа, яқинлашди.

— Тежамкорликдан гапиринг.

— Дуруст. Мана, ўтган ойда юз йигирмата шифер, ўн беш кубометр дераза ойнаси, икки ярим килограмм мих, бешта эшик тутқичи тежадик.



Расмни Ш. Зокиров чизган.



— Яхши... Бир ойда шунча... Яхши! Сизга айтсам, сал ноўринроғ-у...

— Айтаверинг, ҳеч тортинманг. Бирор хизмат бормиди?

— Ўғилларнинг тўнғичи катта йигит бўлиб қолди. Шунга атаб бир уй қурдираяпман. Сал ёрдамлашиб юборсангиз, яъни шу тежалган материалларни...

— Бу ёғи қандай бўларкан?

— Ҳаммаси жойида бўлади. Сиз ҳам хурсанд бўласиз. Яна кўнглингизга у-бу нарса келмасин. Азбаройи сизга ҳаддим сиқканидан, ҳалиги... сизни ўзимга яқин тутганим учун айтаяпман. Энг муҳими — бошқаларга сездирмаслик...

Қитмиров Дадиловни кўндиргач, Тошбоевнинг ҳисоботини кўриб чиқди.

— Ўҳ-ҳў, иккита эшик ҳам тежабсизлар. Қойил! — деди ва мақсадга ўтди. — Энди, мен сизга айтсам... сал ноўринроғ-у...

Қисқаси, Тошбоев ҳам бошлиққа ёрдамлашиб юборишга рози бўлди.

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Қитмировнинг кайфияти аъло. Кабинетида савлат тўкиб ўтирибди. Қоғозларни синчиклаб кўздан кечиради, лаблари пичирлайди, нималарнидир қоғозга ёзиб қўяди. Шу пайт эшик очилиб, остонада Ғўров пайдо бўлди.

— Э-э, ўртоқ Ғўров, қани марҳамат қилсинлар... Ишлар қалай?

— Жойида.

— Жуда яхши. Ўтиринг, ука, ўтиринг... Жойида денг. Иш юришаверса, ҳамманинг кайфияти аъло бўлади. Сиз ҳақиқий йигит эканлигингизни кўрсатдингиз. Мени хурсанд қилдингиз. Ҳаммаси қайтади, ука. «Эчки берган қўй олади», дейишади.

— Менга қўй керак эмас. Сиз кераксиз.

— Хўш, эшитаман?

— Кетдик.

— Нима гап?

— Шофёрингиз Чаққонбой тузоққа тушибди. Мени ҳам чақиришаяпти. Ўзингиз аралашмасангиз бўлмайдиганга ўхшайди.

— Ҳазиллашманг! Мен оқ туяни ҳам, кўк туяни ҳам кўрганим йўқ.

— Ҳали шунақами, Учар Қитмирович? Шаттани келиб-келиб етим ер экан-да! Кечирасиз, ҳолвасини ҳам, калтагини ҳам баҳам кўрамиз!

Қитмировнинг кўзлари косасидан чиқаёзди, ранги оқариб кетди:

— Э-э... Майин... Мўйин ука... Б-бу қанақаси бўлди?.. Ахир...

Самарқанд

Т. МИРЖАЛИЛОВ. ФАЗОГИР ДЎСТЛАР.



А. СОКОЛОВ.
ФАЗОДАГИ ЖАСОРАТ.

А. СОКОЛОВ.
БИРИНЧИ МАРТА ОЧИҚ ФАЗОДА.





Т. МИРЖАЛИЛОВ.
ЧЕКИСТЛАР.



Ғ. ҚОДИРОВ.
КУРАШ.



А. Балканов чизган плакат.



ТАГ-ТОМИРИ БИЛАН ҚЎПОРАМИЗ!

А. Четкаускас чизган плакат.



Баҳор...

М. Пенсон фотоси.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Омон Матжон.

В. Мосин фотоси

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

мақриз

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган «Гаплашадиган вақтлар» (1986 йил) тўпламини ўқувчида таниқли шоир Омон Матжоннинг давр даъватига пайваста йўлларининг бадиий тажассуми сифатида таассурот уйғотади.

Китобга киритилган асарлар бугунги куннинг нафасига тўйинган, дейиш мумкин.

Шоир ҳаёт жумбоқларини бадиий-социологик таҳлил орқали ҳал этишга ҳаракат қилади. Унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларнинг кузатувчиси эмас, балки коммунизм идеалларини рўёбга чиқариш учун фаол курашаётган, ўзини элнинг корига, умуммanфаатига бурчли деб билган шахсдир. У ўзини «имон дарёсига қурилган ГЭС»дек масъул сезади, замондошларини ҳар бир ҳодисани ўз номи билан аташга даъват этади:

Кечагина кўрдим: жажжи болакай
Келтирди хирмонга бир дўппи пахта,
У ҳали билмайди ўлчаш, сотишни...
Гўдакман — виждонлар синалар
вақтда.

Инсоний баркамоллик, ватан шарафи йўлидаги ҳалол меҳнат ва фидойилик туйғулари шоирнинг ўнлаб шеърларида турли ҳаётий ташбеҳлар орқали ифода этилади. Чунончи, «Бир чинор остида» шеъри Ургут тоғидаги бир қадимий чинорнинг ковагига ўн беш нафар сайёҳ сиққани ҳақидаги факт асосига қурилган. Мана шу ҳаётий воқеа шоирнинг қалбида дунёдаги ҳар қандай кучдан қудратли ва ҳар қандай мушкул муаммони ечишга қодир бўлган дўстлик ва биродарлик тўғрисидаги гўзал мисраларни юзага келтиради:

...Одамлар жипс-яқин туришган
жойда
Сираям тангу тор кўринмас дунё, —

дея хитоб қилади.

Тўпламда хорижий мавзудаги «Бир жанобга жавоб», «Оқшом. Гавжум Париж», «Фортенбло қасри товуслари», «Сена бўйида қуш бозори», «Тарих музейида», «Чучварадан чиққан хатлар» каби шеърлар ҳам ғоявий-бадиий етуклиги билан ажралиб туради. Бинобарин, муаллифнинг бир парижлик жанобнинг «Ўзбекни таниши, яъни Москва бозорларида алламбало сотиб ўтириши...» ҳақидаги фикрига жавобан айтган қуйидаги сўзлари миллий ғурур ва ифтихор, чўнг ҳамият ҳисларига йўғрилгандир:

Ўзбек сотган эмас, лекин энг нодир
Ёзмалар — Синодан Бобурга қадар.
Ғарбдадир, ўқ ўтмас ойна остида.
Ватаним, ўқ ўтмас бўлсайдинг агар...
Сотишдан ғапирар! Ўзбек еридан
Тотинса, тўяди бутун ер юзи.
Шунча меҳнат билан пахта етказар
Асил баҳосига қарамай ўзи.

(«Бир жанобга жавоб»).

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, тўпламдаги шеърларнинг барчаси ҳам юқори бадиий-эстетик савияда деб бўлмайди. Масалан, «Сен-мен...» шеърида муаллиф ўзининг бадиий сўзга ўта талабчанлик принципидан чекинганининг гувоҳи бўламиз. Шеърдаги «кимса қалин, дўрдоқ лабларида сигаретасини у ёқ-бу ёққа алмаштириб, гоҳ тили тагига нос ташлаб... озодагина кийинган... йигитчага... тухмат гаплар айтар... эди».

Маълумки, ҳар қандай образ аввало ҳаёт ҳақиқатига мос келган, типиклашган, конкретлашган ва умумлашган тақдирда тўлақонли намоён бўлади. Ана шу жиҳатдан олганда, «Сен-мен...»даги салбий типнинг юқоридаги ҳолати, менингча, ўқувчида бироз шубҳа уйғотади. Йигитчанинг ўзи ҳақидаги таърифлари («Мен тунда ҳам ёруғ осмон бўламан... чашма очай деб сарсон бўламан... тоққа қўйилган нарвон бўламан... катта йўлда карвон бўламан» ва ҳоказо) мавҳумдир. Улар асосий ғояни ташувчи образни хиралаштириб қўйган.

«Чўлдагилар» достон-хроникаси шу куннинг долзарб муаммолари билан суғорилган. Асарда чўл ва уни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий-маиший ҳамда маънавий масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кейинги пленумлари руҳида ёритилган. Асар ягона ғоявий-композицион марказга бирлаштирилган ҳар хил туроқли бир нечта мустақил шеърлардан ташкил топган. Республикамиз партия ва ҳукуматининг чўл ва қўриқ зоналарни ўзлаштириш ҳақидаги чақирига ҳамоҳанг бу достон-хроникада Фарғона водийси деҳқонлари ҳеч иккиланмай Мирзачўл, Қарши, Сурхон—Шеробод чўлларини ўзлаштиришга отланганлари ҳақида самимий сўзлар айтилган.

Чўл қаҳрамонлари мадҳияси муаллиф томонидан уларнинг кундалик туриш-турмуши, қувноқ ва ташвишлари билан уйғун ҳолатда куйланади. «Ютоқ гармсел», қурғоқчилик ва «туғолмасдан чатнаётган ер саси» деҳқоннинг дилини эзади. У чанқаб сўлий бошлаган ниҳолларга «зарур келса, ўз томирин бўшатиб берур». Бироқ мана шундай таҳликали дамда «бўлиқ, кесма-новвот ернинг оғзига» «заққум» тиқиб шийпонма-шийпон изғиб юрган «бир фасл, бир «сезон»лик» гектарчилар деҳқоннинг ғазабини оширади. Унинг изтироблари бугина эмас, у яна ўзбек лабзидек ҳалол пахтага қўшиб ёзиш ва ичкиликбозликка қарши янада қатъий курашга чақиради:

Пахтазорга дори тушса,
Кўп куйибмиз: О, офат.
Ўйлатмабди ароқдаги
Шум, тескари латофат.

Неча эллар поклар бугун
Ўз ерларин яроқдан.
Урушсиз ҳам қанча миллат
Қирилгандир ароқдан.

Шоир шу тариқа жамият ҳаётининг илдам одимлашига тўғаноқ бўлаётган амалпарастлик ва қоғозбозлик, лоқайдлик ва ғафлат, хусумат ва юлғичлик сингари салбий ҳодисаларни ҳам тезроқ бартараф қилишга даъват этади, халқимиз толеини «қора доғлар»сиз, юксак эътиқодли, баркамол инсонлар бахтида кўришни истайди:

«Қуёшда ҳам доғ бор», овунар
кўплар,
У доғми? Тун акси тушган гулхан у!
Е унмас, ё кулмас қора доғлардан,
Халқим, толеингни халос эт мангу!

«Гаплашадиган вақтлар» Омон Матжон ижодидагина эмас, балки 80-йиллар ўзбек шеъриятида ҳам муҳим янгиликдир. Гап унинг бизда кам ёзиладиган шеърий қисса эканлигида эмас. Мазкур асар ғоявий мазмунининг долзарблигидан ташқари, адабиётимизда қарор топаётган шартли услубий тенденциянинг оригинал намунаси сифатида ҳам, яъни композицион жиҳатдан Ч. Айтматовнинг «Асрни қаритган кун» романига ўхшашроқ шаклда — воқеанинг бугунги кун, ўтмиш ва афсонавий планда параллел ривожланиб бориши билан алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу шаклнинг қўлланиши шеърий қиссанинг эпик имкониятларини кенгайтиришга қаратилган эмас. Қолаверса, асарда эпик тасвирдан кўра достонга хос лирик мушоҳада устунлик қилади. Ўқувчи диққат-назари шу куннинг воқеаларидан эллигинчи, йигирманчи йилларга, XII—XIII асрларга ва афсоналар дунёсига олиб кирилиши эса бевосита бош ғояга — «турли давр кишиларининг эътиқод ва маслаклари ҳақида баҳс» юритиш, «қирғин, урушларнинг, зулмнинг жамики кўринишларини қаттиқ» қоралаш, диний хурофотга барҳам бериш ҳамда инсоний муҳаббатни улуғлашга хизмат қилади.

Шеърий қиссанинг мавзуси хотирага бағишланган бўлиб, у қишлоқлик замондошимизнинг қисқа, аммо ибратли умри фонида очиб берилади. Асарнинг тематик доираси шу билан бирга экологик (Орол денгизини сақлаб қолиш, ғўза парваришида заҳарли дориларни камайтириш каби); хўжалик ҳаёти (қишлоқ маданиятини юксалтириш, мактаб ўқувчиларини дала ишларига жалб этмаслик ва ҳоказо) масалаларни ҳам бадиий тусда қамраб олади.

«Гаплашадиган вақтлар»нинг бош қаҳрамони Анвар — интеллектуал шахс образи. У инсоният кечмишининг туб моҳиятини англаб етиш учун марксизм-ленинизм классикларининг асарларини мутолаа қилади. Ешлигидан физика, радиотехникага ва, умуман, фан ютуқларининг инсон омилини оширишдаги ролига қизиқади, пировардида, телепатик аппарат ихтиро қилиб, аждодлар хотирасини тиклаш ва ўрганиш бўйича қизиқарли изланишлар олиб боради.

Анвар — кучли эътиқод ва фидойи қалб соҳиби. У Амударё ва Орол сувининг тобора камайиб бориши, Хоразм ерларини шўр босишининг олдини олиш учун нажот излайди; пахтазорга дори сепаётган трактор анҳорга ағдарилиб тушганида у трактор-чини қутқариш мақсадида заҳарли сувга икки марта шўнғиб чиқади ва ёш жонига завол бўлган касалликни орттиради. Анвар масъул вазифаларни эгаллаган, аммо «юқори»дан келадиган кўрсатмалардан ўзгасини билмайдиган Давлатбоев, Пошша сингари раҳбарлар фаолиятсизлигидан истироб чекади. Одамларнинг шунга қўникиб кетганлиги эса Анвар учун энг кучли даҳшат эди. У «сен менга тегма...»чилик иллатининг ижтимоий илдизини аниқлагач, шундай дейди:

...Бошқа гап бор бу ерда! Ҳа! Сен
билиб қўйки,
одамларни бир-биридан ё қўрқув,
зуғум,
ё тўқчилик, башанг ҳаёт ажратолади!
Балки бизнинг мафкурамиз
йўриқларини
кандайдир куч сусайтирган: ё ёв, ё
ғафлат!
Не сабабдан индамасдан йўл қўйиб
бердик
танимизни бурҳон, ғафлат
эгаллашига?!

Муҳаббат мавзуи Анвар образининг ҳаётийлигини оширган. Унинг Гулшанга бўлган муносабати линияси асар сюжетига тўлақонлилик бахш этган.

Хулоса қилиб айтганда, О. Матжоннинг «Гаплашадиган вақтлар» тўпламидан жой олган асарларининг асосий қисми ғоявий-бадиий фазилатлари, замон ҳодисаларига уйғунлиги ва жанговар руҳи билан ҳозирги ўзбек шеъриятининг энг яхши намуналари қаторидан ўрин олишга лойиқдир.

Исомиддин ЁРМАТОВ,
филология фанлари кандидати
Ангрен

Максуд ҚОРИЕВ

Уйланиш

ҲИКОЯ

Акам уйланадиган бўлиб қолди. Қўшни маҳаллада турадиган холам тикув фабрикасида ишлайдиган ҳамсоясининг қизини кўрсатган экан, акам унга ошиқу беқарор бўлипти-қолипти. Исми Марямиш. Шунча уйланмай юриб-юриб, уни ундай, буни бундай деб, мана охири чевар қизга кўнгил қўйди. Опам чўрткесар, тили заҳар эмасми, қариндош-уруғлар «муборак бўлсин»га йиғилишганида: «Мана, укам танлаб-танлаб ахийри тозисига учради», деб юборса бўладими? Бу ишнинг ўртасига тушган холамнинг жон-пони чиқиб кетиб: «Ҳов, Қумри, агар сен яхши бўлсанг, эрингдан чиқиб келиб ўтирармидинг, сенинг тилинг ёмон, охири бошингга етади дердим, мана энди отангга тириктовон бўлиб ўтирибсан...» деб опамни шунақа сидириб ташладики, шўрлик ўтиришга жой тополмай қолди.

Энди акамга келсак, қўлида гулдек ҳунари бор, ўзи Чинни заводида сураткашлик қилади. Рассомликни битириб, ўша ерга ишга кирган. Ҳовлимизнинг бир чеккасида эски-тускилар турадиган кичик ҳужра бўлар-ди, у ёқ-бу ёғини тузатиб, ўзига устахона қилиб олди. Уйдаги эски приёмникни ҳам ўша ерга ўрнатиб қўйди. Баъзан ярим кечагача акам билан устахонада қолиб кетамиз. Акам мен чизган суратларни кўриб: «Қўлинг анчагина келиб қолди, — деб кўнглимни кўтаради, — ўнинчини битирсанг, албатта рассомликка ўқийсан».

Акам менга яқин дўстдек, устоздек бўлиб қолган. Ишхонада кўпроқ ушланиб қолса, икки кўзим эшикда бўлиб туради. Мана, энди, акам уйланадиган бўлаяпти, буниси негадир менга ёқмаяпти. Нега десангиз, акамга жуда ўрганиб қолганман-да. Оилали бўлгач, устахонада мен билан чақчақлашиб ўтиришга вақти бўлармикин?

Акамнинг уйланишидан ҳаммадан ҳам ойимларнинг оғизлари қулоқларида, тагли-тахтли жойдан келин тушираман, деб, ният қилардилар-да. Холамнинг гапларига қараганда, қизнинг ойласи тагли-тахтли, отаси қайси бир базада каттакон бўлиб ишларкан. Қизига қўша-қўша сарполар, духоба кўрпалар-у, ипак гиламлар, дуру гавҳар, бриллиант қилармиш. Бизлар уларга тенглаша олармиканмиз? Отам техника-билим юртида бош бухгалтер бўлиб ишлайдилар, туриш-турмушимиз чакки эмас, акамнинг топиш-тутишлари ҳам дуруст. Ойликнинг бир тийинини ҳам сарфламай, ойимнинг қўлларига олиб келиб берадилар. Лекин ойимларнинг тўй-ҳашамларга, турли маросимларга қиладиган лозимандалари баъзан жонимизга тегиб кетади. Қариндошлардан бирининг келини туғса ҳам, бувасими, бувисими вафот қилса ҳам ошнинг хомини кўтариб, устига бир кийимлик нарса қўйиб кетаверадилар. Бу оила-рўзғорга таъсир қилади, албатта.

Тўй ҳам яқинлашиб қолди. Ҳар куни кечқурун дастурхон атрофига йиғилганимизда дадамнинг тили билан айтганда «мажлисбозлик» бошланса, ойимлар гапни: «Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин», дейдилар-да, кейин: «Катта жойдан қиз олаяпмиз, ахир улар тагли-тахтли одамлар, қадрига етишимиз керак», деб қўядилар. Кейин яна: «Энди, дадаси, гап бундай, биринчи ўғил уйлантиришимиз, эрталаб юртга ош беришимиз керак. Келинга икки сидралан кўйлак, пальто, махси-калиш, қудаларга сарпо, қизнинг онасига сут пули бериш ҳам қарз, ҳам фарз», деб бирма-бир айтиб чиқадилар. Катак дафтарнинг ўртасидан икки варақни йиртиб олиб, бўлажак харажатларни ҳижжалаб битта-битта менга ёздириб олганлар. Энди ўша қоғозга қараб, ҳаммасини отамнинг гарданларига юклайдилар. Тўй берадиган кун олиқ-солиқда келишиб олинган нарсалардан ташқари келиннинг уйига сарпо билан бирга ҳаммаси бўлиб ўн иккита тоғорада пиширик юборилар эмиш. Буларни эшитиб, отамнинг тепа сочлари тикка бўлиб кетди, ўзларини тутолмай, ойимларни негадир бу сафар жеркиб ташладилар.

— Ахир, улар қайтаришадику, тўй берган кунимиз ҳамма қариндош-уруғлар йиғилади, уларнинг дастурхонига тугиб бераман, — дедилар ойим отамни юпатгандек бўлиб.

— Ойи, ойи, ошнинг ёғини оқизиб, одамларга кулги бўлиб юргандан кўра, бир нарса тортиқ қилиб борсангиз бўлмайдими? — дейман ҳазиллашиб.

— Бо, гапингни қара-ю, сенга қолса битта соатни газетага ўраб, шилдиратиб бераверсам-а? Ота-боболаримизнинг удумини қилмай бўладими, ахир?

ЗАГСга борадиган кун ҳам келди. Акам отпускага чиқди. Шанба куни эди, эрта билан ўқишга кетаётгандим, ойимларнинг акамга:

— Кечқурун қуданинг уйига борасан, никоҳ ўқитишади, — деган гаплари қулоғимга кириб қолди.

— Ҳам ЗАГСга, ҳам домлага борадими? — гапга аралашаман.

— Бор, тирранча, катталарнинг ишига ҳадеб аралашаверма, — ойимлар мени жеркиб ташладилар.

Кечга яқин акамнинг заводда бирга ишлайдиган Ҳасан деган яқин ўртоғи келиб, биргалашиб келинникига борадиган бўлишди. Акам бўлажак қуда-андаларникига бориш олдидан янги кўйлак, костюм-шимларини кийиб олиб, катта кишиларга ўхшаб қолди. Ҳавасим келиб: «Мен ҳам бора қолай», деб акамга эргашдим. «Бора қол», деди акам.

Келиннинг уйи унчалик узоқ эмас экан. Еши элликлардан ошган басавлат киши чиқиб: «Келинглар, келинглар, қадамларига ҳасанот», деб бизни дастурхон тузатиб қўйилган кичик бир хонага олиб кирди. Ҳалиги савлатли киши бизга ўзини: «Келиннинг тоғасиман», деб таништирди-да, чой қуйиб, ҳаммамизга битта-битта узатди. Бир маҳал бошига салла ўраган пак-пакана домла, бир хушмўйлов киши билан бирга кириб келди. Унинг ҳурмати учун ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, салом бердик. Домла: «Ўтираберинг, ўтираберингиз», деди-ю, кейин менга: «Бу нима қилиб юрибди», дегандек ўқрайиб қўйди. Кейин фотиҳага қўл очди. Мен нима қилишни билмай, у ёқ-бу ёққа разм солдим.

— Мулла йигит, дастурхонга қараб ул-булдан тановул этиб ўлтиринг, — деди домла менга қараб ғаши келгандек. Лавлагим чиқиб қизариб кетдим. Акам юзимга тик қараб, ўқрайиб қўйди.

— Сиздан сўровим, куёв тўра бирлан қизпошшанинг исми-шарифини бир энлик қоғозга битиб олиб келиб менга берсангиз, — деди домла виқор билан.

Келиннинг тоғаси дик этиб ўрнидан турди-да, эшикка чиқиб бир оздан сўнг қайтиб кириб, хат ёзилган бир варақ қоғозни одоб билан домланинг қўлига тутқазди. Домла бир кўзини қисиб, қоғозга ёзилган исм-фамилияларни ҳижжалаб ўқигандек бўлди, кейин акамга юзланиб:

— Мени кечирасиз, сиздан сўровим бор, куёв тўра, хўш, ЗАГС қоғозингиз борму? — деб сўради.

— Бор, бор, домла почча, — акам ўрнидан туриб, костюмининг ички чўнтагига эҳтиётлаб солиб қўйган ЗАГС қоғозини олиб, одоб билан домлага узатди.

— Турманғиз ўрнингиздан, ўлтиринг, ўлтиринг, — деди домла бир нарсалар ўқий бошлади. Ҳайрон бўлдим, нега домла бундай қилаяпти, деб. Кейин қоғозни чеккага суриб, акамга савол берди:

— Сиз Салимжон Раҳим ўғли Марямхон Акбархўжа қизларини ўз ихтиёрингиз билан хотинликка олишга рози бўлурмисиз?

Мен акамнинг кўзларига тикилиб турардим. Акам негадир безовта. Йўлда келаётганимизда Ҳасан ака: «Биринчи марта хотинликка олишга розимисан, деб сўраганда дарров «ҳа» деб юбормагин, уят бўлади, йигит киши иккинчисида «ҳа» дейиши керак», деб қайта-қайта уқтирганди. Аммо бу гап акамнинг ёдидан кўтарилганми ёки бўлмаса домланинг қироатидан кўрқиб кетдими, биринчи сўровдаёқ «ҳа» деб юборди. Ҳасан таажжублангандай акамга қараб қўйди, мен бўлсам, бир оз ўнғайсизландим. Агар акам рози эмасман, деса нима бўларди, деб хаёлимдан ўтказдим. Келин бўлса, икки мартасида ҳам индамади, учинчи бор сўралганда, бир оз сукут сақлаб тургандан сўнг эшитилар-эшитилмас: «ҳа» деб юборди. Акам енгил тортгандек ўтирган жойида бир қимирлаб қўйди. Ичкарига кўз ташладим, гўё учинчи сўровга ҳам қизнинг ўрнига янгаси «ҳа» деб юборгандек туюлди менга. Хаёлимга бир нарса келиб урилди, балки

қизни акамга зўрлаб беришаётгандир, унинг ўз севгани бордир. Ундай десам, ЗАГСга чақчақлашиб бориб келишди-ю, яна сўнг қаердадир зиёфатда бўлишди. Акам ҳам анойилардан эмас, олдин қиз билан кўришиб, ишни пишиқлаб олган.

Хуллас, ҳамма расм-русумлар билан никоҳ маросими тугади. Акам чўнтагидан битта эллик сўмлик чиқариб: «Оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрарсиз», деб домлага узатди. Домла ҳам худди шуни кутиб тургандек пулни олди-ю, шошмасдан ички чўнтагига солиб, кейин уларга фотиҳа берди. Қизиқ, бир пасда шунча пул ишлаб олди-я, ахир, акамнинг ярим ойлик пули-ку! Қизиқ, нега акам бекордан-бекорга шунча пулни шартта бериб юборди? Домла бўлса, пинагини ҳам бузмади.

Якшанба куни карнай-сурнай билан тўй ҳам бошланди. Устахонани таванхонага айлантиришган. Бир кириб қолсам, опам билан Ойша холам ўша ерда



Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм.

эканлар. Нарса қўйишга жой йўқ, турли рангдаги сумкалар, сават ва тоғаралар устма-уст тахланиб ташланган, баъзилари очилиб-сочилиб ётибди. Қариндошлардан бири кетмоқчи экан, сумкасини тополмай гаранг. Опам битта тугунчани тортган эди, устма-уст қўйилган тоғаралар агдарилиб тушди. Охири аёлнинг сумкаси топилди-ю, тинчиди. Ҳалиги аёл кетгач, опам Ойша холамга:

— Ойим унинг тўйига бир кийимлик хонатлас қилиб борган эдилар, бу пасткаш бўлса, алмисоқдан қолган мато кўтариб келибди, — деб кесатиб қўйди.

Таванхонадан бошим айланиб чиқдим. Тўс-тўполонда бирорта одам маза қилиб меҳмон бўлолмагандир. Самовар қўяётган йигит маст бўлиб олиб, ким биландир жанжаллашмоқда. Бир маҳал келиннинг сепини олиб келишди. Ёстиқ-кўрпалари, катта-кичик бўхчалари майли-я, анави шифоньер, диванларни машинадан тушириб ичкарига олиб киргунча она сутимиз оғзимизга келди. Илгарироқ олиб келса бўлмасмикин-а! «Келиннинг молини ҳамма йиғилганда олиб келишсин, токи одамлар кўришсин», деган эдилар ойим. Ярим кечада келинни чимилдиқка олиб кириб кетишди-ю, қариндош-уруғлар оладиганини олиб, бола-чақаларини етаклаб уй-уйларига жўнаб қолишди. Ҳаммаёқни йиғиштириб, саранжом-сариштa қилгунимизча тонг отди. Мен қўшнилардан олиб чиқилган идиш-товоқларни эрталабгача уй-уйига ташиб чиқдим.

Икки кундан сўнг «чорлар» деган ўтди. Ҳартугул бу сафар ҳамма ғалва қудаларникида бўлди. Шундай бўлса ҳам ойим «чорлар»га деб анча нарса пиширдилар. Аммо «чорлар»да, дадамнинг тиллари билан айтганда, ойимларнинг битлари тўкилди, катта-катта тугунларни кўтаришиб, оғизлари қулоқларида қайтиб келишди:

— Мен сизларга айтдим-ку, тагли-тахтли одамлар деб, ана уй-жой, ҳовли бунақа бўпти. Тахмонларда духоба кўрпа-кўрпачалар, қатма-қат қип-қизил ипак гиламлар, вой, чинни аслобларни айтмайсизми, қиз узатган уйга ўхшамайди.

Акамнинг тўйи ёддан чиқмайдиган бўлди-да! Отам амакимдан икки минг сўм қарздор бўлгандан кейин эсимиздан чиқармиди! Пул деб ўртага бироз совуқчилик ҳам тушди. Кейин билсак, акам ҳам ўртоқларидан минг сўм қарз олган экан. Шунда ҳам ойим: «Қарз узилар, хотин ёнга қолди», деб кўнглимизни кўтарib қўядилар.

Уйимизга келин тушди-ю, турмуш тарзимизда бошқачароқ йўналиш рўй берди. Бунга, ойим айтганларидек, тагли-тахтли қудамизнинг қизи сабаб бўлди. «Чорлар» ўтди-ю эртасигаёқ келин эрталаб туриб олиб иш бошлади. Аввалига ҳамма ўтирадиган катта уйдаги эски-тускиларни ташқарига чиқариб, танча ўрнига қўйилган хонтахтани равонга жойлаб, кейин ўша ерга яхшилаб жой қилди. Катта уйга бўлса диван, стол-стуллар қўйиб, уйидан келтирган катта телевизорни чиройли қилиб жойлаштирди. Отамнинг хоналаридаги ҳамма буюмни артиб-тозалаб, китоб жавонини анча тартибга солди.

Хуллас, икки-уч кун ичида ҳаммаёқ ювиб-таралди: уйларимиз озода, шинам, игна тушса кўринадигандек бўлиб қолди.

Аммо буларнинг ҳаммаси шунчаки қаршиликсиз, силлиққина бўлгани йўқ, албатта, ойим ҳам, айниқса, опам бўлаётган ишларга ғашлик қилишарди.

Шундан кейин ойим билан опам чекка-чеккага ўтиб олиб, аллақандай сирларни пичирлашадиган одат чиқаришди. Бир куни қулоқ солдим-у, ҳайратдан ёқа ушладим. Опамнинг гапларига қараганда, кеннойимнинг мақсади — ҳамма ишни ўз қўлига олишмиш. Унинг гапи гап, дегани — деган бўлиши керак эмиш. Ойим ҳам йиғилиб қолган ҳасратларини тўкдилар:

— Ҳа, қизим, бу келинмас, бало бўлди! Биласан, даданг икки минг, уканг бир минг қарз. Буларни эртами, индинми узиш керак. Пулларимизнинг баракаси қочди. Салимжон ҳам пулининг учдан бирини олиб келадиган бўлиб қолди. Келиннинг ўзи ишхонасида ойлик олса, нега менга бир тийин ҳам бермайди?

— Ўғлингизга айтинг, тушунтирсин, қаттиқ-қаттиқ гапирсин, ҳаққи бор, у — эри! Агар индамай қўйиб берса, мана, айтди дерсиз, ўғлингизни эшак қилиб миниб олади.

Ойимнинг юраги сиқилаётганга ўхшарди:

— Мен нимаям дейман, эри нақ кафтида олиб юрибди.

Ойим бир-икки: «Келин, ундай қилманг, бундай қилинг», деб иш ўргатган бўлдилар. Кеннойим бўлса, ойимга ҳеч ёмон гапирмасди: «Хўп, ойижон» дерди-ю, ўзи билиб-билиб ишини қилаверарди.

Ҳа, кеннойимнинг серҳаракатлиги, зийраклиги хонадонимиздагиларнинг ҳаммасини ҳаракатга келтирди. Отам ҳам илгариги ҳамма ишга лоқайдликлари йўқолиб, майда-чуйдага қарайдиган бўлиб қолдилар.

Хуллас, гап тамом. Йўқ, йўқ, бир гап, ҳам муҳим нарса эсимдан чиқаёзибди. Буни ҳам билиб қўйинг. Ўзи қисқа, бир-икки оғиз.

Кечқурун ҳаммамиз йиғилиб, кечки таомдан сўнг оила даврасида чақчақлашиб ўтиргандик. Кеннойим уйга кириб кетди-да, қоғозга ўралган бир нарсани кўтариб чиқиб, эҳтиром билан отамга узатиб:

— Йиғиб қўйгандим, қарзимиздан қутулиб қўйинг, — деди.

— Нима бу? — дедилар отам ҳаяжонланиб.

— Йиғиб қўйгандим... — деди ийманибгина кеннойим. Отам олдинига: «Олмайман», деб туриб олдилар, аммо кеннойимни биласиз-ку, қўймади. Шунда менинг маҳмаданалигим тутиб кетиб:

— Дада, ойимларнинг айтганлари тўғри чиқди, — деб юборибман.

— Нима деганди ойинг? — деб сўрадилар отам бир ойимга, бир менга қараб.

— Қарз узилар, хотин ёнга қолар, — дедим.

— Ҳў, донишманд чол, — дедилар ойим ярим жаҳл, ярим кулгига олиб.

Ҳамма кулиб юборди.

Наботот оламида

Фазилатли ўсимлик

Республикамизда халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган тола берувчи анчагина ўсимликлар тури борки, улар етарли даражада ўрганилиб, самаралироқ фойдаланишга арзийди. Ана шундай қимматли ўсимликлардан бири сафсаргулдошлар (сапсаргуллилар) оиласига мансуб бўлган кўп йиллик ёввойи гулсафсардир. Бу ўсимлик фанда жунғория гулсафсари деб юритилади. Маҳаллий халқлар уни «қирқасоч», «кампирсоч» каби номлар билан ҳам атайдилар.

Ўзбекистонда ёввойи гулсафсарнинг 6 авлоди ва 30 тури уч-



райди. Улар Конимех, Навоий, Ғиждувон, Томди, Нурота, Иштихон, Поп, Чуст районларида ва Қорақалпоғистон АССРнинг қумли ва тошлоқ тоғолди чўлларида тарқалган.

Ёввойи гулсафсар тўп-тўп бўлиб ўсади. Унинг барглари қаттиқ, қиличсимон бўлиб, баъзан ёйсимон шаклда ўсади. Гули хушбўй ҳидли, оч бинафша тусли, гаровсимон. Меваси чокидан чатновчи кўп уруғли кўсакчадан иборат. Одатда май ойида гуллаб, июнь ойида мева беради. Бу даврда, айниқса, у Нурота чўлларида ўзига хос гўзаллик кашф этади.

Ёввойи гулсафсарнинг тупроқ остидаги танасида 10—15 сантиметр келадиган фибр деб аталувчи тола ҳосил бўлади. Баргидаги толаси ҳам бошқа ўсимлик толасидан анча пишиқ (масалан, зиғир толасига нисбатан 3 баробар мустаҳкам) бўлади.

Ёввойи гулсафсар маҳаллий халқлар томонидан турли мақсадларда фойдаланилади. Айниқса, барг ва таналари чорва моллари учун жуда яхши ем-хашак ҳисобланади. Барги «С» витаминига жуда бой. Табобат илмининг отахони Абу Али ибн Сино гулсафсар уруғидан турли касалликларни даволашда фойдаланган. Унинг пишган уруғи майдаланиб, ёғ билан аралаштирилгач, суюқ ҳолга келтирилади

ва яранинг тезроқ битиши учун тананинг оғриқ жойига суртилади. Унинг тупроқ ости танасида 20,9 фоиз крахмал ва шу миқдорда карбонсувлар борлиги аниқланган. Илдиз поясидан парфюмерия ва медицинада ишлатиладиган хушбўй модда олинади. Ана шундай модда берадиган ва қуритилган илдизпояси одатда «гунафша илдизи» деб аталади. Танасидан бўёқ учун зарур моддалар ҳам олинган.

Бу ўсимликнинг, айниқса, толаси (фибраси) халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир республикамизда бу ўсимлик хом ашёси билан ишлайдиган корхоналар мавжуд бўлса-да, лекин бу иш эҳтиёж даражасида йўлга қўйилмаган. Одатда, кишилар бу ўсимлик толасидан арқон-қоплар ва бошқа буюмлар тўқишда, эгар-жабдуқ ва тўшак тайёрлашда фойдаланганлар. Корхоналарда ундан ўн уч хил пол ювадиган, уй супурадиган, кийим тозалайдиган, кир ювадиган, бўяшда ишлатиладиган ҳамда техникада қўлланиладиган чўткалар тайёрланади. Унинг толаси намга жуда чидамли бўлиб, чиримайди. Шунинг учун маҳаллий аҳоли уни лойга аралаштириб деворларни, томларни сувайди. Тандир ясаладиган лойга аралаштирилганда, уни мустаҳкам қилади.

Ёввойи гулсафсарнинг тупроқ остидаги тола берувчи қисми октябрь, ноябрь ойларида яхши пишиб етилади. Ана шу даврда кўплаб тола тўплаш мумкин бўлади.

Исмоил БОБОХЎЖАЕВ,
ботаник,
Юсуф ҚУРБОНОВ,
биолог

Самарқанд

ХАРИТАГА ТУЗАТИШ КИРИТИЛАДИ

Аргентиналик олимлар ўз мамлакатининг Чили чегарасига яқин бўлган шимоли-жанубидаги Охос-дель-саладо вулқонининг энг чўққисига чиқишиб, кутилмаган янгиликни кашф этдилар. Вулқон аввал ҳисоблаб келинган баландликдан кўра 141 метр юқори, денгиз сатҳидан 7 минг 100 метр баланд экан. Демак, «Америка томи» деб овозаси кетган Аконгуа тоғи (баландлиги 6 минг 960 метр) энди биринчи ўриндаги мавқеини йўқотди. Қомусларга, географик хариталарга ва турли луғатларга тузатиш киритиш керак: Америка қитъасининг энг баланд чўққиси — бу Охос-дель-саладо вулқонидир.

ТЕРАНЛИК—СЎЗ ИСТИҚБОЛИ



Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
филология фанлари кандидати

Донишманд шоир Мақсуд Шайхзода: «Шеърсиз кўчани толе қарғаган», деган эди. Дарҳақиқат, у шундай файзсиз, зиёсиз кўчаки, «ҳатто деразадан қуёш боқмайди». «Бу жойда севгининг манзили» бекилиб, армон ва умиднинг қоматлари эгилган. Шоирнинг толе қарғишига йўлиққан ўша кўча аҳли устидан ўқилган «Шеърсиз қалбларга ачинаман мен» ҳукмига тан бермаслик — бу ҳам ачинишга маҳкумликдир.

Шеъриятнинг инсон қалбида қандай ўрин эгаллаши, оммани қанақа ғоявий юксакликларга чорлаши, қай хилдаги ҳаётий воқеа-ҳодисалардан сабоқ чиқаришга даъват қилиши тўғрисида турли-туман фикрлар мавжуд. Огаҳий эътирофига кўра, «шеър — яхшилар шиори». Айни пайтда шеър дунёдаги барча яхши ва некбин кишиларнинг юрагини битта жойда бирлаштирадиган улуғ куч ҳам саналади. Ва у узлуксиз равишда одам сийратини шеъриятдан руҳан йироқ ҳиссиз кимсалар — темир табиат зотлардан узоқлашиш майллари билан бойитиб боради. Шу йўналишда шеърият халқ руҳиятига нечоғлик зўр таъсир ўтказолса, кўпчиликнинг эътиқодини қанчалик тарбиялай олса, ўшанча фаолликка эришган ҳисобланади. Шеър — шоирнинг дил рози, унинг овоз зарбларини кўнгилдан кечира олганлар — эзгулик аскарлари. Улар шеър маслагини тушунадиган, дардкаш кишилар. Жоҳил ва нокас кимсалар эса, бутун борлиғи билан мана шу одамларга қарши гуруҳ. Бу — оломон. Хўш, оломонга хос асосий хусусиятлар нима? Гумроҳлик ва жаҳолатми? Ёки нафсу таъмага тобеликми? Ҳа, биринчи навбатда нафсга қарамлик. Бу ҳақда Юсуф Хос Ҳожиб ёзади:

Авом қайғуси барча қорин учун,
Одам ташвиши барча бўғзи учун.
Талай халқ ўлиб кетди ўз нафси деб,
Қора ер тагида ётурлар бутун.

Оломон ҳамиша ва ҳамма асрларда гўзаллик ва нафосатга бефарқ қараган ёки ёт назар билан боққан. Улуғ Пушкин: «Даф бўлинг, эй муҳтожликка ғарқ, Ақли қосир, фаросатсиз халқ!» дея қаҳр сочганида фойда ва бойлик, мансаб ва манфаатнинг ашаддий мухлиси — оломон вакилларини нишонга олган эди. Петрарка ва Данте, Байрон ёхуд Шелли шеърларини ўқиганда, ҳар қандай киши, шоир дилига оломон қандай ва қай йўсинларда жароҳат етказишини дарров ҳис қилади. Бу ғаддор гуруҳ Ватан ишқи, қалб, ҳақиқат ва абадият муаммоларини айтарли хаёлга келтиришмаган. Шунинг учун ҳам Нозим Ҳикматга ўхшаш шоирлар мана нималар деб ҳайқиради: «Ҳа, мен Ватан хоиниман, Сиз ватанпарвар бўлсангиз. Агар Ватан — сизнинг уй-мулкингиз бўлса, агар Ватан — сизнинг киссаларингизда, чек дафтарчаларингизда бўлса... Агар Ватан — сизнинг манфаат ва ойликларингиз бўлса, уч устунда бош ҳарфлар билан ёзинг: Мен Ватан хоиниман...» Навоийнинг форсий қитъаларида ҳам муросасиз оҳанглар етакчи мавқеда туради. Бу — улардаги ички ғоявий нурланишнинг асосий манбаларидандир. Навоий форсий бир қитъасида шеър, шоир, ўқувчи ҳақида қисқа, лекин чуқур маъноли фикрларни акс эттиради. Аввало, мазкур қитъада «Шеър нима?» саволига бундай жавоб бор:

Шеър холи кардани дил гашт аз
андуҳи дард,
Хоҳ аз бад сийратон, хоҳи зи некў
суратон;

яъни: хоҳ бад сийрат — ичи чиркин, хоҳ нек сурат — суврати яхшилар бўлсин, шеър — юракни андуҳи дарддан бўшатишдир. Ғам юки кўчмагунча шоирда ҳаловат йўқ. «Дил чу холи гашт қоил ҳам ба мақсудаш расид». Демак, дилдан қайғуни фориғ этиш, азобли қалбни суяш — айтувчининг мақсадга эришишидир. Бу тушунчага оқил ва фозилларгина шубҳа билдирмасликларини таъкидлаб, Навоий яна давом этади:

В-он, ки даъво кард, бошад бир акобир
даъвияш,
Ҳоша лиллаҳ кори дунон бошаду
беҳурматон...

Байтнинг мазмуни: «Буни кимки даъво қилган бўлса, даъвоси доно ва эътиборли шахсларга, тангри сақласинки, бу — разил, ҳурматсизларнинг иши эмас». Ҳазар қилиб тилга олинаётган идроки кўр кимсаларга оид мазкур фикрлар Навоийнинг форсий қитъаларидаги оломон намояндаларига билдирган дастлабки муносабатидир. Буюк шоир яна ҳам изчилроқ фикрий йўллардан бориб, бу масаланинг моҳият белгиси ва манзараларини очишда шеърий образ, восита, ташбиҳ ва қиёслар излайди, зарур сўз, бўлиғ оҳанглар топади:

Аз авоми тирайи пурҳирси дунё дур
бош,
Гар ҳамехоҳи, ки гардад сад
машаққат аз ту рафъ,
Дур будан беҳ зи ғафғои магаз з-он
рў, ки ҳаст
Беҳадад ранж аз ҳужумаш лек не
имкони нафъ!

Илк мисрадаёқ оломоннинг ким ва қанақалиги аниқ характерланади: биринчидан, у «авоми тийра» — бутун борлиғи билан зим-зиё, иккинчидан «пурҳиси дунё» — вужудида ҳирс, нафс ғалаёни ҳоким таъмапараст. Машаққат ва азоб тўла даҳрда унга яқинлашишдан зиёд қийноқ, ортиқроқ руҳий ранж йўқ. Шоир иккинчи мисрада «Гар ҳамехоҳи, ки гардад сад машаққат аз ту рафъ» — юз машаққатдан қутулишни хоҳласанг, ундан — ақли, шуури қоронғу оломон намояндасидан йироқ бўл, деб ўгит беради.

Мазкур қитъа тамсил усулида битилган. Дастлабки байтдаги муддао ҳали умумий, замирида даъват руҳи бор холос. Шеърхонни асосий мақсадга буткул инонтирмоқ учун «магас» — пашша образи танланади. Чунончи: оломон мисоли пашша, ғавғосидан узоқлашиш шарт, ҳужумидан адад зиён етса-да, кишига ундан заррача нафъ имкони бўлмайди.

Англашилмовчилик туғилмаслиги учун бир нарсани қайд этиб ўтайлик. Мутафаккир санъаткорлар халқдан ажралиш, ўзини элдан устун қўйишни оғир гуноҳ, катта кулфат деб билганлар. Мирзо Бедил ёзади: «Аз халқ берун гаштан зиндаги нест, мурдан



Алишер НАВОИЙ портрети. Маҳмуд Музаҳҳиб чизган

аст» — «Халқдан ташқарида бўлиш тириклик эмас, ўлимдир». Оломон эса, улкан ҳақиқати йўқ майда тирикчилик ташвишларию эришган муваффақиятларига банди, турли миш-миш, кўзи очиқ кўрлик, турфа қабоҳатлар ташвиқотчиси. Оломон — халқ мавқеига кўтарилмаган, айтиш жоизки, Ватан нафратига йўлиққанлар тўдаси. Сенека каби қадим давр файласуфлари ҳам: «Оломонга қизиқ бўлган барча нарсалардан қоч!» деб бежиз рағбатлантиришмаган. Ва юқоридаги қитъада аксини топган Навоийнинг умумий нуқтаи назари Сенека даъватига жуда уйғун келади. Хуллас, Ватан ва халқ, жаҳон ва инсоният манфаатларини муҳофаза этган барча шоирларда юлғич ҳамда мute дастёрлардан халқ шаъни, ғурурини кескин ажратиш, юрт ўтмиши, истиқболи дардида оломон билан сира келишмаслик туйғуси ғоятда тараққий топган бўлади.

Юксак идеалларга беҳад орзуманд, табиатан некбин, сўнгги нафасигача оғир, аммо ёруғ фикрий заҳматларга бардошли, меҳнаткаш, руҳан ҳур, жасур ва курашчан, маънавий камолотидан қониқмаган шахслар бирлиги бу — халқ. Халқ — бу, қонида минг йиллик аждодларнинг олий хислатлари мерос кўчган, хотираси тарихдан узилмаган, она тили қисматига масъул, замонасининг илғор кишилари бирлигидан таркиб топган порлоқ тушунча эканлигига Навоий қитъалари одамни қаттиқ иноитиради. Бу тенгсиз шеърият инсонга яшаш бурчи, тириклик завқи, умр фалсафасинигина эмас, фонийлик хаёлларидан ҳам чекинмаслик, чўчимасликни ўргатади. Ҳаёт ва ўлим мавзуларидан юз бурган адабиёт — инсониятга душман ёки юзаки фикрлаш, ичи бўм-бўш тантанаворликка йўлиққан ночор адабиёт. Шарқ шеъриятида ишқ ғояси кўпинча ўлим туйғулари билан боғлиқ йўлларда талқин этилганлиги аён, бу мураккаб ва қадимий мавзу шеърият ҳамда фалсафа ўртасида ҳам ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган эди. Навоийнинг рубоийларидан бирида ўқиймиз:

Ҳар кимки ўлум сўзин демак фан айлар,
Ўз ҳолиға бу сўз билан шеван айлар.
Таврин сулук ичинда аҳсан айлар,
Ким, руҳни ўлмак сўзи равшан айлар.

Шак-шубҳасиз, тўртликдаги овоз — ўн бешинчи аср мутафаккир шоирининг овози. Бу, хусусан, «Таврин сулук ичинда аҳсан айлар» сатрида аён эшитилади. Аммо энди Навоий «авоми тийра» деб қоралаган бандаларнинг толеини қайта бир эсга олиб, ўйланг. Ҳеч бўлмаганда, «ўлмак сўзи»дан уларнинг руҳияти ёришганида Навоий «Аз авоми тирайи пурҳирси дунё дур бош», демасди-ку! Чунки, шоир тасаввурида улар даҳр саройида «баҳри хўрдану хуфтан» — «еб-ичиш ва ухлаш учун» келганлар. Улар «дар хоки сияҳ» — қора ерга беиз ғойиб бўлувчи «дўл»га ўхшайдилар. Навоий оломонни назар-писанд қилмасликда алоҳида хосият кўради, бунинг уддасидан чиқолган шахс: «Бувад дур аз тариқи дардманди» — бошоғриқликлардан халос бўлади, дейди. Савол туғилади: «Кимлигидан қатъий назар одам наслига ҳурматсизлик худписандлик эмасми?» Йўқ, мутлақо бундаймас! Инсонни бошқа ҳар қандай ҳайвондан фарқловчи дастлабки муҳим нарса — фикр, яъни тафаккур меҳнати. Аристотелдан «Фикрли билан фикрсиз одам қандай фарқланади?» деб сўраганларида, «Ўлик билан тирик қандай фарқланса, худди ўшандай» дея жавоб қайтарган экан. Халқ тафаккурининг фикрий таркибини ташкил этадиганлар қаршисида оломон ҳам бамисоли мурдадир. Шунинг учун Навоий оломонни эмас, халқни назар-писанд қилмасликни худписандликнинг дояси сифатида таърифлайди:

На чандон аст написандидани халқ,
К-аз инаш лозим ояд худписанди.

Навоийнинг бир туркум қитъалари — ёлғизлик ҳислари, ёлғизланган қалбнинг оғриқ ва ҳасратлари акс эттирилган шеърлардир. Инсонийлик туйғулари, яхшилик умидлари ва некбин орзуларни тубдан пажмурда этиб ташлайдиган ёлғизлик бор. Бундай ҳолатда кишида нафрат ва бадбинликдан ўзга суянч, бошқа илинж қолмайди. Шахс ичдан ўзини емираётганлиги туфайли мешчан, ғаразгўй, ҳасадчи, товламачи кимсага айланади. Навоий қитъаларидан бирини нега «Душманат гал ҳасуд шуд нек аст» — «Душманинг ҳасадчи бўлса яхшидир», деган сўзлар билан бошлаган? Чунки ҳасадчи ботиний танҳоликда ўзини ўзи нобуд этишгача бориши мумкинлигини шоир ҳаққоний пайқаган ва ёзган:

Феъли ў ёру душманаш бошад,
Аз паи қасди жисму жони худаш.

Навоий лирик қаҳрамони қўмсаган ёлғизлик тамоман бошқа нарса. Бу — олий орзу, инсоний мукаммалликка эришиш талабчанлигидан туғилган танҳоликдир. Бу лирик характернинг «дар ҳарами танҳойи» — «ёлғизлик ҳарамида» ватан қилиш сабаблари турлича шарҳланади. Булар: жаҳон ва жаҳон халқидан қочиш — «Гурехтан талабам аз жаҳону аз халқаш». Зеро, дарёга чўмиб ахтарсанг ҳам ҳақиқий одамни учратиш душвор. Гўёки ер юзидан инсон ғойиб бўлиб кетгандай: «З-он ки аз рўи замин гум гашта жинси одами». Мабодо, таъбга мувофиқ ёр дуч келгудай бўлса ҳам, фироқ барибир жоннинг душмани:

Ва гар табъи туро афтод мувофиқ,
Ҳалоки жон шавад доғи фироқаш.

Шунинг учун олам аҳлидан вафо кутмаслик лозим, ҳеч бири вафо умидига яраша бўлмайди:

Мадор чашми вафо аз халойиқи олам,
Ки ҳеч як ба умеди вафо намешояд.

Ушбу сўзлар шеърхонни нимага чорлайди? Ноумидлик ва ҳеч бировдан вафо истамасликками? Юзаки қаралганда шундай. Туб моҳиятан эса, бундай шоирона сўзлар одамийлик матлаби тўғрисида шу даражада ўйлатиб, вафо ва садоқатга сиғинишни шу қадар шарт қилиб қўядики, уларни ўқиган илғор китобхон хаёлида беихтиёр: «Хўш, мен ўзим кимман? Инсонийлик меҳр ва вафо билан ўлчанмаса, нима билан белгиланади? Чин ҳаётий ҳасратга айланган ёлғизликнинг асл маъноси нима? Нега оташин шоирлар «Елғизлигим, сендан ўзга кимим бор?» қабилидаги фикрларни изҳор этишади?» сингари қатор саволлар юзага келади. Демак, шеър, бир лаҳза бўлса-да, Шахснинг ўз қалби билан ўзи олишувига, сийратидаги муқим ва номуқим хислатларни тафтиш этишига имкон очади. Бу — муҳим. Негаки, шеърхон нигоҳини унинг ўз ичига, қалб диёрига қаратишга хизмат этадиган шеър — ҳақиқий шеърдир. Масалага шу жиҳатлардан ёндашилса, Навоий шеъриятидаги бугун бизга эскирганроқ туюладиган айрим ғоявий оҳангларнинг эскирмаганлиги, тарбиявий аҳамияти дарров равшанлашади.

Навоийнинг айрим форсий қитъалари худди ўзбекча қитъаларининг таржимасига ҳам ўхшайди. Масалан, «З-ошноён он қадар ранжу алам дидам, ки нест...» деб бошланадиган шеър шоирнинг ўзбек тилида ёзилган қуйидаги байтлари мазмунидан деярли фарқ қилмайди:

Менки ўлдум даҳр элига ошнолиғ ранжидин,
Қилмағаймен, ошнолиғ, гар Масиҳ ўлсун, яно.
Ошнолардан, тилармен, айласам бегоналиғ,
Қайда мумкин бўлмоғим бегоналарга ошно?

«Девони Фоний»даги қитъаларнинг мавзу ва фикр кўлами шулардангина иборат эмас, албатта. Улардан бири бизга халқ олдида истиғно билан шеър ўқийдиган ҳавойи шоир аҳволини шарҳлайди. Иккинчиси, бўлар-бўлмас шеърни мукаммал деб баҳолайверадиган олимнинг маддохлик касалига гирифтор — диди нўноқ эканлигини англатади. Сахийлик фалсафасига бағишланган, таъма домига тушган қалб ҳеч вақт озод нафас ололмаслигига урғу берилган қитъалар ҳам жуда мароқ билан ўқилади.

Навоий ижодий меросини ўқиш, ўрганиш — бу, буюк меҳнат, туганмас фикрий иш жараёни. Ҳар бир авлод Навоийни ўзича мутолаа қилади, ўзини қизиқтирган ахлоқий, фалсафий, маънавий муаммолар эҳтиёжига қараб Навоий шеъриятига интилади. Шунда ғўёки улуғ санъаткор адабий, илмий фаолиятининг барча қирралари англашиларли, унда унча сир, очилмаган фазилатлар қолмагандай туюлади. Орадан неча ўн йиллар ўтади. Мана энди, Навоийни тушуниш, унинг Руҳ дунёсидан юксакроқ манзилларни эгаллашга олдинги билим ва қарашлар мутлақо камлиги шундай сезилиб қолади. Ҳозирги ривожланган даврда энг камёб нарса, оламга янгича назар, янгича фикрлаш билан қараш эканлиги қайта-қайта таъкидланаётир. Бас, шундай экан, янги ҳаётий, ижтимоий, маънавий тажрибалар Навоийни бошқача ўқиш, шоир асарларини бошқача зийрак нигоҳда варақлаш зарурлигини ҳам тақозо этади. Чунки Навоий абадулабад ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамқадам илгарилайдиган даҳолар даврасида яшайди.

Муборак МЎМИНОВА



ОНАЖОН

Гуноҳимни кечир деб айтдинг,
Йўқ, Онажон, айбдорсан нечун?
Сен кечиргин, қалбинг тўрида
Бир армондек қолганим учун.

Гуноҳинг не? Тунлар бошимда
Алла айтиб ўлтирганингми?
Гуноҳинг не? Хаста қалбимни
Умидларга тўлдирганингми?

Не иложки, бу ҳаёт менга
Тўлиқ бахтни кўрмапти раво.
Тўлғанаман тунлар гоҳида,
Бемор қалбга йўқ экан даво.

То тирикман, Она, меҳрингни
Кўз-кўз этгум кўкда қуёшга.
Сени хушнуд кўрмоқ учун мен,
Айланурман метин бардошга!



МАЙСА

Азал-охир интилгандек
Инсон нурга, зиёга,
Митти майса кўз очмоқда,
Завқ-ла боқиб дунёга.

Бу ҳаётда нелар кутар,
Бари унга қоронғу.
Етишгани ёмғир бўлар,
Балки аччиқ бир оғу.

Қани, қуёш, нурларинг соч,
Митти майса қошида.
Унга фақат меҳр керак.
Шу мурғаклик ёшида!

ЯНГИ ҲАЁТ КУРАШЧИЛАРИ

1920 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ишчи-деҳқон аёлларининг I съезди Совет Шарқи хотин-қизлари турмушида, сиёсий онгининг шаклланишида муҳим, тарихий омил бўлди. Съездда ўртоқ М. В. Фрунзе нутқ сўзлаб: «Маҳаллий миллат аёлларининг озодликка чиқишида бу съезд зўр туртки бўлади», деб катта ишонч билдирган эди.

Съезд кун тартибидаги масалаларга болалар боғчалари, ясли ва клублар очиш йўли билан хотин-қизларни фойдали меҳнатга тортиш, уларнинг халқ хўжалигидаги ролини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш руҳи сингдирилган эди. Анжуман иштирокчилари доҳиймиз В. И. Ленинга мактуб йўллаб, ўзларининг меҳр-муҳаббатларини изҳор этдилар.

Съезд делегатлари доҳийнинг «Совет ҳокимияти томонидан бошланган бу иш бутун Россияда ҳаммаси бўлиб юзларча хотин-қизлар ўрнига, миллион-миллион хотин-қизлар иштирок қилган вақтдагина илгарига қараб қадам боса олади», — деган башоратини қалбларига жо қилиб олдилар. Улар жойларда хотин-қизларни йиғиб, съезд қарорларини оммавий муҳокама қилдилар.

Ҳа, Совет Шарқи аёлларининг ҳақ-ҳуқуқи ҳамиша партия ва ҳукуматимиз эътиборида бўлиб келмоқда. Бу эътибор дастлаб 1918 йилда биринчи Совет никоҳ ва оила кодексининг тасдиқланиши билан амалий тус олди. 1921 йил 14 июнда эса Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети томонидан қалинни бекор қилиш ва никоҳ ёшини ошириш тўғрисидаги декрет ишлаб чиқилди. Лекин, мамлакатнинг шарқий қисмида, хусусан, Туркистонда бу қонунларни жорий этиш ниҳоятда мураккаб эди. Бунга маҳаллий халқ онгидаги патриархал-феодал муносабатлар, хотин-қизларнинг саводсизлиги халақит берар эди. Социализмнинг душмани бўлган бой ва уламолар, босмачилар, муллалар аёлларнинг саводсизликни тугатиш мактабларида, сиёсий-оқартув муассасаларида савод чиқаришларига турли йўллар билан тўсқинлик қилар эдилар. Бироқ шарқ хотин-қизларининг эзгулик сари интилишларини партия ва ҳукуматимиз ҳар томонлама қувватлади, бунинг учун тегишли шароитлар яратиш тадбирларини кўрди. Аёлларнинг саводхонлигини, ижтимоий онглилигини қарор топтиришда хотин-қизлар клублари муҳим роль ўйнади. Бундай клубларни Клара Цеткиннинг «Революцион кучлар тўпланадиган пункт» деб аташи ҳам бежиз эмас эди.

Республикамизда биринчи хотин-қизлар клуби 1924 йилда Тошкентдаги Эски Жўвада очилди. Клуб қурилишида Йўлдош Охунбоевнинг ўзи бевосита қатнашиб, қурилиш пойдеворига биринчи ғиштни қўяди. Ўша маросимга бағишланган митингда инқилоб фидойиларидан бири — ўзбек аёли Жаҳон Обидова ва Казакова хотин-қизларга қарата оташин нутқ сўзладилар. Клубнинг очилиши эса байрам тантанасига айланиб кетади: ўша куни биринчи марта олти нафар ўзбек аёли зулмат пардаси бўлган паранжини ўтга улоқтирди. Улар орасида Себзор маҳалласида яшовчи Фотима Тошмуҳамедова, Чорсу маҳалласидан Каромат Сабихова, Марҳамат Мирхўжаева ҳамда Сақичмон, Қўштут, Узгат маҳаллаларидан келган оналар бор эди. Хотин-қизлар клубига Ольга Михайловна Попова мудира қилиб тайинланади. Тўққиз кишидан иборат клуб Совети сайланади. Дастлабки кунларда клубга келувчи хотин-қизлар икки-уч нафардан ошмас эди. Клуб фаолларининг олиб борган тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида 1926 йилга келиб клуб аъзоларининг сони 496 нафарга етди. Хотин-қизлар клуби қошида ташкил қилинган саводсизликни тугатиш тўгарагига 34 нафар хотин-қиз жалб этилди. Тешик қопқоқ маҳалласида истиқомат қилувчи Хосият Абзалова улар орасида энг фаоллардан эди. Афсуски, нур сари умид билан интилган бу ёш жувонни Йўлчибой деган жоҳил эри 1928 йилда ваҳшийларча ҳалок қилди. Бундай фожиали ҳоллар бир эмас, бир неча марта юз берди. Лекин янги ҳаёт учун курашга бел боғлаган шарқ аёлларининг иродасини ҳеч бир куч бука олмади. Клублар қошида ташкил қилинган турли тўгаракларга қатнашувчилар сони тобора ортиб борди: дастлаб 31 хотин-қизни уюштирган бичиш-тикиш тўгараги ҳамда турли маҳалла хотин-қизларидан тузилган 12 кишилик концерт бригадаси ташкил қилинди.


М. И. Калинин 1925 йили Тошкентга келганида хотин-қизлар клубида ҳам бўлиб: «Бу клубда врачлар маслаҳат беришаркан. Узбек оналар болалари билан тарбия хусусида маслаҳат бераётган врач ҳузурига келишаркан. Мен буни жўнгина бир нарса деб ўйлагандим. Лекин клубга келгач, у ерда ўнтача паранжили ўзбек аёлларини кўрдим. Улар болаларини олиб келишган, врач уларни қандай тарбиялаш, қандай овқатлантириш кераклиги ва ҳоказоларни тушунтирар эди. Катта сиёсатдонликка ўрганиб қолганлар бу майда ишга аҳамият бермайдилар. Аслида бу, менингча, жуда улкан иш. Маданият деган нарсанинг худди ўзгинаси», деб клуб ишига юксак баҳо берган эди.

Биринчи беш йилликда хотин-қизлар клуби шаҳардаги 163 та маҳаллада маданий-оқартув ишларини олиб борди. Шу вақт ичида 3 минг 280 нафар хотин-қиз чимматдан фориғ бўлди.


Бундан роппа-роса 60 йил бурун фаол ўзбек хотин-қизларининг ташаббуси билан бошланган «Ҳужум» ҳаракатида хотин-қизлар клубларининг роли катта бўлди. Бу ҳаракат шарқ хотин-қизлари ҳаётида социализм учун курашнинг ўзига хос янги босқичи бўлиб, у ўша вақтда ўтмиш қолдиқларига қарши курашнинг оммавий шаклига айланди.

«Ҳужум» ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири, 1930 йилдан КПСС аъзоси, Чиннихон ая Иброҳимова ўша суронли йилларни шундай хотирлайди: «Ҳар бир аёлнинг «очилиши» ўзи бир инқилоб эди. Умуман, «Ҳужум» йиллари ўз мавқеи, сиёсий аҳамияти жиҳатидан Ўрта Осиёда


КОГОН ДЕПОСИДА



Пульт навбатчиси Равшан Жабборов.



Локомотивлар сафарга шай.



— Паранжи, куйиб кул бўл!.. (1927 йил)

Улуғ Октябрь шарофати билан рўй берган ўзига хос бир инқилоб бўлди. Хотин-қизлар паранжиларини ўтга ташладилар. Хурофот, бидъат, чўрилик, тенгсизлик, ҳуқуқсизлик барчаси паранжи билан бирга ёниб кетган эди...»

Оловли йилларда хотин-қизлар озодлиги учун синфий душманлар билан мардонавор курашганларнинг олдинги сафида Қизил Армия жангчи аёли Майна Ҳасанова, биринчи ўзбек артисти Нурхон, гражданлар урушининг иштирокчиси Розахон Назарова, хотин-қизлар озодлик ҳаракатининг фаоллари Шамсиқамар Ғойибжонова, Жаҳон Обидова, Фарғона комсомолларининг етакчиси, Марғилон хотин-қизлар клубининг мудираси Саиданисо Шокирова, халқ ўқитувчиси Ҳабиба Юсупова ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан миллий қаҳрамонлар сифатида элга танилдилар. Уларнинг шарафли ва мардонавор ҳаёти бугунги ёш авлод учун ибрат бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу куннинг талабидан келиб чиқиб мулоҳаза қиладиган бўлсак, эътиборимизни кўпроқ қишлоқ жойларида меҳнат қилаётган хотин-қизларга кўрсатилаётган маданий хизмат даражасига қаратишимиз зарур. Бизга маълумки, республикамиз қишлоқларида жуда кўп аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ клублари қишлоқ ёшлари ва хотин-қизларининг коммунистик дунёқарашини шакллантирадиган маданий марказлардан ҳисобланади. Чунки қишлоқда шаҳардаги каби турли маданият ўчоқлари — цирк, театр, концерт заллари ва истироҳат боғлари ҳали йўқ. Шундай экан, жойлардаги қишлоқ маданий-оқартув муассасаларининг тармоқларини кўпайтириб, иш мазмунини тубдан янгилаш зарур. Колхозчи опа-сингилларимизнинг ишдан бўш вақтларида кўнгилли дам олиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишларини таъминлаш лозим. Бунинг учун эса клублардаги турли тўгараклар ва халқ университетларининг ишини оммани қизиқтира оладиган даражада ташкил қилиш керак. Маълум бир ҳунарга эга бўлган хотин-қизларни бўш вақтларида клубларга жалб қилиш ҳам фойдалидир. Масалан, каштачилик, миллий гиламдўзлик, дўппи тикиш каби халқ амалий ҳунармандчилигини клублар қошида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турган атеистик тарбияни клублар воситасида қишлоқ хотин-қизлари ўртасида тубдан жонлантириш лозим.

«Республикамизда диннинг, айниқса, ислом динининг зарарли эканини кенг тушунтириш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда, — деб уқтириб ўтилди Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III Пленумида (1986 й.). — Бунинг натижасида диний маросимлар камаймаяпти. Ёшлар, хотин-қизларнинг талайгина қисми, зиёлиларнинг баъзи вакиллари мусулмон анъаналарига асир бўлиб қолмоқдалар».

Демак, ҳар бир маданий-оқартув муассасасида атеистик ва интернационализм руҳидаги тарбия ишлари тубдан кучайтирилиши зарур. Бунинг учун эса таълим-тарбиянинг жанговор ўчоғи — клублар ишини тубдан яхшилаш керак.

Ибодулла ҚУНҒИРОВ,
Тошкент Давлат Маданият институтининг ўқитувчиси



Машинист Комил Каримов ва комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Аширқул Муқимов маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.



Труба цехи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, цех партия ташкилотининг секретари Қўчқор Юсупов.

А. Жданов фотолари

Мафкуравий кураш жабҳаларида

СИОНИЗМ — халклар душмани

Империализмнинг агрессив сиёсати тобора ҳаддан ошмоқда. Ҳокимликка интилиш, зўравонлик, босқинчилик, терроризм, бошқа халқларни таҳқирлаш қаттол сионизмнинг асосий йўлидир. Қонхўр сионизмнинг бундай тажовузкорлиги авжга минмоқда. Сионистлар ўзларининг мудҳиш мақсадларини амалга ошириш учун ҳар йили 500—600 миллион доллар сарфламоқдалар. Бу ишларни улар империализм маддоҳларига суянган ҳолда олиб бораётгани сир эмас. Улар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳақида турли иғво ва бўҳтонларни тарқатмоқдалар, қардош халқлар ўртасига нифоқ солишга уринмоқдалар. Исроилдаги «фаровон ҳаётни» кўкларга кўтариб мақтаб, Совет Иттифоқида яшайдиган яҳудийларни «жаннат»га таклиф қиладилар, посилкалар, қалбаки таклиф қоғозлари юборадилар, бўҳтону фитнадан иборат адабиётни тарқатиш билан шуғулланадилар, ёлғончилик ва туҳматчиликни ишга соладилар. Америка империализми ёрдами билан «Исроил овози» ва шунга ўхшаш радиостанциялар кечаю кундуз вайсагани-вайсаган. Улар «Яҳудийлар Исроилга келишлари керак», «Исроилга келинглар, бу ерда бошқа мамлакатлардагидан кўра турмушингиз яхши бўлади», деб ваъзхонлик қилибгина қолмасдан, ўзаро тинч-тотув яшаётган қардош халқлар орасида миллатчилик кайфиятларини келтириб чиқаришга ундамоқдалар. Бунинг учун улар эфир тўлқинлари орқали иврит, идиш, рус тилларида ва ҳатто грузин, ўзбек ёки бошқа тилларда ҳам иғвогарона эшиттиришлар олиб борадилар. Сионистларнинг асосий мақсади СССРда, хусусан Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатни бузиб кўрсатишга, яҳудийларни мамлакатимиздаги бошқа миллатларга қарши қўйишга ва шу билан совет халқларининг бирлигини сусайтиришга қаратилгандир. Радиоэшиттиришларда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш ниқоби остида ана шундай риёкорлик сиёсати олиб борилади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси асрлар мобайнида эзилиб келган миллат ва элатларни, жумладан меҳнаткаш яҳудийларни ҳам озодликка чиқарди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг катта ғамхўрлиги натижасида барча қардош халқлар қаторида яҳудий миллатига мансуб меҳнаткашлар ҳам ишлаб чиқаришга, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларига жалб этилганлар. СССР Конституциясига мувофиқ улар бошқа миллат вакиллари сингари меҳнат қилиш, маърифатли бўлиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқларига баббаравар эгадирлар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев 1985 йилнинг сентябрида Франциядаги ТФ-1 телевизион компанияси журналистлари саволларига берган жавобида шундай деган эди: «Яҳудийлар бошқа бирон-бир мамлакатда бизнинг мамлакатимиздагичалик сиёсий ва бошқа ҳуқуқлардан фойдаланаётган бўлсалар, мен буни қувонч билан эшитган бўлур эдим. Мамлакат бутун аҳолисининг 0,69 процентини ташкил қилувчи яҳудий аҳоли мамлакатнинг сиёсий ва маданий турмушида камида 10—20 процент миқёсида қатнашмоқда. Уларнинг кўплари мамлакатда машҳур кишилардир».

Совет яҳудийлари — жаҳондаги биринчи социалистик мамлакатнинг тўла ҳуқуқли гражданлари ҳеч қачон сионистларнинг ёлғон ташвиқотларига учмайдилар.

Хўш, нега энди яҳудийлар Исроилдан қочишаяпти? Гап шундаки, Исроилда миллий тенгҳуқуқлилик йўқ. У ерда одамлар келиб чиқиши, социал мавқеига қараб табақаларга бўлинади. Ўрта Осиёдан борганларга у ерда паст назар билан қарайдилар. Қора танли яҳудийларни эса «қолоқ одамлар» деб таҳқирлайдилар. Бундай одамлар давлат идоралари ишларига қабул қилинмайдилар. Улар кам ҳақ эвазига энг оғир ва қора ишларни бажаришга маҳкумдирлар. Уруш ҳаражатлари Исроилда бутун таълим системасини барбод этган.

Тель-Авивда сионистлар юритаётган сиёсат — давлат терроризмидан бўлак нарса эмас. Исроилнинг Фаластинда олиб бораётган террорчилик ҳаракатлари Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасида низоларни кучайтирмоқда. Исроил ва унинг паноҳи бўлган АҚШнинг ҳукмрон доиралари барқарор тинчлик ишига жиддий путур етказмоқдалар.

Сионистларнинг ёлғон-яшиқ ташвиқотига учиб, оқибатда Исроилда хору зор бўлиб, тавбасига таянган 85 ёшли Гавриэл Ильяев қуйидагиларни айтади: «Мен 1972 йилда сионистларнинг уйдирма гапларига ишониб, қариндош ва дўстлар маслаҳатига кирмасдан ва ҳатто болаларимни ташлаб, Исроилга жўнадим. У ерда қарилигимга ва касаллигимга қарамасдан муқовасоз бўлиб ишлашга мажбур бўлдим. Нарх-навонинг ошиб кетиши, яшайдиган уйимнинг захлиги ва яшаш шароитининг оғирлиги туфайли саломатлигим ёмонлашди. Мен катта хато қилганимни ўша ерда тушундим, ўз Ватанимга — СССРга қайтиб келишга кўп ҳаракат қилдим. Аммо Исроил давлати қайтиб келиш учун рухсат бермади. Кейин саёҳатчи сифатида Ватанга келишга муваффақ бўлдим. Тошкентга келиб, дарҳол СССР Олий Совети Президиумига мурожаат қилиб, Ватанимда қолишга рухсат беришларини илтимос қилдим. Одил Совет ҳукуматимиз муродимни ҳосил қилди. Ниҳоят, 11 йилдан кейин Ватанимга қайтиб, болаларим ва невара-чевараларим билан яшай бошладим».

Мана, имонсизлик оқибати: Илья Фузайловнинг тақдири ҳам ачинарли бўлди. У Исроилда бир ярим йил давомида мулкдорлар қўлида малайлик қилди. У ёлғонга учиб борбудидан, обрў-эътиборидан айрилганини ўшанда сезди. Вақт ўтказмасдан СССРга қайтиш ҳаракатига тушиб қолди. Ҳозир қайтиб келган.

Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Меир Вильнер «Международная жизнь» журнали редакцияси саволларига берган жавобида қуйидагиларни айтди: «Ҳозирги пайтгача Исроилнинг агрессив урушларига фақат биз, коммунистлар қарши чиқардик... Биз амалда яккаю ягона куч сифатида ҳаракат қилар эдик. Лекин Исроилнинг Ливанга қарши агрессияси натижасида урушга қарши оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Энг йирик намойиш Тель-Авивда содир бўлди. Унда 400 минг киши қатнашди. Халқ эътирози алангасини ёққан учқун айнан бизнинг партиямиз бўлди».


Халқаро сионизмнинг ирқчиликдан, шовинизмдан иборат ҳақиқий башараси фош бўлди, унинг халқлар душмани эканлиги бутун тараққийпарвар инсоният кўз ўнгида тўла-тўкис исботланди.

Давид НИЕЗОВ,
филология фанлари кандидати

Замондошларимиз



Қуювчи Манзура Хонимқулова.



Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш цехининг умумий кўриниши.

А. Жданов фотолари

Жиззах шаҳридаги пластмассалар заводи республикамизнинг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда турли диаметрдаги полиэтилен трубалари, плёнкалар ҳамда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилади.

Труба ишлаб чиқариш бўйича завод Иттифоқимизда иккинчи ўринда туради. Унинг маҳсулотлари мамлакатимизнинг турли жойларидаги 900 дан зиёд истеъмолчиларга, шунингдек, Мўғулистон ва Афғонистонга етказиб берилади.

Ўтган йили ушбу корхона зиммасидаги планларни ҳамма кўрсаткичлар бўйича уддалади, 19 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилди.

Табиат ва инсон

ИЛОН ЗАҲРИ ШИФОБАХШ

Эндиликда илон шакли туширилган медицина нишони ҳаммага таниш. Ривоятларда ҳам илонларга донолик тимсоли, табобат рамзи сифатида қаралгани бежиз эмас. Қадимги юнонлар ва римликлар афсонавий медицина илоҳи — Искулаб қудратини кўрсатиш учун унинг қўлига атрофига илон ўралган асо тутқазиб тасвирлаганлар. Шу асога ўралган илон тури фанга аниқ маълум эмас. У балки, бўзилон бўлса керак, деб фараз қилинади. Халқ орасида табиб илон ҳам деб юритилади. Бу илон кўпинча одамлар шифоланадиган маъдан сувли булоқлар атрофида яшайди. Римликлар ва юнонлар инсоннинг маъдан сувидан шифо топганлигини шу илон билан боғлаб, унга эътиқод қўйганлар.

Илонларга кўзингиз тушиши билан сесканиб кетасиз. Дарҳақиқат, улар турқи совуқ жониворлардир. Бунга яна бир сабаб: илонларни заҳарли деб тасаввур қилишимиз бўлса керак. Заҳарли илонлар ҳақидаги афсона, ривоят, эртаклар ҳали ҳам халқ оғзидан тушмайди. Ҳозир ҳам тропик ва экваторга яқин мамлакатларда заҳарли илонлар кўп кишиларнинг ёстиғини қуритади.

Ўрта Осиё илонлари заҳарининг биохимиясини ўрганиш 1961—1962 йилларда республика Фанлар академиясига қарашли Улка экспериментал медицинаси институтининг лабораториясида академик Е. Х. Тўрақулов раҳбарлигида бошланган эди. Кейинчалик бу иш Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Зоология ва паразитология, Биохимия институтларида давом эттирилди. Бу пайтда Совет Иттифоқида биринчи энг йирик илонхона (серпентария) ташкил этилиб, илонлар учун табиий шароитга монанд муҳит вужудга келтирилган эди. Чунки жаҳон медицинасида илон заҳрининг шифобахш хосиятига қизиқиш кун сайин ортиб бораётган эди.

Табиий шароитга тазйиқ ўтказилиши оқибатида илонларнинг сони ҳам камая бошлайди. Ҳозир уларни тутқунликда кўпайтириш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Улар кўпайтирилган тақдирда ҳам табиат билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинмай қолиши эҳтимол. Чунки табиат бағридаги илоннинг заҳри тутқунликдаги илонникидан сифатлирокдир. Фикримизча, илонларни тутқунликда бўлса ҳам, табиий шароитда кўпайтириш ишларини йўлга қўйиш керак, бунинг учун вояга етаётган илонлардан 3—4 йилгача заҳар олмаслик лозим.

Илон заҳарининг баҳоси ҳам турлича, бунда ҳам, асосан илон тури, ундан олинадиган заҳар миқдори эътиборга олинади. Масалан, бир грамм заҳар олиш учун, ўрта ҳисобда, 15 та кўзойнакли, қора илондан қарийб 200 тасини қўлдан ўтказиш керак бўлади.

Хўш, илон заҳри қандай олинади? Илоннинг заҳари кўзи орқасидаги сўлак безларидан ажралади. Баъзи илонларда заҳар безларининг узунлиги танасининг учдан бирича келади. Илон заҳари қуюқ, рангсиз ёки кўкимтир-сарғиш тусда, тахир бўлади. Таркибида альбумин, глобулин оқсиллари ва ферментлар бор. Илон заҳарининг кучи шу даражада ўткирки, масалан, кўзойнакли илоннинг 25 миллиграмм заҳари отни ўлдиради.

Улардан 2—3 ҳафтада бир марта заҳар олинади. Бир олишда майда илонлардан 20—40 миллиграмм, йирикларидан 500—900 миллиграммгача заҳар олиш мумкин. Бу — осон иш эмас. Аввалларида илоннинг заҳари пахтага шимдириб олинарди. Кейинчалик заҳар «соғиш»нинг бошқа усули қўлланила бошланди. Бунинг учун илоннинг заҳар безлари дастлаб массаж қилинади, сўнг эҳтиётлик билан пешонасини кўрсаткич бармоқ билан босиб, оғзи шиша идишга тутилади. Лекин бу усул бирмунча хатарли. Заҳар олишнинг энг хавфсиз ва самарали усули электр ёрдамида «соғиш»дир. Бунинг учун қуввати 5—6 вольт бўлган электрод илон оғзидаги шиллиқ пардага тегизилса, у бор заҳарини тўкиб юборади.

Илон заҳрининг шифобахш кучига қадим-қадим замонларданоқ катта қизиқиш билан қараганлар.

Кичик Осиёнинг шимолидаги қадимий Понт вилояти ҳукмдори Митридат VI (эрамиздан аввалги 114—63 йиллар) сарой табиби билан биргаликда илон заҳри устида турли даволаш усулларини синаб кўрган. Бундан ташқари, у ўз вужудини илон заҳрига ўргатиш мақсадида оз-оздан заҳар ҳам ичиб юрган. Кейинчалик заҳарга қарши чиқарилган дори-



«КУНТУҒМИШ» САБОҚЛАРИ

СОВЕТ Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездида қабул қилинган янги таҳрирдаги КПСС Программасида таъкидланишича: «Бизнинг ахлоқимиз, умуминсоний маънавий бойликларни ҳам, кишиларнинг ахлоқий нормалари ва улар ўртасида эксплуатацияга қарши, озодлик ва социал тенглик учун, бахт-саодат ва тинчлик учун кўп асрлик кураш жараёнида халқ оммаси яратган муносабатларни ҳам ўз ичига олади».

Демак, партиямиз Программасида илгари сурилган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш жараёнида совет кишиларини ғоявий-сиёсий, ахлоқий ҳамда меҳнаткашлик руҳида тарбиялаш, «ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний мукаммалликни мужассамлаштирган, ҳар томонлама камол топган, ижтимоий жиҳатдан фаол шахсни шакллантириш» вазифаларини амалга оширишда қадимий анъаналарга эга бўлган ўзбек халқ эпик ижодиёти ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки мингларча йиллар давомида халқ фантазиясида, ақл-заковати ва донишмандлигида ўз ифодасини топган тарбиявий, ахлоқий ва маърифий масалалар партия Программасида белгиланган коммунистик ахлоқни қарор топтириш вазифаларини амалга оширишга имкон беради. Чунончи, ўзбек халқ эпик ижодиётида алоҳида ўрин тутган, замонамизнинг буюк достончиси Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган «Кунтуғмиш» достони меҳнаткаш халқнинг ўтмишдаги орзу-умидларини, эзгуликка интилишларини, феодализм давридаги ҳақсизлик, адолатсизлик ҳамда зулмга қарши нафрат ва курашларини ифодалаши жиҳатидан ана шундай вазифаларни ҳал этишга қаратилган халқ санъати намунасидир. Достон умумий композициясида Кунтуғмиш билан Холбеканинг бир-бирига муҳаббати, бош қаҳрамоннинг оила қуриш йўлидаги интилишлари биринчи планда туради, яъни асосий мавзуни ташкил этади. Бу мавзу ўзаро боғланган ва ривожланиб борган воқеа-ҳодисалар оқимида, достон қаҳрамонлари ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларида мужассамлашган етакчи оҳангдан келиб чиқади. Бинобарин, достонда илгари сурилган асосий ғоя ҳар қандай эзгулик, олижаноблик, дўстлик фақат соф севги ва инсоний ахлоқ туфайли амалга ошади, фақат шу юксак туйғуларгина инсон қиёфасининг камолотини белгилайди, инсонда эътиқод, садоқат, адолат сингари олижаноб фазилатларни қарор топтиришга имкон яратади, қийинчиликларни енгишга, ёвузлик, ҳақсизлик ва ёмонлик устидан ғалаба қилишга куч бағишлайди, илҳомлантиради, деган ғоядир.

«Кунтуғмиш» достони бош образ ва персонажлар хатти-ҳаракати, ички кечинмалари тасвири, таърифи орқали сюжет ривожланиб, достоннинг мавзуи, ғояси, ахлоқ принциплари очила боради. Холбека Зангар юртининг асл гўзали бўлгани учун унга харидорлар кўп эди. Лекин қизнинг бир шарти бор: яъни у нард ўйинида уни мот қилган кишига эрга тегади, аксинча, унга ютқизган киши жазога тортилади.

Зангар подшоси Буврахон ҳам Холбекага ошиқ бўлиб, совчи устига совчи юборади. Лекин Холбеканинг шарти шоҳга ҳам, гадога ҳам бир хил. Нард ўйинида қизни ютишга ақл-фаросати етмаслигини билган шоҳ ўта золимлик ва инсофсизлик йўлига ўтади: Холбеканинг бахтини боғлайди, ким унга харидор бўлса, номини тилга олса, ўлим жазосига маҳкум этади. Бироқ «Нўғой мамлакатидан уч ой йўл юриб», не-не машаққатларни чекиб, Зангар шаҳрига етиб келган Кунтуғмишни бу даҳшатли хабар чўчитмайди. У ўз севгилисига эришиш йўлида мардлик, довюраклик кўрсатади, доно ва зукколигини намоён этади.

Кунтуғмишнинг бу ахлоқи севгилисини улуғлайди, унинг қадр-қимматига нисбатан хуружларга муросасизлик кўрсатади. У ўз мақсади йўлида собитқадам туриб мардона курашади, севгилиси шартини бажаради ва ёри билан қовушади. Бундай тантиликка чидамаган золим Буврахон бир-бирининг висолига муяссар бўлган ошиқ-маъшуқлар бошига қонхўр жаллодлар қамчисини ёғдиради, уларни бутунлай йўқ қилиш мақсадида бир туянинг терисига иккисини жойлаб тиктириб, асов байталнинг думига боғлатиб, жазирама чўлга ҳайдатади.

Бу лавҳаларда Буврахон тимсолида подшо ва унинг амалдорларининг худбинликлари яққол акс этган. Уларнинг ахлоқ принципи ўз манфаати ва шахсияти йўлида ҳар қандай ваҳшийликдан, адолатсизликдан, ҳайвоний ҳирсдан воз кечмаслиги, инсоний фазилатларни қадрсизлантиришни, инсон боласига заррача меҳр-шафқат кўрсатмасликни тақозо этади. Шунинг учун ҳам достондаги бундай лавҳалар кишиларни қаттиқ ғазаблантиради, адолатсизлик ва ижтимоий тенгсизликка қарши курашга отлантиради.

Тасодиф тақозоси билан Кунтуғмиш ва Холбека теридан тирик чиқадилар, сувсиз, озиқ-овқатсиз чўл машаққатларини, ҳолсизлик дардини енгадилар. Ана шундай инсон боласи чидамас машаққатларда ҳам уларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати мадад беради, келажакка ишонч туғдиради. Улар макон тутиб, ўт-ўланлар билан тирикчилик қилганларида ҳам, қўш ўғил-эгизак кўриб, уларни парвариш этганларида ҳам бир-бирларига муҳаббатлари орта боради, қилмишларидан пушаймон бўлмайдилар. Лекин улар элга қўшилиш орзусида кун кечирадилар, кўзлари ҳар кун узоқлардан одам қорасини излайди. Ниҳоят, тўрт йилгача ҳар куни тоғ чўққисига чиқиб эл ахтарган Кунтуғмишнинг кўзи катта карвонга тушади. Кунтуғмиш бу савдогар карвондан бир нон ва бир коса сув сўрайди. Шунинг эвазига у аждарни ўлдиради.

Лекин карвонбоши — Зангар юртининг савдогари Азбархўжа Холбекани таниб қолади ва Кунтуғмишнинг яхшиликларига, дўстлигига хиёнат қилади: шоҳдан катта инъом олиш ниятида маккорлик билан Кунтуғмишни ичириб маст қилади ва кигизга ўраб ташлаб, Холбекани гўдакларидан жудо қилиб, олиб қочади.

Достонда ҳам ёридан, ҳам болаларидан ажралиб қолган Холбеканинг аянчли ҳолати, Азбархўжанинг инсофсиз, раҳмсиз маҳлуқ эканлиги ғоят таъсирли ва кучли драматизм билан акс эттирилган. Бу лавҳа ўтмишда онанинг адолатсизликка, ҳақсизликка, хўрликка ва ҳақоратларга бўлган кучли норозилик нидоси, она меҳри-муҳаббатининг гўзал намунасидир.

дармонлар ўша шоҳнинг номи билан аталган.

Қадимги Миср ҳукмдори малика Клеопатра ҳам бошқа подшоҳлар сингари, турли хил илон заҳарининг вужудга таъсирини синаб кўриш учун ўлимга ҳукм қилинган кишилар устида тажрибалар ўтказган. У кўзойнакли илон заҳари одамни қийнамасдан тез ўлдиришини ва мурданинг танасида турли хил ҳунук аломатлар қолдирмаслигини билиб олган. Буни қарангки, маликанинг ўша тажрибалари кейинчалик ўз тақдирини ҳал этди: римликлар қўлига асир тушган малика ўзини кўзойнакли илонга чақдириб ўлдиради.

Илон заҳри хусусидаги маълумотларни буюк табиб ва табиатшунос Абу Али ибн Сино асарларида ҳам учратиш мумкин. XI асрда Хоразм шоҳи Ануштегин таклифи билан бу ерга келган машҳур мутафаккир Журжоний «Хоразмшоҳ хазинаси» номли беш жилддан иборат қомус яратган. Ушбу асарлардан бир жилди заҳарли газандаларга бағишланган. Асарда олим барча заҳарли ҳайвонлар қаторида илон ва унинг заҳари ҳақида ҳам батафсил фикр юритади. Жумладан, одамнинг илон заҳридан ҳалок бўлиши кишининг мижозига эмас, балки илон заҳрининг қонга ўтиш-ўтмаслигига боғлиқ, деган фикри муҳимдир. Журжонийнинг замондошлари бундай фикрни хаёлпарастликдан бошқа нарса эмас, деб унга қарши чиққанлар. Шунда олимнинг энг яқин шогирдларидан бири устозининг мазкур фикрини ҳимоя қилиш учун турли-туман тажрибалар ўтказади. Жумладан, илон заҳари қўлга, юзга ва томоқ йўлларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини исботлаб беради, ниҳоят кўпчилик давр асида шогирд илон заҳрини истеъмол қилади ва ундан ҳеч қандай зиён кўрмайди.

Илон чаққан одам қандай даволанади? Юқорида айтиб ўтганимиздек, илон заҳари жуда ўткир. У киши организмига тез таъсир қилади. Шунинг учун илон чаққан кишини дарҳол врачга олиб бориш, имкони бўлмаса, тез ёрдам кўрсатиш зарурдир.

Қадимда илон чаққан жойни куйдириш, пичоқ билан тилиб қон чиқариш ёки ўша жойнинг юқорироғидан узоқ вақтгача қаттиқ боғлаб қўйиш, ҳатто илон чаққан бармоқни кесиб ташлаш тадбирлари қўлланиларди. Ноиложликдан кўрилган чоралар кўпинча одамларни майиб қилиб қўяр, баъзан ўлимга сабабчи бўлар эди.

Илон чаққан кишига қуйидагича биринчи ёрдам кўрсатилади: дастлаб, илон чаққан жойнинг юқорироқ қисми, 1,5—2 соат муддатга қаттиқ боғлаб қўйилади. Бемор иложи борича ҳаракат қилдирилмаслиги керак. Чунки заҳар танага ёйилиб кетиши мумкин. Илон чаққан жойдан заҳарни сўриб ташлаш ҳам мумкин. Бунинг учун илоннинг тиши ботган жойни тез ва қаттиқ қисиб, ундан суюқ томчи чиқарилади. Илон заҳарини сўрувчи кишининг оғзида ва ички аъзоларида жароҳат бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда заҳарнинг қонга ўтиб кетиши эҳтимоли бор. Бундай ёрдам зудлик билан 2—3 минут ичидаёқ кўрсатилиши керак.

Табиатда ҳар бир жониворнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. У ёки бу жонзот ўзининг барча фойдали ва зарарли томонлари билан табиат оламини тўлдириб туради, ҳайвонлараро мутаносибликни белгилашда маълум ҳисса қўшади. Илонлар ҳам бундан мустасно эмас. Улар заиф ва ҳаддан ташқари кўпайиб кетган бошқа ҳайвонларни қириб, тенглаштирувчи, мутаносиблаштирувчилик вазифасини бажаради.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
УзССР ФА Зоология ва паразитология институтининг заҳарли илонлар экологияси лабораториясининг мудири, биология фанлари кандидати,

Фарида ЗОҲИДОВА,
биология фанлари кандидати

Кунтуғмиш ҳушига келгач, ёри ва болалари изини излайди. Онасининг ортидан эмаклаб-эмаклаб, қумда ҳолсизланиб йиқилиб қолган болаларини топиб, ҳасратидан чанг чиқиб яна из қувади. Йўлда Тажан дарёсидан ўтиши лозим, лекин Азбархўжа қайиқларни оқизиб юборган эди. Шунда дарёдан олдин бир ўғлини, сўнг иккинчисини ўтказишга уринади, бирови дарёга тушиб оқиб кетади ва уни балиқ ютади, иккинчисини эса, дарё бўйидан бўри олиб қочади. Бу бахтсизлик кулфатидан ўзини йўқотиб қўйган Кунтуғмиш фалакдан нолиб, боши оққан томонга қаландар бўлиб кетади.

Болаларнинг бирини чўпонлар бўридан қутқариб олиб, Гуркибой деб атайдилар, иккинчисини эса дарёнинг нариги бетида балиқчилар балиқ ичидан ёриб олиб, Моҳибой деб ном қўядилар. Гуркибой дала-даштда чўпонлар орасида қўй боқиб ўсади, одобли, андишали, босиқ, яхшиликни биладиган, софдил, меҳнаткаш бўлиб етишади. Моҳибой эса шаҳарда балиқчилар қўлида тарбияланиб, енгил табиат, қўрс муомалали, шаддод, қизиққон бўлиб ўсади. Улар бир-бири билан топишадилар ва Зангар шаҳрига бориб, Холмўмин ясовулбошининг уйида хизматкор бўлиб юрадилар. Шу вақт Зангар юрти подшоси вафот этиб, подшо танлаш учун давлат қуши учирилади. Давлат қуши уч марта ҳам қаландарсифат юрган бир кишининг бошига қўнади — у Кунтуғмиш бўлиб чиқади. У мамлакатни одиллик билан идора қила бошлайди...

«Кунтуғмиш» достони сюжети ва унда илгари сурилган ғоявий мазмундан кўриниб турибдики, халқ идеали ғалаба қилади: ҳақсизликка, адолатсизликка, зулмга, хиёнатга, виждонсизликка қарши курашда соф муҳаббат ва оналик меҳри, адолат ва ҳақиқат, дўстлик ва самимият енгиб чиқади. Халқ фантазиясида молдунёга ҳирс қўйган, дўстликка хиёнат қилган, онани болаларидан жудо қилиб, болаларни зор қақшатган золим, албатта қилмишига яраша жазо тортиши керак. Буни Азбархўжа мисолида яққол кўриш мумкин. Унинг бундай қилмишлари ҳатто ўзининг ҳомийси — ўта жоҳил ва золим подшога ҳам маъқул келмайди, шу қилмиши учун уни жазолайди.

Достонда ижобий образ ва персонажлар орқали тарғиб этилган юксак инсоний фазилатлар асарнинг катта ахлоқий, тарбиявий ва маърифий аҳамиятини, чуқур халқчиллигини белгилайди. Шу маънода бу достон ҳам инсонларни, айниқса ёш авлодни ғоявий-эстетик ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда, уларнинг инсоний туйғуларини ўстиришда, ўтмишнинг жафолари ва кулфатларини яхшироқ ҳис қилиб, эркин ва бахтиёр социалистик ҳаётимизнинг гўзалликларини чуқурроқ англаб етишларида, совет ёшларида коммунистик ахлоқ нормаларини қарор топтиришда ҳанузгача аҳамиятини йўқотмаган бир воситадир.

Маҳмуда ОБИДОВА,
филология фанлари кандидати



МЎЪЖИЗА ИСТАБ...

Бу китобни[1] ҳаяжонланмасдан, тўлқинланмасдан ўқиб бўлмайди. Саҳифалар сизни ўйлашга, чуқур мушоҳада этишга даъват этади.

Китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисм билан танишар экансиз, Лев Толстой жилдлари ичига яширинган сирли тафаккур хазиналари, Михаил Шолохов ижодининг такрорланмас манзаралари кўз олдингиздан бирма-бир ўтаверади. Ўзингизча улар ижодининг сеҳрию сири нимада эканлигига жавоб топгандек бўласиз...

«Уруш ва тинчлик», «Инсон тақдири», «Улар Ватан учун жанг қилдилар» каби кенг шуҳрат қозонган фильмларни экранлаштириш билан боғлиқ эпизодлар, уларда иштирок этган машҳур актёрлар — Вячеслав Тихонов, Василий Шукшин, шунингдек, Николай Мордвинов, машҳур кинорежиссёр Александр Довженко, композитор Арам Хачатурян, Италия киносининг таниқли арбоби Роберто Росселини образлари кичик-кичик лавҳаларда шу қадар усталик билан чизилганки, уларнинг жонли қиёфаларини кўриб тургандай бўласиз. Айниқса, Василий Шукшин ҳақидаги хотираларнинг ҳар бир жумласини ўқиш китобхон қалбини такрор-такрор ларзага солади: «Кўринишдан бирмунча қўрс, муомаласи совуқ туюладиган Шукшин аслида ниҳоятда нозик, самимий ва юмшоққўнгил одам эди, — дея ҳикоя қилади муаллиф. — У салга хурсанд, салга хафа бўлар, дилидаги жамики эзгуликлар ва инсоний ҳисларни турқи совуқлик ниқоби билан яширишга уринар эди.

Бир сафар у баобрў бир адабиётшуноснинг мақоласини ўқиб қолди. Адабиётшуноснинг назарида Шукшиннинг актёрлик касби унинг ёзувчилик қимматини озгина бўлса ҳам «пастга урар» эмиш. Бундан у ниҳоятда ранжиди: актёр ижоди нега энди ёзувчи ижодидан пастроқ экан? Нега энди у, Шукшин, актёрлик ёки режиссёрликдан воз кечиши керак экан? Уч хил истеъдод, уч хил сиймо, уч хил ижод бир кишига оғир бўлса-да, хаёлини чалғитиб, фикрини ҳар томонга олиб қочса-да, у бошқа чора топмас эди. Умрининг сўнгига қадар у бирон касбдан воз кечиш зарурлигини оғизда айтар эди-ю, лекин амалда ҳеч нарса қила олмас эди. У ўзича кинематографиядан воз кечган маъқул, деб ўйларди. Лекин орадан қанча йил ўтмасин, у на китоб ёзишдан, на роль ўйнашдан ва на фильм қўйишдан тинар эди. У ҳали мисли кўрилмаган, фавқулодда бир истеъдод эди».

Китобнинг иккинчи қисмида санъаткорни бўлғуси актёрларнинг ниҳоятда талабчан устози сифатида кўрамиз. Режиссёр ўзининг узоқ йиллар давомида орттирган тажрибалари, фикр-мулоҳазаларини қисқа-қисқа лавҳаларда баён этади. ВГИК студентлари билан ўтказилган машғулотларнинг стенограммаси айниқса қалбингизда ўчмас из қолдиради. Мана, унда келтирилган савол-жавоблардан бири:

«Савол. 1961 йилнинг февралида бир гуруҳ йирик ҳарбий намояндалар ва адабиёт ходимлари Маданият министрлигига мурожаат қилиб, жаҳон классик адабиётининг улуғ асари — Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи асосида фильм яратишни қизғин таклиф этдилар. «Маълумки, — дейилади мактубда, — «Уруш ва тинчлик» бўйича Америкада яратилган фильм Л. Н. Толстой эпопеясининг на бадиий, на миллий хусусиятлари ва на рус халқининг улуғ озодлик руҳини томошабинга етказиб берган. Бу важ билан совет томошабинларининг тўғри танқидига дучор бўлди.

«Уруш ва тинчлик» деган рус фильми халқаро воқеага айланиши мумкин. Бу фильм устида ишлаш учун энг йирик драматург ва кино усталари жалб қилинишлари керак. Фильм постановкасига мамлакатимизнинг энг истеъдодли режиссёрларидан бири раҳбарлик қилиши шарт. Бизнинг фикримизча, бу ишга муносиб номзод Ленин мукофотининг лауреати СССР халқ артисти С. Ф. Бондарчукдир».

Бу мактубни ўқиганингизда сизнинг дилингизда қандай ҳиссиётлар уйғонди?

Жавоб. Аввало мени: «Қўлимдан келармикин?» деган қўрқув босди. Бу ниҳоятда мушкул иш эди. Бу кечинмаларимни Михаил Шолоховга айтганимда, у анча вақт сукут сақлаб турди-да, сўнг: «Ахир, бу томларни ердан узиб олишнинг ўзи машаққатку!» деди.

Кейин ногаҳон хотирамда ўз гавданг билан бекитишинг керак бўлган амбразура жонланди. Негадир мени қўрқув шу он тарк этди.

Гарданимга қандай оғир масъулият юкланганини яхшигина тасаввур қилардим, лекин Мономах қалпоғи муттасил бошимда бўлгани туфайли асабим дош бермаслиги ва маънавий ожиз бўлиб қолишдан қўрқардим. Кейинчалик эса, (жуда кам вақтларда) қилинган ижодий ишдан мамнун бўлиб, кўнглим ёришар ва тақдирга таҳсин ўқир эдим. Хурсандлик билан умидсизлик, муваффақият билан муваффақиятсизлик, аросатда қолишлар билан муттасил елиб-югуриш орасида сарсон-саргардонликда роса олти йил ўтиб, юракда мадор, танда мажол қолмади. Лекин ҳаётнинг тантилиги шундаки, кўнгилсизлик яхшиликка қараганда тезроқ унутилади. Яқингинада мен Бородино жанглари съёмкасини ўйлаганимда, тепа сочим тикка-тикка бўлиб кетарди. Ўн икки минг кишидан иборат статистлар икки ой давомида эртаю кеч образга кириш устида муттасил ишлардилар. Ҳар куни эрталаб ўша давр кийимини кийиб олган солдатлар қатор-қатор саф тортар ва аждодларимиз урушда қўллаган барча қонун-қоидалар, шарт-шароитларга ипидан-игнасигача риоя қилган ҳолда ҳужумга ўтар эдилар.

Шунча одамни бошқариш осон эмас эди, албатта. Бунинг устига, камина режиссёр ролини Пьер роли билан бир вақтда бажараман. Бундай жангда Пьернинг дилидан қандай гаплар ўтиши мумкинлиги, хаёли қанчадан-қанча жойларда кезиши хусусида бош қотириш керак. Худди шу пайт, мен Пьер ролини ўйнаш учун эндигина кадрга кирганимда, бундан олдинги эпизодда брак бор, плёнканинг бир қисми оқариб қолган, яна бир қисмида қандайдир тушуниб бўлмас чизиқлар пайдо бўлди, деган каби бироннта хунук хабар етиб келади. Буниси ҳам етмагандек, плёнка сифати жангларни суратга олиш учун мўлжалланганидан икки-уч баробар паст бўлиб қолади. Беш кун олдин суратга олинган ҳамма эпизодларни қайтадан суратга олиш керак!..

Ўша йиллар давомида мен қанчалик қийналган бўлмай, лекин бундай катта ишга қўл урганимдан ҳали-ҳали бахтиёрман».

Китобга машҳур рус совет шоири Евгений Евтушенко ниҳоятда таъсирчан сўзбоши ёзган.

Мажмуани Ҳожи Аҳмар ўзбек тилига ағдариб, олижаноб иш қилган. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти эса, уни чоп этиш билан ўзбек ўқувчиларига яна бир яхши китоб туҳфа этди.

Н. ИЎЛДОШЕВА

[1] Сергей Бондарчук. «Мўъжиза истаб...» Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1986.



МАЪРИФАТ ЖАРЧИСИ

АҲМАД ДОНИШ ТАВАЛЛУДИНИНГ 160 ЙИЛЛИГИГА

Олмос қиррали истеъдод соҳиби Аҳмад Дониш яшаб, ижод этган XIX асрнинг иккинчи ярми амирлар, хонлар ўртасида ўзаро феодал урушлари авж олган, меҳнаткаш халқ оммаси аёвсиз эксплуатация қилинган давр ҳисобланади. Аҳмад Дониш ана шундай замонда ўзининг илғор маърифатпарварлик ғоялари билан адолатсизликка, жаҳолат ва зўравонликка қарши қалам сурди. Чиркин феодализм салтанатига ларза солди.

Аҳмад Донишнинг отаси Носир имом ўз ўғлининг тақводор бўлишини орзу қилар эди. Бироқ у отаси истаган йўлдан бормади. Бўлажак олимнинг дунёвий илм манбалари — ҳандаса (геометрия), табииёт, тиббиёт, тарих, адабиёт ва фалсафа каби фанларга қизиқиши орта борди. У замонасининг уста хаттоти ҳам эди. А. Дониш узоқ йиллар Бухоро амири кутубхонасидаги нодир қўлёзмалардан нусхалар кўчириш, рассомлик, лавҳа жадваллар чизиш иши билан машғул бўлди. Турли фанлар бўйича мавжуд бўлган араб, форс-тожик, ўзбек тилларида битилган ноёб қўлёзмаларни ўқиш ва уларни китобат этиш Аҳмад Дониш дунёқарашини чархлади.

Бухорода ҳукм сурган феодал муносабатлар меҳнаткаш омманинг тинкасини қуритар, халқ золим амирлар, амалдорлар, диндорлар томонидан аёвсиз эзилар эди. Буларнинг ҳаммаси Аҳмад Донишнинг кўз ўнгида юз берарди. Унинг Бухоро амирлиги элчилари ҳайъатида 1857, 1869, 1874 йилларда уч марта Россиянинг Петербург, Москва каби марказий шаҳарларида бўлиб қайтиши маънавий оламини бойитди. Адиб Ўрта Осиё халқлари билан рус халқи ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш керак, деган фикрга келади. У рус тилини, рус халқининг илғор маданиятини, адабиёти ва санъатини ўрганишга чақирди.

Адиб ўзининг «Наводирул вақое» асарида Петербург шаҳрида рус подшоси саройида француз қўшиқчиси Аделина Паттининг ҳузурбахш қўшиқларини тинглаганлиги ва унга бағишлаб шеър ёзганлигини, муҳташам бал саройида рақс томоша қилганлигини ҳикоя қилади. Пётр қасри, «Царское село», Катта театр, обсерватория, университет, қоғоз фабрикаси, давлат банки, музей, шиша заводларида бўлади, суратхоналарни кўриб, ҳайратга тушади.

Олим ўз асарларида, жумладан, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий характердаги икки йирик асари «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар»), «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» («Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари»)да илғор ғояларни баён этади. «Нодир воқеалар» саҳифаларида одоб, ахлоқ, оила, никоҳ, урф-одатлар, касб-ҳунар, меҳнат, муҳаббат, поклик, ростгўйлик, одамийлик тўғрисида қатор ҳикоятлар келтирилган. У ўз асарларида Бухородаги мавжуд феодал тузумни ислоҳ қилиш, ҳатто бутунлай ўзгартириш зарур, деган ўз муҳити учун илғор фикрни ўртага ташлайди.

Аҳмад Дониш «Наводирул вақое» асари сирасига киритилган «Рисолаи назми тамаддун ва таовун» («Маданият ва ўзаро кўмаклашиш тартиби ҳақида рисола») номли рисоласида Бухоро амири саройидаги тартибсизликлар, ичғи, фисқу фасод, бузуқлик, амир ва амалдорларнинг халққа етказган зулм ва заҳматларини бирма-бир санаб ўтади. «Ҳақиқатда эса, подшоҳ давлатдан тирикчилиги учун зарур миқдорда ҳақ олсин ва ундан ортиқ олмасин, давлат бошқаларники», деб ёзади у. Ўзгалар ҳақига хиёнат қилиш, порахўрлик, риёкорлик, қаллоблик каби ёмон иллатларни қоралайди.

Езувчи Ўрта Осиёдаги хонликлар ўртасида ўзаро феодал қонли урушларни келтириб чиқарадиган оқибатларни ташвиш билан баён этади. У биринчилардан бўлиб, Бухоронинг сувга асрий ташналигини таъминлаш ниятида Амударё ва Зарафшон дарёларидан шаҳарга, дашту биёбонларга сув чиқариш режасини тузади, лекин унинг халқни фаровон, ўлкани обод қилишдек орзу-умидлари пучга чиқади.

Маҳаллий халқлар орасида илғор рус маданияти, рус тилини ўрганишни кенг тарғиб қилиши билан Аҳмад Дониш кичик замондоши шоир Зокиржон Фурқат билан маънавий ҳамкордир. Лекин у Ўрта Осиёда ҳам, Россияда ҳам бир хил зулм ва зўравонлик барқарор эканлигини тушуниб етади. «Умримнинг охирларида билдимки, — деб ёзади Аҳмад Дониш, — дунёда мутлақо озодлик йўқ экан...» Шу боисдан ҳам адиб ўзи кўрган ва билган қўшни Россия мамлакати маданияти, илм-фани, интизоми, тижорат ва тараққиётинигина кўра олар, аммо ижтимоий ҳаётнинг социал моҳиятларини англаб етолмас эди. У фақат одил, интизомли ва халқпарвар подшоҳи бор мамлакатни орзу қилар эди холос. Адибнинг «Нодир воқеалар» асари 1964 йилда «Фан» нашриёти томонидан ўзбек тилида чоп этилган. Аммо асар таржимаси аслига мутаносиб эмас. Кези келганда, шу нарсани таъкидлаш керакки, китобхонларимизни А. Дониш ижодий фаолияти билан чуқурроқ таништириш мақсадида унинг асарлари таржимасига марксчаленинча методология асосида қайта ёндашиш керак. А. Донишнинг ижодий мероси таъсирида С. Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар», Ф. Хўжаевнинг «Бухоро инқилоби тарихига доир» асари яратилди.

Аҳмад Дониш, замондошларининг хотирлашларича, ўз даврининг уста лавҳачиси, моҳир мусаввири, ҳуснихат соҳиби бўлган. «Мен, — дея ёзган эди С. Айний ўз «Эсдаликлар»ида, — Аҳмад Махдум кўчириб, расм ва лавҳалар билан безаган «Юсуф ва Зулайҳо»ни бир китобфуруш ўша вақтда уч юз пуд буғдойга сотганини кўрган эдим».

Зуллисонайн санъаткор Садриддин Айний ижодининг камолотида ва, айниқса, наср жанрида эътибор топишида машҳур мутафаккир ёзувчи ва олим Аҳмад Донишнинг ижоди муҳим роль ўйнаган. «Уша вақтларда мен кошки насрнавис бўлсайдим, — деб ёзади С. Айний «Эсдаликлар» асарида. — Насрнавислик муяссар бўлганида ҳам Аҳмад Махдум каби воқеаларни ўқувчига содда тилда гавдалантириб кўрсата оладиган насрнавис бўлсам эди, деб орзу қилардим. Менинг бу орзу-ниятим Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина амалга ошди».

А. Дониш фаолияти билан танишар эканмиз, у ўзидан аввал яшаб ижод этган Навоий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём каби улуғ мутафаккирлар анъаналарини ижодий давом эттирганлигининг гувоҳи бўламиз.

Довюрак инсон, улкан адиб вафотидан (1897 й.) 20 йил ўтгач, 1917 йилда ўлкамизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилди. Ўтмишда Аҳмад Донишлар орзу қилган эркин ва озод яшаш бахти унинг бахтиёр ворисларига насиб этди.

Ўрта Осиё халқларининг машҳур маърифатпарвари, мутафаккири, улкан ёзувчи, шоир, тарихчи, шарқшунос олим Аҳмад Дониш қомусий билим соҳиби эди. Унинг орзу-умидлари рўёбга чиққан бизнинг кунларда халқ бу маърифат жарчиси номини ҳурмат билан ёд этади.

Мажид ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати,
доцент



Қимматбаҳо буюмлар музейи

1986 йилнинг охирида Қоҳирадаги Александрия саройида малика Фотима яшаган жойда қимматбаҳо буюмлар музейи очилди.

Буюмлар ўзининг нозик сайқалланганлиги ҳамда қимматбаҳо тошларнинг кўплиги билан томошабинларни ҳайратга солмоқда. Масалан, қирол Фаррухга тегишли бўлган шахмат доналарининг йиғмаси, олтин муштук ва аёлларнинг номи ёзилган олтин билакузук, платина, умумий оғирлиги 1.680 граммга тенг бриллиант безаклар шулар жумласидандир.

Шаҳар тимсоли

Яқинда Амазонка чакалакзорларининг одам қадами етиши қийин бўлган территорияларидан бирида, Кито шаҳарчасидан 800 километр жануброқда — Перу билан чегарадош ерда «мафтункор шаҳарча» топилди. Тарихий ҳужжатлар солиштириб кўрилганда, бу испаниялик олтин қидирувчилар манзилгоҳи бўлган жангари ҳиндуларнинг сиқуви остида 1580 йилда ташлаб кетилган Вальядолида шаҳарчаси эканлиги маълум бўлди.

БЕТАКРОР АДИБ

В. П. КАТАЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Кунлардан бир куни қўлимга В. П. Катаевнинг ўзбек тилига ағдарилган «Баҳор чечаклари» китоби тушиб қолди. Китобни ҳаяжонланиб ўқиб чиқдим. Назаримда, китоб аллақандай сеҳру жоду билан ёзилган, ўқиган сарим мени ўша сеҳру жоду кўзга кўринмас ипак иплари билан чирмаб борарди. Тушунча, туйғумдаги шартли ифодалар — инсон табиати, қиёфаси, руҳияти, жамият ва табиат қонунлари борасида ёзувчининг муносабати, изоҳидан ташқари, мана шу жараёнларга элтувчи ва уларни келтириб чиқарадиган сабаб ва оқибатлар, яъни оний ҳис-туйғуларни тўла ифодалашни менга В. П. Катаев кашф қилиб берди.

В. П. Катаевнинг бетакрор санъати нозик нафосатни англашим, ҳис этишимда менга мактаб вазифасини ўтади. Ёзувчининг насрий асарларидаги минглаб инсоний туйғулар — нафрат билан олижаноблик, ғазаб билан ландовурлик, мардлик билан сотқинлик, исёнкорлик билан қўрқоқлик, муросасозлик билан эътиқод, ҳақиқатпарастлик билан олчоқлик, шиддат билан лоқайдлик, манфаатпарастлик билан эзгулик, гўзаллик билан тубанлик, муҳаббат билан ҳиссизлик, қудрат билан мажруҳлик, эркак билан аёл орасидаги номутаносиблик — кучлилик ва ожизлик, ота-она билан фарзанд орасидаги табиий ҳис, табиат ва инсоният орасидаги узвий боғланишлар менда тасвирлаш иқтидорини мустаҳкамлади, кенгқамровлик уфқини очди. Мана шу турфа ҳис-туйғулар ва уларнинг жараёнлари орасида яна минглаб катта-кичик, майда-чуйда, юксак дидфасоат, ақл талаб этадиган, бир қарашда кўзга ташланавермайдиган, лекин бадиий адабиётнинг суяги, асаб торлари, пайларини ташкил қиладиган, яъни ўша катта, йирик туйғуларни аниқлаштирадиган, тўлдирадиган, уларнинг боғловчи ва бирлаштирувчи асосий воситаларини мен адибнинг асарларини ўқигандан кейин аниқроқ англадим, сездим, вужудимда очиқ қолган, тўлмаган, қониқмаган туйғуларимга озуқа топдим.

В. П. Катаев мени шундай инсоний ҳис-туйғуларнинг сирли-сеҳрли тасвир, ифодалар оламига олиб кирди, ўзигагина хос характер, қиёфалар билан таништирди-да, табиатнинг гўзал, бетакрор қонуниятларини кашф эта туриб, қалбимни шодликка кўмди. Катаев билан учрашиш орзуси дилимда куртак отди. Бироқ узоқ вақт бунга журъат этолмадим.

Ниҳоят, 1985 йилнинг август ойида Москвадаги СССР Ёзувчилар союзининг «Переделкино» ижодий Уйига дам олишга бориб, В. П. Катаев билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Тан олишим керак, учрашувдан олдин икки кунимни тортиниш, ҳайиқиш билан ўтказдим ва учинчи кунгина қўнғироқ қилишга журъат этдим. Трубкани у кишининг умр йўлдошлари Эстер Давидовна олдилар. У киши ўта мулойимлик, эътибор билан мени тингладилар. Ўзимни таништириб, Валентин Петрович Катаев билан учрашиш ниятим борлигини тушунтирганимдан сўнг бир оз сукут сақлаб: «У киши ҳозир айланиш учун ташқарига чиқадилар, йўлда учрашишингиз мумкин», дедилар. Изтиробу ҳаяжонлардан юрагим ҳаприқиб, айни пайтда улкан ихлосу иштиёқ билан ҳовлига чиқдим. Бир юриб, бир ҳаккалаб алоҳа Эстер Давидовна айтган Серафимович кўчасига етиб бордим. Кун ботиш томонга чўзилиб кетган тор йўлдан уч киши келар, уларнинг иккитаси аёл киши бўлиб, бири Валентин Петровичнинг умр йўлдоши Эстер Давидовна, иккинчиси қизи Евгения Валентиновна эканлигини тахминан фаҳмладим. Ўртада — Валентин Петрович. Улар шошилмай, айни вақтда қаршиларида меҳмон кутаётганини унутмаган ҳолда, ўхтин-ўхтин менга қарашиб, бир нималар дея шивирлашарди. Умр йўлдоши билан қизи у кишининг тирсакларидан олишиб раъйига қараб қадам ташлашар, Валентин Петрович ҳам тирсакларидаги қўлларга озор бермай аста, салобат билан илгариларди. Валентин Петровичнинг бошида икки бурчи чўккан оқиш шапка, эгнида йўл-йўл оқ кўйлак, оқ шим, шимига мойил рангда калта халат кийиб олган, оёғида оқиш туфли. Қўлида соат, бўйнида эса кумуш занжир. Орамиздаги масофа яқинлашиб қолди, мен қайси бирига қўл чўзиш, чўзмаслик ҳақида бир қарорга келолмай, гапни нимадан бошлашни билмай турганимда Валентин Петровичнинг ўзи самимий жилмайиб мени ноқулайликдан қутқарди.

— Ассалому алайкум! — дедим эсанкираб ўзим томон чўзилган Валентин Петровичнинг қўлларини олар эканман.

— Салом, салом, — деди у киши ва чамаси ўзбекча алик олишни билмаганидан афсусланиб, ҳатто хижолат ҳам тортиб мени жиддий кузатди.— Ўзларими? Сафарлар қабул. Дам олишга келдиларми? Ёзишлар қалай бораяпти?

— Ташаккур, — дедим ва шундан кейингина ҳушимни йиғиб, шошилинч ёнимдаги мезбонларга қарадим. Саломлашдим. Улар ҳам мамнунлик билан бош ирғаб мен билан сўрашишди.

— Сизларга халал бермайлик,— деди Эстер Давидовна бир пайт ва қизининг тирсагидан олиб илгарилаб кетди. Валентин Петрович одатий қисқа-қисқа қадамлар билан юриб борар, хорғин атрофга аланглар, баъзан менга қараб қўярди. Мен у кишини фахр, ғурур билан кузатардим.

— Урушдан илгари Ўзбекистонда бўлганман, — дея ниҳоят Валентин Петрович гап бошлади. — Гўзал ўлка. Ўзбеклар дўппи кийишади. Белбоғ ҳам боғлашарди чоғимда. Аёлларнинг ранго-ранг кийимларини айтмайсизми. Менга жуда ҳам ёққанди. Эшак минган, арава ҳайдайдиган болаларни кўрганимда беҳад қувонгандим. Ранг-баранглик доим ҳам кишининг кўзини қувонтиради, тасаввурини бойитади. Бир хиллик эса, инсонни доим зериктиради. Қани, ўзларидан эшитайлик.

— Сиз айтган ранг-баранглик қишлоқлардагина сақланиб қолаяпти, — дедим хаёлга чўмиб.

— Кейинчалик қишлоқда ҳам қолмайди деяверинг, — Валентин Петрович паришон жилмайди. — Биз ёзувчилар гўзалликнинг асрагучилари, ҳимоячиларимиз. Бадиий адабиётга шу нуқтаи назардан ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлар... Ўзлари бу ерда узоқ турадиларми?

— Қарийб бир ой, — дедим.

— Яхши, яхши, демак сиз билан яна кўришамиз.

— Албатта.

Август ойининг намхуш, танага хуш ёқадиган, олақуроқ булутли куни эди. Переделкинода ҳамон булутлар фасли давом этарди. Оқиш гала булутлар орасидан баъзан мунаввар қуёш юзини кўрсатар, азамат қайин дарахтларининг қалин япроқлари орасидан ўткир нурларини сочар, чивинлар беҳолгина танага қўнар, озгина ҳаракат билан таҳликага тушиб, тез орада учиб кетар эди.

Валентин Петрович билан эгри-бугри, баъзан кўтарилиб сўнг пасаядиган тор йўлдан кун ботиш томонга юриб бораяпмиз. Бошимни ўқтин-ўқтин кўтариб устознинг нурга кўмилган юзига кучли бир иштиёқ билан қараб қўяман. Кексалик туфайли салқиб, сийрак қошлари устига тушган қовоқлари орасидаги мовий кўзларида чексиз бир улуғворлик ва доноликни, айни пайтда жониворлар, қушлар оламига беҳад қайғурувчи олижаноб инсоннинг раҳмдиллиги билан қудратли табиат қаршисида толиқиб кучсизланган тирик вужуднинг паришонлигини кўраман. Тўқсон ёшни қоралаганига қарамай ҳамон қадди тик, фикри тиниқ, енгилмас руҳ соҳиби — чол мени ҳамон ҳайрат, таажжубга солади. Оддийгина самимийлиги билан тўқсон ёшда ҳам ёш, навқирон ёзувчидай инсониятга ноёб асарлар бераётган бу чол ҳар лаҳза менга Хемингуэйнинг енгилмас Санъатиягосини эслатади. Назаримда,мен тирик классик билан илк бор кўришаётгандайман.

Шу куни биз икки соатча айланиб, сайру саёҳатлар қилдик. Мана шу икки соат бизни мутлақо қадрдонлаштирди. Улуғ инсон, бетакрор ёзувчи Валентин Петрович қалбимга сўнмас, ўчмас нурдай кириб ўрнашди, бутун умримга татигулик маёқлик вазифасини ўтади.


Дарҳақиқат, совет адабиётининг асосчиларидан бири Валентин Катаев ўзига хос ва такрорланмас улуғ рус ёзувчисидир. СССР Ёзувчиларнинг Биринчи съезди қатнашчиси Валентин Катаев Францияда Гонкурлар академияси ҳамда Майнц санъат ва фан академиясининг аъзоси эди. Унинг асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима этилган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати машҳур ёзувчи бўлиб етишган В. П. Катаев 1897 йилнинг 28 январида Одессада ўқитувчи хонадонида дунёга келади. Унинг илк шеъри 1910 йил «Одесский вестник»да эълон қилинади. «Камомадчилар», «Оқариб кўринар ёлғиз елкан», «Хотин», «Жанубга саёҳат», «Девордаги темир дарича», «Қора денгиз тўлқинлари», «Полк ўғли», «Баҳор чечаклари», «Муқаддас қудуқ», «Вақт, олға!», «Мен — меҳнаткаш халқ фарзандиман», «Электр машинаси», шунингдек, «Саҳродаги қишлоқ», «Қишки шамол», «Эрендорер ороли», «Ёшлик романи», «Скулянадаги қабристон», «Обероннинг сеҳрли мугузи» сингари кўплаб романлари Совет адабиёти хазинасига бебаҳо бойлик бўлиб қўшилди. Бундан ташқари у қиссалар, пьесалар, юзлаб ҳикоялар ва эртаклар муаллифидир.

Москвадаги «Художественная литература» нашриёти 1986 йил Валентин Катаевнинг 10 жилдлик асарларини босмадан чиқарди.

Валентин Катаев 1986 йил 12 апрелда умрининг 90 баҳорида оламдан кўз юмди.

Ўктам ҲАКИМАЛИ

ОМОНҚЎТОН ШАРШАРАСИ



А. Кузьменко фотоси

ЛАТИФАЛАР

Олифта аёл китоб магазинига кириб, сотувчи қизга мурожаат қилди:

— Синглим, қандай яхши китобларингиз бор?

Сотувчи қиз бир китобни узатиб деди:

— Мана бу одамийлик ва орасталик ҳақида, жуда қизиқарли китоб.

Аёл парво қилмай, бошқа китобни кўрсатди:

— Менга ана унисини бера қолинг.

— Сиз ҳашаротлар оламига қизиқар экансиз, марҳамат, — деди сотувчи китобни олиб бера туриб.

— Йўқ, менга бу китобнинг муқоваси ёқиб қолди, мебелимнинг рангига жуда мос тушар экан, — деди аёл мамнуният билан.

* * *

Бригадир пешинга қадар ухлаб ётган Афандини уйғотиб, таъна қилди:

— Насриддин почча, янгам далада пахта чопиқ қилиб юрибди, сиз эса хурракни башанг қилиб ухлаб ётибсиз, уят эмасми?!

— Ўша янгангизга етишгунча ойлаб ухламаганмиз, ўшанинг ҳиссасини чиқараяпмиз, — деди Афанди ҳозиржавоблик билан.

Доно маслаҳат

Карнайчи билан сурнайчи туғруқхонада кўзи ёриган хотинларини кўриб келишаётган эди, чойхонада мижоз кутиб ўтирган отарчилар қийқириб кутиб олишди:

— Бақироқми, чинқироқми?

— Карнай, — деб бақирди карнайчи.

— Сурнай... — деб нола қилди сурнайчи.

Отарчиларнинг воситачиси уларнинг қўлларини бир-бирига тутқазиб маслаҳат берди:

— Йўқса, иккаланг қуда бўлинглар, карнайчи билан сурнайчининг фарзандидан зўр ноғорачи туғилади!

А. ИСОМИДДИНОВ



Иккиюзламачи.

* * *

«Қўзиев, сизни фермада Бўриев кутиб турибди!»

(Колхоз радиоузелидан эшиттирилган эълон)

* * *

«Бўш шишалар соат иккидан кейин қабул қилинади».

(Магазин пештоқидаги эълон)

Т. ТЕШАБОЕВ

* * *

«Мени «порахўр» деган гап туҳмат! Порани еб бўлмайди, мен у пулга «тилло» заём олганман».

(Порахўр эътирози)

* * *

«Ҳаётнинг ичига чуқурроқ киринг, деганингиз учун ушбу ишқий ғазални Метрода ёздим.

(Еш шоир хатидан)

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ЧУВАЛЧАНГ УЧУН ЖАРИМА

Англиядаги қўриқхоналардан бирининг хизматчилари тартиббузувчилардан уч нафарини қўлга олиб, уларнинг ҳар бирини 20 фунт стерлинг миқдорида жарима тўлашга мажбур қилдилар.

Маълум бўлишича, тартиббузувчиларнинг жавобгарликка тортилишига ҳайвонларга қарата ўқ узиш ёхуд дарахтларга зарар етказиш сабаб бўлгани йўқ. Улар белкурак ёрдамида атиги 400 та чувалчанг қазиб олган эдилар. Бу эса, яқин вақтлардан буён қонун томонидан тақиқланган. Зотан, эколог-мутахассисларнинг фикрига кўра, оддий чувалчангларни қириш табиат мутаносиблигига зарар етказади.

Сигир — изқувар

Тоғдаги овуллардан бирида яшовчи Рамазонов ихтиёридаги сигир билан бузоқчани сотишга аҳд қилиб, қўшни район бозорига йўл олди. Махачқалъа яқинида жойлашган Усиши қишлоғидан харидор чиқиб, бузоқчанинг ўзини сотиб олди. Эгаси бозори ўтмаган сигирни қайтариб кетди.

Эртаси куни Рамазонов сигирни подага ҳайдаб, ўзи ишга кетди. Кечқурун жонивор яйловдан қайтмади. Сигирининг дарагини тополмаган эгасининг кўнглида уни бўри еб кетган бўлса керак, деган шубҳа ўрнашиб қолган бўлса ҳам, таваккалига Усиши қишлоғига йўл олди. Қарангки, ўнлаб километр йўл босган сигир бузоқчаси билан ёнма-ён турарди.

— Энди мен ўзим бир дохтирга учраб келай, тобим қочиб қолди.



— Бемор, боринг, тузалиб кетасиз, суфф!

Ҳақир-тиқанак

РИЁКОРНИНГ БАШАРАСИ

Элбек МУСАЕВ

Эски усулда дидсиз безатилган хонада телевизор, магнитофон ва видеомагнитофон. Хонтахта ёнида ўрта ёшдаги, мўйлов ва бежирим соқол қўйган Нусрат домла кўзини юмган ҳолда чўкка тушиб ўзича нималарнидир пичирлаб ўтирибди. Эшик қўнғироғи жиринглайди, сўнгра ўқитувчи салом бериб киради.

Нусрат домла. Ваалайкум ассалом! Келинг, биродари азиз, келинг. Хизмат?

Ўқитувчи. Янглишмасам, сиз Ҳикматиллонинг дадалари бўласиз, шундайми?

Нусрат домла. Балли, Ҳикматилло кенжам, яъни суфра қоқдим бўлади, ўзлари ким бўладилар?

Ўқитувчи. Унинг ўқитувчиси бўламан.

Нусрат домла. Э-э, шундай демайсизми, биродари азиз. Хўш, муаллимжон, менинг хонаи кулбамга қандай шамол учирди?

Ўқитувчи. Гап шундаки, кейинги пайтларда Ҳикматиллонинг ўқиши анча сусайиб кетди... Юриш-туришида ҳам ўзгариш пайдо бўлган... Сиз билан жиддий гаплашиб олмасак бўлмайди.

Нусрат домла. Таажжуб, сиз муаллимсиз, мен эса... ўқувчингизнинг падари бўлсам...

Ўқитувчи. Тумор ясаб, ўқийдиган домламан... деяверинг. Ана шунинг учун ҳам жиддий гаплашиб олишимиз керак. Нусратилло домла, биламан, сиз масжиднинг имомисиз. Эътиқодингиз қандай, нималарга ишонасиз, бу — сизнинг ишингиз.

Нусрат домла. Албатта, бу — менинг ишим. Бизнинг мамлакатимизда диний эътиқод эркин эканлигини ҳам билсангиз керак, конституцияда қайд этилган.

Ўқитувчи. Эътиқодингиз ўзингиз билан. Лекин сиз ўз эътиқодингизни хуфёна тарзда ёшларга ҳам сингдирмоқчи бўлаяпсиз. Мана бу ишингиз нотўғри, қонунга хилоф. Маълум бўлишича, уйингизда яширин мактаб очиб, Ҳикматиллони эмас, унинг яна уч-тўрт синфдошини ҳам эскича ўқитаётган экансиз.

Нусрат домла. Нимага асосланиб бу гапларни менга айтаяпсиз?

Ўқитувчи. Аввало, ана шу сизнинг яширин мактабингизда ўқийдиган болаларнинг ўқишлари пасайиб кетди. Сизнинг ўғлингиз бошлиқ тўрттови дарсга келмайди ёки бараварига дарсдан кетиб қолишади.

Нусрат домла. Унда айбни мактабдан ахтаринг. Хўш, менга айтинг-чи, болаларга эскича ўқишни ва ёзишни ўргатсам, улар келгусида дорилфунуннинг шарқ бўлимида таҳсил кўришганда осон бўлмайдими уларга!

Ўқитувчи. Сиз, тақсир, худди мана шу нарсаларни ниқоб қилиб олгансиз. Аслида эса ниятингиз мутлақо бошқа. Ёш болаларни тўғри йўлдан чалғитиб, уларни ўз сўқмоғингиздан етакламоқчисиз.

Нусрат домла. Бекор гап, мен уларга пок юришликни, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликни ўргатамен.

Ўқитувчи. Бу гапларни фақат тилингизда айтасиз, аслида эса хиёнат ва ахлоқсизликни ўзингиз бошлаб берасиз.

Нусрат домла. Мен бировнинг тийинига хиёнат қилган одам эмасмен. Нима бўлса ҳам, одамларнинг ўзлари сидқидилдан инъом қилишади менга.

Ўқитувчи. Ҳалол меҳнат билан пул топиб, тирикчилик қиладиган одам сиздан нажот сўраб келмаслигини яхши биласиз. Ўн беш минут олдин гилам ташлаб кетган одам бизнинг маҳалламизда туради. Бутун туриш-турмуши қаллобликдан иборат. Дуч келган нарсани ўмарсам, дейди. Ана ўша одам битта гиламни икки оғиз дуога алмаштириб кетди. Суриштириб келганда, ўша қаллобликка сиз ҳам шериксиз. Энди айтинг-чи, Бегали деган йигит шогирдингиз бўлган, шундайми?

Нусрат домла. У бадбахтга мен ҳеч қачон устозлик қилмаганмен. Садқаи одам кетсин у...

Ўқитувчи. Тақсир, хонадонингизда уч йил хизматингизни қилган одамни нима учун ҳақоратлаяпсиз?

Нусрат домла. Мен унга бошпана бердим, едирдим-ичирдим, кийинтирдим, илм ўргатдим. Оқибат натижада... нонкўрлик қилди.

Ўқитувчи. Шарманда қилди денг. Ҳув анави бурчакда турган видеомагнитофон бўлса керак-а?

Нусрат домла. Бир таниш укамиз хорижга борганда болаларга совға деб олиб келган эди.

Ўқитувчи. Шогирдингиз Бегали билан комиссион магазиндан беш минг сўмга олиб келган видеомагнитофонингиз шу эмасми, тақсир? Ёнида кинога туширадиган камераси ҳам бор экан.

Нусрат домла. Энди гапнинг сирасини айтсам, ўша Бегали деган шахс менинг хонадонимдан ҳалиги сиз айтган кинога туширадиган аппаратни олиб ғойиб бўлди. Уни танир экансиз, қаердалигини айтинг, мен у эгри кўлни судга бераман.

Ўқитувчи. Судга беришнинг ҳожати йўқ, аппаратни мендан бериб юборди. 3—4 кассетаси ҳам бор. Магнитофонингизда бир-иккитасини кўйиб кўрамизми?

Нусрат домла. Болалар бўлганда бир иложини қилишарди-я, аксига улар ҳам уйда йўқ...

Ўқитувчи. Рухсат берсангиз, ўзим қўяверaман, бунда ёзилган нарсани болалар кўрмагани маъқул.

Нусрат домла. ...Ҳай, нима ҳам дер эдик, энди...

Ўқитувчи видеомагнитофон тугмасини босади. Кадрда Нусрат домла, деразадан аста қараб кимгадир «кираверинг» дегандек қўли билан ишора қилади. Ўзи салласини ечиб, дўпписини кийиб олади. Орадан бироз ўтгач, хонага 30—35 ёшлардаги сатанг бир аёл — Қимматхон кириб келади.

Нусрат домла. Келинг, хоним, келинг. Ташқарида ҳеч кимнинг кўзи тушмадими сизга? Нечун бугун бизни йўқлаб келибсиз, ваъда бўйича бошқа кун кўришмоқчи эдик-ку!

Қимматхон. Дарров таъна қилманг, домлажон, шундай қилсангиз бир йўла келмай қўяман-а...

Нусрат домла. Дарров жаҳлингиз чиқмасин, хоним, келинойингиз, йўғ-е, отинойингиз уйдалар. Билиб қолсалар дили сиёҳлик бўлиб юрмасин яна.

Қимматхон. Отинчангиз ўзлари билан ўзлари овора, хотинларни тўплаб, мушкулкушод ўқиётганга ўхшайдилар. Ҳозир ким келиб, ким кетганини ҳам билмайдилар. Бутун фикр-зикрилари содда аёлларнинг кўнглини овлашда.

Қимматхон Нусрат домла ёнига бориб, қийшанглаб, бўйнига осилмоқчи бўлади.

Нусрат домла. И-и-и... Қимматхон... хоним... уй тўла одам-а...

Қимматхон. Бўпти, кетаман. Зарур иш билан келганман ўзи. Менга беш юз сўм керак. Тилло магазинига бриллиант кўзли зирак келган экан, ўшандан олмасам бўлмайди.

Нусрат домла. Зиракларингиз жуда кўп-ку, хоним, иккита қулоққа нечта зирак тақасиз ўзи?

Қимматхон. Ҳо-о, энди шунақа бўлиб қолдими, хотинингиз бўла туриб...

Нусрат домла. Бўлди, бўлди, хоним, бўлди...

Қимматхон. Ўз исмим бўлатуриб, Қимматхон деб исм қўйгансиз. Энди бу ёғига ҳам чидайсиз.

Нусрат домла. Сизга йўқ деб бўлармиди, хоним. Бир жаҳлингизни чиқардим-да, Қимматхон! Мана ҳозир...

Нусрат домла пул узатади,

— Мана беш юз сўм, хоним. Хурсандмисиз энди?

Қимматхон. *(Чиқиб кетатуриб).* Хайр.

Нусрат домла. Муаллимжон... ука... Сиздан ўтиниб сўрайман, мени шарманда қилманг, жон укажон... Не десангиз берай, хўп десангиз дуо қилай, сахий қалбингизни дарғ тутманг мендан, хўп денг, укажон, хўп денг...

Ўқитувчи. Бас қилинг, тақсир. Поклик, ҳалоллик ҳақида гапирасиз-а, яна. Динни ниқоб қилиб одамларга ўзингизни ким деб кўрсатмоқчи бўласиз-у, ниқоб олиб ташланганда кимлигингиз мана кўринди-қўйди. Ана энди ҳукмни ўзингизга ўзингиз чиқарсангиз ҳам бўлаверади. Акс ҳолда бошқалар ҳукм чиқаради сизга.

Нусрат домла. *(Юрагини ушлаб)* Водариғ, тамом бўлдим.



— Тақсир, оз бўлса ҳам кўп ўринда кўрасиз...

Ш. Абдуллаев чизган расмлар



Наполеоннинг сўнгги хатоси

1816 йил ўтиб борарди. Муқаддас Елена оролига сургун қилинган Франциянинг собиқ императори Наполеон Бонапартга унинг яқин бир дўсти фил суяги ва нефритдан ясалган шахматни совға қилади. Наполеон ҳар куни нафис доналарни қўлига олиб томоша қилар, сўнгра ўзи билан ўзи шахмат ўйнар эди. Машҳур маҳбус вафотидан кейин эса мазкур шахмат очиқ савдода юқори баҳо билан сотилди ҳам. Фақат яқиндагина унинг сўнгги эгаларидан бири тасодифан шахмат доначаларидан бирининг таги буралиб очилишини, унга оролдан қочишнинг мукаммал плани яширилганини пайқаб қолди. Шундай қилиб тақдир Наполеон Бонапартни яна бир марта мот қилган экан, деб ёзади «Дагенс нюхетер» номли швед газетаси.

Илон дўстми?

Ҳиндистондаги Гваликор шаҳридан олти чақирим нарида жойлашган Салон қишлоғи ибодатхонасига тунда қарокчилар кириб, коҳинни устунга боғлаб қўйдилар-да, ҳайкалдаги қимматбаҳо тошларни кўчириб олабошладилар. Шу пайт аллақаёқдан пайдо бўлган баҳайбат илон коҳинга ёрдамга келиб қолди. Илон жон-жаҳди билан тўда бошлиғининг оёғига ўралиб олди. Унинг шериклари эса қўрқувдан қотиб қолган эдилар. Ибодатхонадаги шовқин-суронни эшитиб деҳқонлар маҳаллий полициячи билан кириб келгандан кейингина илон ўғрини қўйиб юборди.

Сайёра келгиндиси

Хўп деяверинг, миёвловчилар оиласининг бунақа вакилини ҳали сира учратмагансиз. Ер юзида юзтагина қолган бу ноёб туксиз мушук тури сайёрамизнинг қадимий вакили ҳисобланади. Бу «келгинди» «Йонкерс» (АҚШ) шаҳрида ўтказилган «Халқаро мушуклар фестивали»да иштирок этди.

Балиқ қорнида тилла узук

Тула областининг Первомайский қишлоғида истиқомат қилувчи пенсионер аёл А. Максимовага бир таниши Москвадан совға-салом олиб келди. Совға орасида бир неча балиқ ҳам бор эди. Максимова балиқларни қўшниси билан баҳам кўрмоқчи бўлди. Қўшниси кичикроқ балиқни олмоқчи бўлган эди, пенсионер аёл унга йириқроғини таклиф қилди. Шундан кейин Максимова ўзига қолган кичкина балиқни тозалаётганда унинг қорнидан тилла узук чиқди!

«КОСМОНАВТИКА» ЦИКЛОКРОССВОРДИ



1. Космонавтика эрасини бошлаб берган Ернинг биринчи сунъий йўлдоши. 2. Ватанимиздан учирилган Ер сунъий йўлдошлари номи. 3. Космонавт-учувчи аёл, икки маротаба Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 4. Сайёралардан бири. 5. Сунъий йўлдошнинг Ер марказига энг яқин нуқтаси. 6. СССРдаги космодром. 7. Тадқиқотчи космонавтлардан бири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 8. Инсон парвоз этган биринчи космик кема номи. 9. Ватанимизда элтувчи ракета орқали учирилган Ҳиндистоннинг биринчи космик кемаси. 10. Коинот жисми, думли юлдуз. 11. «Союз» космик кемаларида парвоз этган космонавтлардан бири. 12. «Вега» космик кемаларини учириш орқали ўрганилган комета. 13. Космонавт-учувчи, авиация генерали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 14. Космик кемаларнинг бошқа осмон жисмларига тортилиш кучи таъсири остида фазодаги ҳаракат йўли. 15. Ернинг ташқи ва ички радиация поясларини тадқиқ қилиш мақсадида учирилган сунъий йўлдошлар системаси. 16. Дунёда биринчи бўлиб парвоз давомида очиқ космосда бўлган космонавт-учувчи. 17. Ой юзасида автоматик тарзда ҳаракатланиб, маълумотларни ерга юбориб турган космик аппарат. 18. Ўзбекистонлик космонавт-учувчи, халқаро космик экипажлар аъзоси. 19. Совет олими, космик-ракета системалари конструктори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 20. Космик кема қисми. 21. Космонавт-учувчининг махсус кийими. 22. Болгария Халқ Республикаси космонавти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 23. Дунёда биринчи космонавт-учувчи. 24. Қуёшни ўз ичига олган юлдузлар системаси.

Циклокроссвордни ҳал этгандан сўнг нуқталар билан белгиланган хоналардаги ҳарфлардан рус совет олими, космонавтика ва ракета техникасининг асосчиси фамилиясини ҳосил қилинг.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

1-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 1. Қайроқи. 6. Манго. 7. Ортиқ. 11. Космодемьянская (Зоя). 14. Руда. 15. Тихонов (Николай). 16. Укки. 17. Мантиқ. 18. Сеялка. 22. Ипак. 23. Магадан. 24. Марш. 27. Қорақалпоғистон. 28. Томди. 29. Олмос. 30. Брезент.

БЎЙИГА: 2. Ангидрид. 3. Қораялоқ. 4. Магма. 5. Қисса. 8. Конденсатор. 9. Аммон. 10. Ҳайкалтарош. 12. Кремний. 13. Бинафша. 19. Самандар. 20. Лампа. 21. Марғилон,. 25. Шамол. 26. Асвон.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Владимир Ильич Ленин.

Н. Қўзибоев чизган портрет.

Бош редактор: МИРМУҲСИН
Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), **О. ҲУСАНОВ** (бош редактор ўринбосари), **Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.**

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 18.02.87 й. Босишга рухсат этилди 20.03.87 й. Р-10654. Қоғоз 70×108 1/16. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 172729. Буюртма № 209. Нашр Б-113.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Здоровье» журналидан фойдаланилди.

Ботаника институти ходимлари, биология фанлари кандидатлари Ўктам Пратов, Марҳамат Тўлаганова, Муҳаммад Набиев.

А. Ванштейн фотолари





УзССР Фанлар академияси Ботаника институти илмий ходими Тамилла Саидова, биология фанлари кандидатлари — Қаҳҳор Ҳожиматов, Георгий Апрасиди.



Сарвиравонлар...

М. Пенсон фотоси

Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207